

496  
1968/4

Эн. 2  
№2  
**ГУЛИСТОН**  
4 (16) • 1968





Тилло ПҶЛОДИЙ,  
тожик шоири

## Менинг диёрим

Ғўзал тоғлар маскани,  
эй муқаддас тупроғим.  
Онам каби тарбия  
қилди мени қучоғинг.  
Шул сабабдан юракда  
қайнар қўшиқ булоғим,  
Беғубор осмонингда  
кабутардек учмоғим,  
Хуснинг томоша айлаб  
ёнар умид чирогим.

Мевазор боғларинг-у  
бўстонларинг дилкашдир,  
Тоғ сувлари куйлаган  
достонларинг дилкашдир,  
Ширин суҳбат қуришган  
инсонларинг дилкашдир,  
Қуй, қўшиқдан янраган  
осмонларинг дилкашдир.  
Ишқингни дилда сақлаб  
кезажакман гулбоғинг.

Эй соф ҳаво диёрим,  
доим хуррам, обод бўл,  
Қулфату ғам макридан  
мангуликка озод бўл,  
Тинчлик йўлида доим  
букилмаган пўлат бўл,  
Шоирга илҳом бериб,  
мангуликка шод бўл,  
Доим баҳор гулшаним  
бахти қулган чорбоғим.

Ўзбекистон  
Компартияси  
Марказий  
Комитети  
журнали



№ 4 (16)

апрель

1968

УШБУ СОН

мазмун

Экз  
№ 2

Буюк яловбардор  
Ленин сиймолари  
Садриддин Айний  
Танишинг: тожик бирс-  
дарлар  
Намангани соғиниб...  
Орият—ўлимдан қаттиқ  
Эллар-элатлар  
Номлар таъбири  
Бу йил сув сероб бўла-  
дими?  
Жон ширин  
Топилдиқлар  
Сумалак

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

Пандей Рож Мани, Чингиз Ахмаров,  
Р. Норжигитов, Ҳамид Нурий, Мирзо  
Турсунзода, Г. Чабров, А. Ваҳобов,  
З. Эгамбердиев, Шукур Холмирзаев,  
Миршакар, Мажид Ҳасанов, Ж. Тош-  
матов, Файзулло Ансорий, Гулшод  
Муҳаммаджонова, Фазлиддин Муҳам-  
мадиев, Жола Бадъе, Боқи Раҳимзода,  
Ўлмас Жамол, Ҳабибий, Расул Ҳам-  
затов, Мўмин Қаноатов, Гулчеҳра  
Сулаймонова, Азиз Қаямов, А. Раззо-  
қов, Т. Нафасов, Пиримқул Қодиров,  
Қ. Мамажонов, Ҳожи Содиқ ва бош-  
қалар.

Ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадний безакли журнал



**КЕЛАСИ СОН**

**мазмуни**

**„Оқ ёмғир“**

**Мардинома**

**Навоний мақтови**


**Ёшлик девони**

**Қарши дашти Бугун**

**Ватангадониинг кўз ёшлари**



*Ўзбекистон Компартияси Марказий  
Комитетининг Бирлашган нашриёти*



ЎБ У  
Ж

---

Буюк пролетар таълимотининг асосчиси

**КАРЛ МАРКС ТУҒИЛГАН КУНГА 150 ЙИЛ ТЎЛДИ**

---

Маркс таълимотининг қудрати зўрdir, чунки у тўғри таълимотдир.

В. И. ЛЕНИН.

Карл Маркс бундан 150 йил муқаддам Пруссиянинг Трир шаҳрида дунёга келди. Карл Маркс...ер юзининг бирор бурчаги йўқки, бу номни билмаган, эшитмаган бўлсин. Маркс бутун дунё пролетариатининг улғу устози дохийси, жамиятни революцион тарзда ўзгартириш ҳақидаги фаннинг яратувчиси дир. Дарвин органик дунёнинг ривожланиш қонуниятини очган бўлса, Маркс кишилик жамияти ривожланишининг қонунини очди. Маркс яратган таълимот марксизм номи билан янги дунё, коммунистик дунё учун курашнинг гоийи қуроли бўлиб келди ва келмоқда.

Маркс илмий коммунизмга асос солар экан, ўзининг бутун қучи, талантини меҳнаткаш халқнинг ҳукмдорлик зулмидан озод қилишга бағишлади ҳамда ана шу маълум халқнинг Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тегилик ва Биродарлик қарор топадиган жамият сари борадиган йўлини ёритиб турадиган ҳақиқий революцион ва чуқур илмий таълимотни яратди. Бу таълимот ҳозирги кунда миллионларнинг ақл-идрокини ўзига тортувчи қудратли жобабод кучга айланди ва ижтимоий прогресснинг борнишига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Философлар олами турлича изоҳлаб келдилар холос, лекин гап,— деган эди. К. Маркс «Фейербах тўғрисидаги тезислари»да уни ўзгартиришдадир. Ана шундай буюк хулосага келганда, Карл Маркс эндигина 27 ёшда эди. Бу даврда у, ёш гегелчлар таъсирдан бутунлай қутулиб, идеализмдан материализмга, социал демократизмдан коммунизмга ўтган, ёш гегелчларнинг сифий илдинини очиб ташлаб, уларнинг фалсафасини илмий асосизлигини кескин фош қилган эди. Ўзгартириш... Қандай қилиб? Бу нарса муаммо эди. Бу тарихий вазифани бажариш капитализм шароитида Карл Маркс ва унинг дўсти ҳамда сафдоши Ф. Энгельс зиммасига тушди. Улар ўзларидан олдин ўтган энг улғу кишилар — олимлар ва революционерларнинг илмий кашфиёти ва революцион фаолиятларига суянган ҳолда, эксплуатацияга асосланган жамиятдаги бутун иллат, азоб-уқубат, тенгсизлик ва хусусий мулкчиликни йўқотишни шу жамиятнинг ўзидан, унинг ижтимоий-иқтисодий структурасидан қидирдилар. Демак Маркс таълимоти жаҳон цивилизациясидан ажралган ҳолда вужудга келмасдан, балки XIX асрдаги энг илғор ижтимоий назариянинг; немис философияси, Англия сифий иқтисоди, Франция хаёлий социалистларнинг давомий сифатида вужудга келди. Марксистик илмий коммунизм, деб таъкидлади Энгельс, «Сен-Симон, Фурье, Оуэн солган негизга таяниб турганлигини ҳеч қачон унутмайди, у уч мутафаккирнинг таълимоти қанчалик хаёлий ва қанчалик утопия бўлса-да, улар ҳамма замоналарнинг энг буюк ақл эгаларидир ва улар жуда кўп ҳақиқатлар тўғрисида геннал равишда илгаридан хабар бердилар...» Бироқ буюк утопик социалистлар ўзларининг таълимотида жамиятни ўзгартиришнинг бирдан-бир

# МАРКС

йўли ўша вақтда ҳукмрон синфларнинг инсоф ва адолатга қақриш билан эришиш мумкин дейди. Улар тарихий ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳиятини очиб беролмас, шунингдек инсофият тарихининг чинакам ижодкори бўлган халқ оmmasининг ролинини тушунмас эди. Хуллас, Марксгача бўлган файласуфлар табиятни материалистик асосда тушунтирган ҳолда уни ижтимоий ҳаётга боғлашда идеализм ботқоғига ботиб кетар эдилар. Маркс ўзигача бўлган материализмининг ана шу дудмаллигини бартараф этди.

Карл Маркс тарихга материалистик қараш ва капиталистик эксплуатациянинг асосий манбаи бўлган қўшимча қиммат қонунини кашф этиб, шу икки улғу кашфиёт билан инсофият жамияти ривожланишида янги саҳифа очди. «Шундай кашфиётлардан икитаси,— деди Ф. Энгельс, Карл Маркс қабри устида сўзлаган нутқида,— бир умр учун кифоя қилар эди. Лоақал шундай битта қонуни кашф қилган киши ҳам бахтиёр бўлар эди. Аммо Маркс ўзи текширган ҳар бир соҳада,— ҳатто математика соҳасида ҳам,— мустақил кашфиётлар қилди, бундай соҳалар эса оз эмас эди ва бу соҳаларнинг биронтасида ҳам у юзакни иш қилгани йўқ. Бу фан арбоби ана шундай киши эди». Агар жаҳон майдонига янги, революцион куч бўлган пролетариат чиқмаганда эди, Маркс таълимоти ҳам вужудга келмаган бўлур эди. Пролетариат сифий ўз курашларида галабага эришиш учун курашиш йўлини ёритиб турадиган революцион таълимотга муҳтож эди. Пролетариат сифийнинг кураш ва галабаларини таъминлашга қаратилган ҳақиқий илмий ва чуқур назариянинг ижодчиси Карл Маркс бўлди. «Маркс,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— капитализм даврида инсофият қўлга киритган билимларнинг мустаҳкам пойдеворига таянди... У кишилик жамияти яратган нарсаларнинг ҳаммасини танқидий кўз билан ишлаб чиқди, уларнинг бирор пунктини ҳам эътиборсиз қолдирмади. У кишилик фикри вужудга келтирган нарсаларнинг ҳаммасини ишчилар ҳаракатида текшириб кўриб, қайтадан ишлаб чиқди, танқид қилди ва тор буржуазия доирасида ўраллашиб қолган, ёҳуд буржуа фотофотларига боғланган қолган, кишилар чиқаролмаган хулосаларни чиқарди».

Маркс буюк фан арбоби бўлиши билан бирга, фан соҳасида ажойиб кашфиётлар яратиш билан бирга, аввало изчил револю-



Юрий ГАГАРИН.

Владимир СЕРЕГЕВ.

## Таъзия

### «ГУЛИСТОН» АХБОРОТИ

Совет халқи, тараққийпарвар инсофият ўзининг биринчи фазогир ўғлони — СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони полковник Юрий Алексеевич Гагарин ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони инженер-полковник Владимир Сергеевич Сергеев билан чуқур қайғуда видолашди. Уларнинг номи дилимиздан ўчмайди.

Богларингни мақтайми, пахтазорингни васф этаймай? Яна ишқингда ёниб, сени қўмсаб, соғиниб, чинорзор кўчаларингни, ариқларингниг сонин соҳилларини, жийдазорлар атрини, ўрик гуллари тошқинини, шаҳар ичидаги жаннат — боғингни, Нанай, Заркент, Гурумсарой, Олмос, Тошбулоқ сингари соҳибжамол қишлоқларингни, олмазор, анжирзор богларингни, Уйчининг теракзор хиебонларини, гуллардан поёндоз тўшалган ерларингни, Учқўрғон, Чустнинг саҳий далаларини, Марказий Фаронада очилган янги бўстонларини, поплин азамат дўстларини, шаҳарда янги муаззам ва муҳташам корхоналар, кошоаналар, бинолар бунёд этаётган қурувчи дўстларини, ҳам-қишлоқларини, ҳамшаҳарларини, ёр-биродарларини, мени маърифат гулзори сари етаклаган, шеърят чаманидаги муаттар гуллардан завқланиш йўлини ўргатган кишиларни жуда-жуда соғиниб, янги азамат область қад кўтариши билан муборакбод этгани келдим.

Мана, бир ҳафтадан бунён обалстинг шаҳар, қишлоқларини кезиб юрибман, Ешлигимдан бери ҳар бир туп дарахти таниш кўчалар, кадрдон сўқмоқлар, Гоҳ машинада, гоҳ яёв, гоҳ отлиқ кезиб чиқдим. Кўп кишилар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Қаламкашнинг ён дафтари бўлади, Мен кўрган-билганларининг ҳаммасини қалбим дафтарига, юрагим дафтарининг нагларига кўпдан бери битиб юрган эдим. Уларнинг ёнига янги исмлар, янги фанлар, янги рақамлар қўшилди. Қалбим дафтариди ёзиглиқ нарсаларни ўқувчиларга қандоқ қилиб изҳор айласам, гапни нимадан бошласам экан, деб ҳайрон бўлиб юрган эдим. Бахтимга

# ДАЖОСИ

дионер эди. Маркс шундай завқ, матонат билан курашар эдики, бундай курашчилар жуда оз эди. Биринчи интернационал ташкилотчиси Маркс ва Энгельс капиталистик жамиятни социалистик негизда қайта қурадиган революцион куч, ишчилар синфи эканлигини илмий асосда кўрсатиб бердилар. Маркс турли мамлакатларнинг ишчилар ҳаракатини бирлаштиришни, илмий коммунизмнинг ғоявий ғалабасини таъминлашни, пролетар раҳбар кадрларни тарбиялашни биринчи интернационалнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблади. Ҳақиқатдан биринчи интернационал, Энгельс вафотига қадар иккинчи интернационал, В. И. Ленин раҳбарлигида учинчи интернационал халқаро ишчилар синфини империализмга қарши курашда ҳамisha уюштириб ва жипслаштириб келди. Эндilikда халқаро коммунистик ҳаракат дохийнинг бу кўрсатмасини изчиллик билан ўтказиб келмоқда.

Жамиятнинг революцион асосда ўзлаштириш учун курашга отланган янги синф — пролетариат синфининг тарихий миссияси ва шонли вазифаси К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан «Коммунистик партия Манифести»да чуқур ва атрофлича баён этилди. Улар ўзларининг бу асарларида олиб борган жуда катта ишларига якун ясадилар ҳамда революцион курашларига маълум хулоса чиқардилар. Бу асар икки улуғ гений даҳосининг ажойиб намунаси, илмий коммунизмнинг биринчи жанговар программаси бўлиб майдонга келди. Коммунистик партия манифестига В. И. Ленин шундай юксак баҳо берган эди: «Бу асарда янгича дунёқараш, яъни ижтимоий ҳаёт соҳасини ўз ичига олган изчил материализм, тараққиёт тўғрисидаги энг мукаммал ва чуқур таълимот бўлган диалектика, синфий кураш назарияси ва янги коммунистик жамият ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул тарихий революцион роли тўғрисидаги назария доҳийна сураатда аниқ ва равшан баён қилинган». Комманифестда айтилган геннал фикрлар К. Маркснинг «Капитал» асарига янада ривожлантирилди.

1867 йилда «Капитал»нинг биринчи томи нашр қилинди. Роп-роса 50 йилдан кейин эса марксизмнинг илмий гипотезаси реал воқеликка айланди. Россияда Улуғ Октябрь социалистик

революцияси ғалаба қозонди! Улуғ Октябрь революцияси ғалабаси патжасида марксизм-ленинизм ер юзидagi юз миллионлаб ишчиларнинг фикри-ўйларида ҳукмрон бўлиб қолди.

Бутун ҳаётини меҳнаткаш халқ оммасининг бахт-саодатига бағишлаган К. Маркс революцион ҳаракатнинг ҳар қандай муваффақиятларидан қувонар эди. 1871 йилги Париж коммунаси ҳақидаги воқеаларни эшитар экан, бениҳоя қувонган ҳолда: «Қанчалик уддабуронлик, қанчалик тарихий ташаббус, қанчалик фидойийлик бор, бу парижликларда!... Тарих ҳали бундай қаҳрамонлик кўрмаган!» деб ёзган эди. К. Маркс омманинг тарихий ташаббусини ҳамма нарсадан ҳам юқори қўяр эди. Агарда К. Маркс тирик бўлиб, рус пролетариатининг 1905—1907 йиллардаги ҳамда 1917 йил февраль ва октябрдаги тарихий жасоратларини ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитганда нималар деган бўлар экан-а!

1883 йил Карл Маркс вафот этди. Худди шу йил чет элда рус социал-демократларнинг Плеханов раҳбарлигида «Меҳнатнинг озод қилиш» гуруҳи ташкил этилди. Тарихнинг тўғри келишини қараг! Шундан бошлаб Россияга марксизм кенг тарқала бошлади. Кейинчалик Россия марксизм ватанига, В. И. Ленин эса унинг ижодчиси ҳамда дохийига айланди.

В. И. Ленин янги тарихий шаронда, империализм ва пролетар революцияси даврида марксизмни ижодий ривожлантирди ҳамда уни оппортунизмнинг турли хил кўринишларидан авайлаб сақлади ва ривожлантирди. В. И. Ленин ҳамisha марксизм догма эмас, балки ҳаракат учун қўлланма эканлигини кўп марта такрорлар эди. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельс таълимотига таяниб, социализм ва коммунизм қуришнинг энг муҳим назарий ва амалий проблемаларини ривожлантирди ва ишлаб чиқди. Лениннинг буюк таълимотлари жамиятнинг социал қайта қуриш учун курашчиларнинг янги-янги авлодларини илҳомлантирмоқда.

Марксизм-ленинизмнинг қудратли таълимоти асосда ғалаба қозонган Октябрь социалистик революцияси дунёни революцион тарзда ўзгартириб юборди. Октябрь революциясидан сўнг вужудга келган қудратли жаҳон социалистик системаси империалистик системалага октябрдан сўнг берилган иккинчи қудратли зарба бўлди. Натижада империализм тобора ўлиб, чириб бормоқда. Жаҳон социалистик системаси эса олға қараб ривожланишда янги-янги ғалабаларни қўлга киритиб бормоқда.

Марксизм эндиликда миллионларнинг кураш байроғига, ғалаба байроғига айланди. Марксизм бутун дунёда ишчилар синфининг коммунизм учун олиб бораётган курашларида қудратли ғоявий қурол бўлиб хизмат қилмоқда.

К. Маркснинг буюк дўсти ва сафдоши Ф. Энгельс сўзи билан айтганда, К. Маркс номи ва иши асрлар оша абадий яшайди.

Р. НОРЖИГИТОВ,

Тошкент Давлат педагогика институти илмий коммунизм кафедрасининг мудири.

## СОҒИНИБ

## КЕЛДИМ

Ҳамид Нурий

қадрдоним Нуриддин Бобоқўжаев учраб қолди. У ким дейсизми, Наманган Давлат педагогика институтининг истеъдодли илмий ходимларидан бири, яқинда филология фанлари кандидати деган унвонга сазовор бўлиш учун диссертация ёқлади. Унинг темаси «Шоира Зулфиянинг поэтик маҳорати». Тошкентлик олим Озод Шарофидиновнинг шогирди Нуриддин диссертация ёқлаган кунини йирик олимлардан бири Фаттоҳ Абдуллаев ҳам бор эди. У Нуриддин Бобоқўжаевнинг илмий ишига қўплар қатори юқори баҳо берди. Диссертация оқшомни тугагандан кейин, Тошкент кўчаларида Нуриддин билан тонготар кезиб чиққанам эсимга тушди. Вирдан дардимни Нуриддинга айтиб қолдим:

— Рост гап, бир ҳафтадан буён ўйлайман: ёзajak лавҳамни қандай бошлашни билмаяпман...

Нуриддин Бобоқўжаев — фаҳм-фаросатли, аёхли йигит. Ҳаи деҳқон ўғли. Ҳамқишлоғим. Унинг рафиқаси Санобархон Ҳасанова ҳам шоира, Нуриддин илм даргоҳига дадил қадам қўйганидек, шеъринг майдонида ҳам явлон уряпти. Менинг қишлоқга бўлган мухаббатимни яхши билади. Ана шу ажойиб йигит менга калаванинг учини топиб берди.

— Қийналиб ўтирасизми, гапини қишлоғимиздан бошлан-қўйинг, ҳамқишлоқларимизни ёзинг.

Бу гап маъқул тушди. Бундоғ ўйлаб қарасам, қишлоқнинг кейинги ўттиз-ўттиз беш йиллик тарихи дилим дафтарига тўла-тўғисе ёзиб қўйилган. Ҳозир «Партия XXII съезди» колхозига уюшган қишлоқлардаги ҳаммани

таъниман Кўпчилининг номи дилимда ёзилди. У ҳамқишлоғимни ёзсам, буниси қолиб кетади, бунисини ёзсам, бошқа бири мени унутибди, деб ўқисини, ранжиши мумкин. Ўйлаб-ўйлаб, ана шу ҳамқишлоқларимнинг ҳаммаси ҳурмат қиладиган бир оила тўғрисида, оддий бир деҳқон, пахтакор шажараси — династияси тўғрисида гапиришга қарор қилдим.

Тўқмоқгузарлик Убайдулла отанинг ота болалари ҳам деҳқон ўтган. Уларнинг ҳаммаси чорикор бўлган, парча ерга, томчи сўзга зор бўлган. Убайдулла ота ҳам қўли қадок, тўни ямоқ, тоғони ёриқ, намбағал деҳқонлардан эди. Умрида қўлига қалам-дафтар ушламаган. Бойлардан қара олганида имзо ўрнига бармоқ босган. Улуғ Октябрь инқилоби туфайли ана шу одам ҳам, унинг бола-чақалари ҳам ёруғликка чиқибди.

Пигирманчи йиллардаёқ колхозга кирган деҳқонлардан бири Убайдулла ота бўлди. Унинг тўғич ўғли ўрмонхон ака ҳам колхозга кириб, ҳалол меҳнат қилди. Ленин ордени олди. Эътибор топди Ҳозир некса бўлишига қарамай, мирослик қилаётган Нуриддин Убайдуллаевнинг кўкрагида учта Ленин ордени, учта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, қанчадан-қанча медаллар бор. У ўз пайтида Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлигига сайланган. Оғир уруш йилларида фашистларга қарши курашда босқинчи нахталарнинг адабини берсин, деб учувчи лочинларимизга битта самолёт соғат олган, яъни ўз киссасидан, Убайдуллаевлар отасининг жам-

(Давоми 10-бетда)



Жаҳонда одамлар тиришиб, уюшиб ҳаранат қилсалар, албатта муддаога эришишлари, озодлик нашву намосини суриншлари шарт-шароитларини биринчи бўлиб кўрсатган буюк Инсоннинг:

коммунистик жамиятга фақат буржуазия устидан инқилобий зўрли ишлатибгина, пролетар инқилоби ва ишчилар синфининг барча меҳнатнашларни ўз атрофига жипслаштирган динтатура-си орқалигина бориш мумкин-

✽ ~~~~~ ✽

Карл Маркс—студент.  
Рассом И. Гринштейн, 1961.


лигини илмий асослаган улуғ Сиймонинг—

Карл Маркснинг туғилганига 150 йил тўлди.

Агар Маркс таълимоти бўлмаганида, Россиянинг илгор ишчилари марксизм назарияси билан пухта қуролланмаганлариде ва ҳам бу таълимотни ўз хара-катида қўлланма деб билмаганлариде большевиклар партияси 1917 йил октябрда оламшумул-тарихий галабага эришолмас эдилар.

~~~~~ ✽

К. Маркс. 1872 йил. Фотография.




# ЯЛОВЪАРДОР

Маркс 1818 йил 5 майда Трир шаҳрида туғилди. Карл дунёга келган оила етинган, тўқ, маданий оила эди, аммо инқилобий эмасди. Маркс Трирдаги гимназияни тугатгач, аввал Бонн, кейинча Берлин университетларида ўқиди. У адлия фанларига, айниқса тарих ва фалсафага қизиқди.

1843 йилнинг кузиде йигирма беш ёшли Маркс Парижга кўчиб боради ва у ерда биринчи марта Ф. Энгельс билан уч-рашади. Шундан бошлаб, икковлари бир умр дўст ва сафдош бўлиб қоладилар. Улар Париждаги инқилобий гуруҳнинг қай-ноқ ҳаётида фаол қатнашадилар.

1845 йилда Карл Маркс Пруссия ҳукуматининг талаби билан хавфли инқилобчи сифатида Париждан бадарга қилинади. У Брюсселга кўчиб ўтади. Бу ерда «Коммунистлар союзи» II съездининг топиригига мувофиқ, Энгельс билан биргаллик «Коммунистик партия манифести»ни ёзади.

1848 йил февраль инқилоби бошланганида Маркс тагин бадарга қилинади. Бу сафар Бельгияга жўнатилади. У яна Парижга қайтади, март инқилобидан кейин у ердан Германияга боради. 1849 йилнинг май ойида Марксни Германиядан ҳам сургун қиладилар. У яна Парижга қайтади, сўнгра эса 1849 йил 13 июль намоишидан кейин қувғин қилингач, Лондонга кўчиб ўтади ва умрининг охиригача ўша ерда яшайди.



Карл Маркс I Интернационалнинг Гаага конгрессида нути сўзлапти.  
Рассом А. Ржезников.

Отамни от қилиб миниб ўйнашдан лаззатланардим. Унинг елкасига ўтириб олиб, у маҳал ҳали оқармаган нуоқ соқолидан маҳнам чангаллаб, чоқина богчамиз саҳнида ҳаяжон билан чоптирар эдим, Гарчи отам жуда ювош от бўлолса ҳам, унинг бошқа бир ажойиб қобилияти бор эди. У айтган эртанлар болларга эмас, километрларга бўлинарди.

«Тагин бир километр эртан айтиб беринг» деб туриб олишарди болалар.

Қизиқ бир воқеа эсимда: бир кунни ўн ёшлардаги кичкина бола Майланд-паркда, ҳеч нарсдан ҳеч нарса йўқ, Интернационалнинг «даҳшатли» дохийсини тўхтатиб, унга пичоқ алишсини таклиф этиб қолди. Икковлари чўнтакларидан пичоқ олиб, тенглаштириб кўришди. Боланинг пичоғи бир тигли, Марксники эса икки тигли, аммо ниҳоятда ўтмас эди, Улар узоқ савдолашгач, ҳарқалай, пичоқларини алишдилар, бироқ Интернационалнинг «кўрқинчли» дохийси пичоғи жуда ҳам ўтмаслиги эвазига болага қўшимча ҳақ тўлади.

ЭЛЕНОРА МАРКС-ЭВЕЛИНГ КИЗИ.



Карл Маркс, Фридрих Энгельс ва Маркснинг қизлари. 60-йиллар. Фотография.



В. И. Ленин Москвада К. Маркс ва Ф. Энгельсга ўрнатилган вақтинча ёдгорлигини очди, 1918 йил ноябрь, Фотография.


Ўзбекистонда тожик адабиёти ва санъати ўн кунлиги олдидан.

Маркснинг қувғиндаги ҳаёти қанчалар оғир бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Муҳтожлик Марксни ва унинг oilасини қаттиқ қийноққа солади. Агар Энгельс ҳамиша моддий жиҳатдан фидоиларча қўллаб турмаганида Карл Маркс «Капитал» асарини ёзиб тугатиш у ёқда турсин, қашшоқлик азобига дош беролмай нобуд бўлиб кетиши мумкин эди.


Зўр бериб ишлагани, назарий машғулот билан қўп шуғулангани учун Маркс соғлигидан батамом айрилган эди. Шунга қарамай, у қаттиқ уриниб, ўзининг сиёсий иқтисод асарини қайта ишлади, «Капитал»нинг охирини ёзиш учун жуда қўп ҳужжатлар тўплади, бир қанча тилларни (жумладан, рус тилини) ўрганди. Бироқ бетоблик «Капитал»ни ёзиб тугалашга қўймади.

1881 йил 2 декабрда хотини Женини қазо қилади, 1883 йил 14 мартда эса Карл Маркс ўтирган жойида абадий уйқуга кетади. Уни Лондондаги Хайгейт қабристонига хотини ва oilанинг аъзосидай бўлиб қолган содiқ хизматкори Елена Демут ёнига дафи қилдилар.

Маркс ҳормас-толмас ниқилобчи эди. Унинг дарди-ўйи — кураш эди. У шу қадар ҳис билан, шу қадар тиришқоқлик билан, шу қадар муваффақият билан курашдики, бунақа кишилар дунёга камдан-кам келади.



К. Маркс немис ишчиларининг Лондондаги маърифат тарқатиш жамиятида лекция ўқияпти (XIX асрнинг 50-йиллар боши).



1848 йил 4 мартда К. Марксни Брюсселда қamoнқа оладилар Н. ЖУКОВ суратлари.



Женини Фон Вестфален (1814—1881)—Маркснинг ёшлигидаги ўртоғи, 1843 йилдан бошлаб, хотини.

Ушбу сурат XIX асрнинг 30-йилларига оид бўлиб, уни 1948 йилда Маркснинг невараси Эдгар Лонге КПСС Марксизм-Ленинизм Комитети кузуридagi Марксизм-Ленинизм институтига совға қилган.



Карл Маркснинг музейда сақланаётган шахсий буюмлари.

Таниқли ёзувчи ва журналист, коммунист Фучини айниқса тожикиларнинг билим олиш, китоб ўқишга бўлган интилишлари ажаблантириб, мафтун қилган эди.

Одамларни китобга жалб қилиш учун уларни ўқитиш кераклиги тушунарли эди, албатта. Оламга Рўдакий, Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Жомий наби кўлаб шоир ва доноларни машҳур қилган тожик халқи Октябрь иницилобига ча энг оддий, бошланғич маълумот олиш хуқуқидан ҳам маҳрум эди. Бизнинг тушунишимизча, Тожикистон чегарасида революциягача бирорта ҳам китоб нашр қилинган эмас.

Ҳозир 2 миллион 700 минг аҳолиси бўлган Тожикистонда 14 миллион китоб фондига эга бўлган 2500 кутубхона бор. Республикада 8 олий ўқув юрти, 900 дан ортиқ киши нандидат, докторлик унвонларига эга.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Тожикистонда нашриёт ишларининг ривонланшига ҳар доим катта эътибор бериб келмоқда. Ҳозир республикада йилига 7 миллионга яқин 500 дан ортиқ номда китоб нашр қилинади.

Тожикистонда энг катта нашриёт ҳисобланган «Ирфон» ва «Дониш» нашриётларининг тармоқлари ҳам бирмунча кенгайтирилган. Ҳозир уларда Маркс, Энгельс, Ленин асарлари билан бир қаторда сиёсий, илмий-оммабоп, бадий адабиётлар ҳам нашр қилинади.

1967 йилнинг кузида Москвада ўтказилган Халқаро китоб кўригида Тожикистон ССР ҳам ўз кўригида ююри баҳо олган 120 асарини намойиш қилди. А. Жомийнинг «Баҳорчи боғ», «Ешлик гулзори» ҳамда I-синф учун чиқарилган «Алифбе» китоблари СССР Министрлар Совети қошидаги Матбуот Давлат комитетининг дипломлари билан тақдирланди.

Шоир Мирзо Турсунзодага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони, Ленин ҳамда Давлат мукофоти берилганлиги, тожик совет адабиётининг асосчиси С. Айний ва шоир М. Миршакарлар Давлат мунофотига сазовор бўлганликлари, республика сўз усталарининг ижодлари ююри баҳоланганлигидан далолат беради.

Тожикистонда Рўдакий ва Ленин номсомоли номли республика мунофотлари ҳам таъсис этилган. Рўдакий номли ююри мукофот Мирзо Турсунзоданинг «Жонгинам» шеърлар тўплами, М. Миршакарнинг «Томир болалари» сценарийси, Жалол Икромийнинг «Олов қизи» романи, А. Шукрухийнинг кўшиқлар тўплами, Боқи Раҳимзоданинг «Утилган йўл» шеърли тўплами, Ф. Муҳаммадиевнинг «Ченкадаги уй» ва «У дунёга саёҳат ёки улуг Ҳужа ҳақида афсона» деган повестларига берилган.

Рўдакий номли мунофотнинг икки рус поэзиясининг намояндасига берилиши тожик халқининг рус халқига бўлган миннатдорлик ifодасидир. Тожик классик адабиёти ва ҳозирги замон поэзияси устида кўп ижодий меҳнат қилиб, тожик адабиётини рус ўқувчиларига етказган таржимон С. Липкин ва В. Державин ўртоқлар ана шу мунофотнинг эгаси бўдилар.

Ленин номсомоли номли мукофот шоир Мўмин Қаноатовнинг ёшлар ҳақида ёзган шеърли китоби ҳамда «Олов» поэмасига, марҳум Ҳаним Каримнинг «Қопдаги одам» ҳикоялар тўпламига берилди. Талантли ёзувчи Ҳаним Карим 1943 йил Ленинград бўсағаларидagi жангларда ҳалок бўлган.

Совет давлатининг шонли юбилеи — Улуг Октябрнинг 50 йиллигини тожик ёзувчилари ҳам ижодда янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар. Ўқувчилар томонидан қизгин кутиб олинган асарлар ҳақида гапирар эганимиз, биз ҳозирги замон шоирларидан М. Турсунзода, Б. Раҳимзода, М. Қаноатов, Г. Мирзоев, А. Қаҳҳорий, Ж. Икромий, А. Шукрухий, Х. Асқар, Р. Жалил, Ф. Ниёзий, А. Сидқий, Г. Абдулло ва кўпгина бошқа ёзувчиларнинг асарларини кўрсатиб ўттишимиз лозим.

Тожикистон ССР Ёзувчилар союзи 90 адабиётчини ўз сафига бирлаштирди. Унчалик катта бўлмаган бу ижодий коллектив орасида икки Тожикистон халқ шоири, етти республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби ҳамда бир қанча академиклар ва Тожикистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари бор.

## Ҳисор тоғлари

Кўрганмисан Ҳисор тоғин тизмалар манзарасин,  
Осмон ўпар чўққиларин нуқра, соф шаршарасин,  
Қоялардан тикка учган сой, ирмоқли дарасин,  
Кўрганмисан Ҳисор тоғин учқур оху баррасин?

Бу тизмалар ўхшамайди бошқа тоғларга асло,  
Бу тоғларнинг бор ўзгача завқ-шуқуҳи доимо.  
Бунда тоғлар саф бўлишиб, бир-бирига қўйган бош,  
Бири пасту, бири баланд, бариди кўрку ҳимо.

Ҳисор тоғин ҳар ўнгири чашмаларнинг конидир,  
Балиқларин овламоқлик сайёдлар армонидир,  
Туя каби бўйини чўзиб бунда сузар булутлар,  
Жилғалардан сув ичару, гул-қўқатлар жонидир.

Ҳисор тоғин ўнгирилари сайр-томошо жойимиз.  
Манзилмиз, майдонимиз, кўрку, сеп, чиройимиз.  
Тоғ бағридан қайнаб чиқиб қуйлаб оққан булоқлар  
Юрагимиз оҳани-ю, гулҳаёт, кироиймиз.

Баланд тоғлар кўк бағрига бошларин кўтаришган,  
Оёқларин азиз она ер кўксига қўйишган,  
Мисли зафар байроғидек, ҳаёт машғалисимон  
Тонги қуёш баркашини қўллариди тугишган.

Агар ерга оёқ қўйсанг, бўлғай кайфинг мулоим,  
Унинг дилкаш нафасидан яйрар жону жаҳоним.  
Ғунчаларга қўнган шабнам қатралари ҳаётдан  
Пайдо бўлган юзимдаги олмос теру маржоним.

Ҳисор тоғи олтин, кумуш, сурма, симоб конидир.  
Ташналарга кеча кундуз суви роҳат жонидир.  
Май пиридек шаршаралар шаффоф сувин шопириб,  
Қўллариди юрти тугган ҳузурбахш май жомидир.

Мен бу тоғлар этагида, тош бағрида туғилдим,  
Унинг аза, кўз ёши ва шодлик гувоҳи бўлдим.  
Мен улғайиб чиққанимда юртим тоғин устига,  
Элда ҳофиз, йўлда эса қуёш ҳамроҳи бўлдим.

НАЗАРМАТ таржимаси.

Садриддин АЙНИЙ

## Октябрь инқилоби шарафига

Эй, ҳурлик, адолат машғали, борин қиёсинг,  
Бир ҳамла билан парчаладинг зулмат асосин,  
Меҳнат элининг жисмидаги барча зулуқлар,  
Кул бўлди ёниб, топти ҳақиқатда қазосин,  
Эски жаҳон зарбанг ила четга сурилди,  
Бойликка суянган ҳаммави этдинг адо сен,  
Бундай кучу қудратни сира кўрмаган одам,  
Мехринг билан эл қалби аро бўлдинг-ку жо сен,  
Юз жабру ситам пайжасида эзилган ниши  
Тиклаш йўлида олам аро бахтга бино сен,  
Оқизди жафо тиги гуноҳсиз кишидан қон,  
То чок этиб ул эски бағри-яқосин,  
Осмонда қуёш, ерда ҳаёт бирла омон бўл,  
Мазлуму ситамкаш элимиз шу муддаоси:

Улмас ЖАМОЛ  
таржимаси.

# ЛЕНИН СИЙМОСИ

Инсоният тарихида содир бўладиган турли воқеалар, шунинг қаби атоқли арбоблар хотирасига бағишлаб ёднома медаллар зарбланиш даътаввал XV асрда Италияда урф бўлган. Кейинча бу одат Оврупоининг бошқа мамлакатларига ҳам тарқалган.

Россияда ёднома медаллар XVIII асрдагина зарблана бошланган. Шундан кейинги икки асрда ёднома медаллар зарб қиладиган анчагина машҳур усталар етишиб чиқди. Шулардан бири Ф. П. Толстой эди. У 1812 йилги Ватан уруши хотирасига атаб бир қанча медаллар яратди. Пушкин ва Ломоносов, Пирогов ва Пржевальский сингари рус халқининг ажойиб фарзандлари ҳаётига бағишланган ёднома медаллар билан бир вақтда босқинчи генераллар, подшоҳлар шарафини абадийлаштирувчи бу хил нишонлар ҳам озмунча зарб қилинмаган албатта.

Совет ҳокимияти барпо қилингандан кейин бу хил ёдномалар 1919 йилда чиқарилди. Шундан бери жуда кўп совет усталари бронзадан медаллар ясаб, уларда пролетар инқилобининг буюк саркардаси Владимир Ильич Ленин сиймосини абадийлашга куч сарфлаб келмоқдалар.

1922 йилдаёқ анатом-ҳайкалтарош Ленин мукофоти лауреати М. М. Герасимов улуг доҳий сиймосини тасвирлаган эди. 1929--1937 йиллар орасида у билан бир қаторда И. Циганков, С. Мограчев, С. Мартинов, А. Голенецкийлар ҳам катта ҳисса қўшдилар. 1939 йилда Ленинград АҶча саройининг бош зарбчиси Н. Соколов «Ленин-сиз Ленин йўлидан 15 йил» деган нишон тайёрлади, бунинг бошқача бир неча нусхасини 1950 ва 1953 йилда яратди.

1957 йилдан Ленин сиймоси зарбланган ёднома медалларни ҳамма учун кўпайтириб чиқарила бошланди. «Ленин ҳамиша барҳаёт» деган сўзлар билан безатилаган ёдномани В. Акимушкина зўр маҳорат билан ишлаган.

Ленин туғилган кунининг 90 йиллиги муносабати билан 1960 йилда Н. Соколов уч хил шаклда яратган ёднома жуда ҳаётий чиққан.

Лениннинг бир қанча ҳайкаллари яратган истеъдодли ҳайкалтарош М. Манисер 1963 йилда уни икки хил медал яратди. Доҳий ҳаёти ва фаолияти акс эттирилган бу ёдномалар беш юз нуска кўпайтирилган эди, орадан кўп ўтмай бу қимматли ёдномаларни дўкон,



# ЎДНОМА МЕДАЛЛАРДА

лардан топиш мумкин бўлмай қолди. Бу ёдномаларнинг бирида Ульяновлар оиласи тасвирланган. Медаль юзида дохийнинг отаси Илья Николаевич билан онаси Мария Александровна, орқа томонида эса уларнинг олти боласи акс эттирилган. Медаль четига болаларнинг номлари — Анна, Александр, Владимир, Ольга, Дмитрий, Мария деб ёзилган.

Бошқа медалларда Владимир Ильичнинг Симбирск гимназиясида, Қозон университетда ўқиган ва Маркс асарлари билан танишган даври, шунингдек 1900 йилдан умрининг охиригача олиб борган инқилобий фаолияти даврлари ўз ифодасини топган. Хусусан, 1917 йил июль ойида Ленин Вақтли ҳукумат таъқибидан яшириб, Разлив кўли ёнидаги чайлада яшагани маълум, Манизер зарблаган медалда улуғ дохий соҳида инқилоб бешинги Петрограддан хабар кутиб турибди. Ёдноматепасида «Давлат ва инқилоб» деган ёзув бор. В. И. Ленин бу ажойиб асарини ана шу чайла ёнидаги тўнкада ёзган.

Октябрь инқилоби энгди. Халқлар дохийси Петропавловск қалъаси ва Смольний фониди ғоз турибди. Медаль орқасида Октябрь инқилоби ғалабасини таъминлаган ишчи-қизил гвардиячи, кулранг шинелли солдат ва Балтика матроси акс эттирилган.

Смольнийга, Ленин хузурига келган намбағал деҳқонларнинг элчилари билан суҳбат айниқса жонли чиққан. Дохийнинг ГОЗПРО планини тузишдаги буюк хизматига бағишланган ёдномат ҳам ишида чуқур таассурот қолдиради.

Хуллас, ажойиб ҳайкалтарош М. Манизер тайёрлаган суратлар асосида зарбланган ёдномат медалларнинг ҳаммаси бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдирди ва бойтади.

Совет давлатининг 50 йиллиги нишонланган кунларда Ленинград Ақча саройи бу ёдномат медалларни кўп нусхаларда қайта зарблади. Бу медаллар коллекциячи хавасмандлар учун энг қимматли совғаидир. Бундай хавасмандлар Тошкентда, республиками шаҳарларида ҳам оз эмас. Улар Ленин тугилган куннинг 100 йиллиги арафасида кумушдан зарбланган ёдноматлар чиқишини зориқиб кутмоқдалар.

Г. ЧАБРОВ,

тарих фанлари доктори.



Шу икки саволимга жавоб беришингизни истардим.

Улуғ дохийимиз В. И. Ленин асли фамилияси Ульянов. У кишига Ленин тахаллуси нечанчи йили, қайси ойда, нимага қўйсан берилган?

Хаёлчанлик нима, у ҳаддан ташқари кўп бўлса, ундан қандай қутулиш мумкин?

## Лениннинг тахаллуслари

Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг ташкилотчи Владимир Ильич Ульяновнинг 120 дан ортқ адабий тахаллуси бўлган. Ленин — бу тахаллус Лена дарёси номидан олинган. «Лен»га рус фамилияларини ифодаловчи белгилардан бири «Ил» қўшимчаси қўшилиб, Ленин сўзи шаклида атоқли исм яралди. Ленин тахаллуси билан Владимир Ильич биринчи марта ўзининг 1901 йили ёз ойларида ёзилган «Аграр масала ва Маркснинг танқидчилари» деган асарини имзолади. Шундан кейин Владимир Ильичнинг асосий тахаллуси бўлиб, келажакда унинг атоқли номига айланиб қолди. У баъзан фақат Ленин сўзининг ўзи билан В. Ленин, В. И. Ленин, Н. Ленин деб имзо чекар эди.

Бундан бошқа Владимир Ильичнинг кўп асарлари В. Ильин, ёки В. И. деб имзоланган. Унинг айрим асарлари яққа ҳарфлар ёки икки ва кўшалок ҳарфлар билан ҳам имзоланган. Чунинчи: «И», «К», «Л» ёки «И. К.», «К. О.», «Н. Б.», «Н. К.», «Ст» ва бошқалар. Ниҳоят Владимир Ильичнинг анча асарлари ҳар хил фамилиялар билан имзоланган.

Лениннинг ҳамма тахаллуслари ва унинг қайси асари биринчи марта қандай имзоланганини тўғрисида «В. И. Ленин асарларининг хронологик кўрсатмаларига ёрдамчи кўрсатмалар» («Вспомогательные указатели к хронологическому указателю произведений В. И. Ленина») номли китобда тўла маълумотлар бор.

А. ВАХОБОВ,  
тарих фанлари доктори.

## Хаёлчанлик

Хаёлчанлик руҳан оддий ҳодиса бўлиб, олий нерв системасига узвий боғлиқдир. «Ҳар наллада ҳар хаёл» деганлариден хаёл барча одамларга мансубдир. Ҳаёт, хаёлисиз бўлмайди, албатта. Хаёлчанлик ҳар кимда ҳам бир хил бўлавермайди: баъзилар сунунатга кетиб, бир нуқтага тикиладиларда давомли ва чуқур хаёлга чўмиб кетадилар. Бундай ҳолни пайқаган одамлар «ўзингга иел, суратинг қолди» деб айтдилар. Баъзи одамлар, аксинча, қисқа ва юзани хаёлга кетиб, тез вақт ичида ўзларига келадилар.

Хаёл айни бир вақтда одамнинг ёшига, жинсига, оилада тутган ўрнига, машғулотига, олдига қўйган мақсадига ва бошқа шароитларга боғлиқ бўлиб, турли-туман, «ширин» ёки «аччиқ» бўлади.

Хаёлчанлик мазмунан замонавий бўлиб, ташқи муҳитни акс эттиради. Эски вақтларда одамлар рўзгор ташвишлари: кийим-кечан, уй-жой, ош-нон, ожиз бемор ҳақида хаёлларга нетар эдилар. Шунинг учун ҳам доно кенсалар «хаёлга кўмилиб, подшо бўлмаган намбағал борми?» деяр эдилар.

Совет ёшларининг хаёл манбалари хунармандлик, олий маълумот, жасорат, маҳбуб-маҳбуба, гузаллик ва ҳоказолардир. Хаёл сизни тинч қўйиш учун уни реал адо этмоқ ва муддаога етмоқ керак (бажарилиши кўлдан келган тақдирда). Сўнг, бош миёни чарчаш даражасигача олиб бормаслик лозим. Бунинг учун ўз вақтида машғулоти ўзгартириб актив ва пассив дам олиш керак бўлади. Актив дам олиш кулгили ўйинлар, физкультура, спорт, ер чопиш, мутолаа, чўмилиш ва сўнг уйку (пассив дам олиш)га кетишдир. Ҳаёлдан қочиш учун семимли машғулот билан шугулланиш тавсия қилинади. Баъзи хаёлчанлар А. Чехов, А. Куприн, Ж. Лондон, Л. Шейнин, А. Қодирий, А. Қаҳҳор асарларини ўқиб ўз хаёлларидан қутула билганлар.

Бир хаёлчан кишига доно айтибди: «Сендан кўра бошқаларнинг мушқули анча оғир, уларнинг олдига сенини нима бўлибди, битиб кетадим». Хаёлчанга бу сўзлар малҳамдан ёқиб тушибди. Бу мисолдан хаёлчаннинг нерв системасини нақадар оёсийшталлик билан сақлаш, унга нажот йўлини кўрсатиш зарурлиги кўриниб турибди. Баъзилар эса, аксинча, хаёлчанни сўз ва ёки амал билан таҳдинокга солиб қўядилар. Бу хато, албатта.

Хаёлчанлик ташвишли хасталик эмас. Ундан халос бўлиш учун киши ўзини-ўзи тафтишга олиши, темир интизомли ва иродали бўлиши керак.

Мақсадсиз, керасиз фикрларнинг ёғилиши (мантизм), таслимлик, интиямаслик (апатия), ўзига-ўзи маҳлиё бўлиб, ташқи муҳитдан ажралиб қолиш (аутизм) олий нерв системасининг чарчанишидан, чалкашлигидан дарак беради. Бундай ҳолларда даволаниш учун шифокорга мурожаат қилмоқ лозим бўлади.

З. ЭГАМБЕРДНОВ,  
медицина фанлари кандидати.



Садриддин АЙНИЙ

Тожик адабиётининг  
йирик намояндаси  
Садриддин АЙНИЙ  
90 йиллигига

Садриддин Айнй ўзининг ўлмас асари «Судхўрнинг ўлими» билан ҳам жаҳон адабиётининг буюк намояндлари — Бальзак, Шекспир, Гётелар қаторида тура олади.

Собит Муқонов

Садриддин Айнй асарларини ўқир эканман, кўз ўнгимда беғубор осмондай ўзбек ва тожик Бальзаги намён бўлди.

Абдулла Қаҳҳор

Садриддин Айнй «Судхўрнинг ўлими» номли асарида Бухоро амирлиги давридаги воқеаларни тасвирлайди. Бу асарда ёзувчи бошқа жанрга мурожаат қилади. «Дохунда», «Қуллар», «Етим» асарларидаги айрим воқеаларни тасвирлаганда учрайдиган юмор ва сатира элементлари «Судхўрнинг ўлими» асарида биринчи планга қўйилади. Бу асарда ёзувчи мукамал сатирик образлар яратди. Қори Ишқамба образ: жиҳатдан рус классик адабиёти образларини, Пушкин асаридаги Барон ва Гоголь асаридаги Плюшкин образларини эслатади. Бу асарда адиб психологик тасвирнинг ажойиб намунасини кўрсатган.

Меҳди Хусайн

Садриддин Айнй мен учун шундай ажойиб шахслардан бирики, унинг номи билан Шарқда бутун бошлиқ реализм мактаби боғлиқдир. Бу мактаб йирик, ижтимоий салмоғи жиҳатдан катта тожик бадиий прозасининг асосини ташкил этади. У ўзининг «Қуллар», «Бухоро» асарлари билан тожик китобхонлари ўртасидагина эмас, Совет Иттифоқи халқлари, шу билан бирга озарбайжонлар орасида ҳам ҳақиқий ҳурматга сазовор бўлди.

фармасидан мудофаа фондига юз минг сўм пул топширган. Олий Бош Қўмондонлидан шахсан табрик олган. Раҳматли Дарвешхон Убайдуллаев бригадир эди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди, унинг кўкрагида ҳам инкита Ленин ордени бор эди, қолган нишонлари, медалларини санаб ўтирмаймиз. Умри қисқа экан, вафот этиб кетди. Ҳамшилоқлари, нариндоз-уруғлари ҳар фаслда қабрига бориб туришди. Одам азиз, инсон хотираси ундан ҳам азиз!

Нуриддин Абдуллаев ҳам шу оиланинг аъзоси, яъни ўша тўни ямоқ, қўли қадоқ Убайдулла отанинг қизига уйланган. Нуриддин Абдуллаев Улуғ Ватан уруши фронтдан бир оёқсиз қайтиб келди. Қанотсиз лочин ишга ярамайди, баланд парвоз қила олмайди, деб ўсиб юрди. Лекин одамлар мадад беришди. Машқ қилиб нетмон чопинини ўрганди. Ёгоч оёғини от узангисига қўлиб бемалол минадиган, улоқ чопадиган, велосипед, мотоцикл, ҳатто машина минса ҳам ногиронлигини билдирмайдиган даражага етди. Колхоз боғбонлигидан пахтакор бригадага ўтди. Гектаридан 60 центнердан, айрим йиллари ҳатто ундан ҳам ошириб ҳосил кўтарди. Камтар, меҳнатсевар Нуриддин Абдуллаев — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Унинг кўкрагида ҳам кўш Ленин ордени. Лочиннинг боласи — лочин. Нуриддин Абдуллаевнинг ўғли Сайиддин Марназий Фаргона биёбонига бориб, ники йил эвено бўлиб ишлади. Гектаридан 28 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлди. Ҳозир у ана шу Наманган районидаги «Пар-

тия ХХII съезди» колхозининг Бўз участкасида. Бултур унинг бригадаси гектаридан саккам ўттиз центнердан ҳосил олди.

Ана шу деҳқон шаағрасининг забардаст шоҳларидан бири Сайиддин Убайдуллаев — олий маълумотли агроном — Задарё районидеги «Партия ХХII съезди» колхозининг раиси. Яқиндагина ташкил этилган бу колхоз гектар бошига ҳосилдорлигини 25 центнерга етказиб қўйди. Кечagina шўр босиб ётган, ботиқлиқдан иборат, ёввойи чўчқалар мақони бўлган ерни узлаштириб, шунчалани ҳосил олиш осон гап бўлибдими!

Мен Сайиддин билан Марказий Фаргона қум барханларини кезиб юриб, узоқ гаплашдим. Пахтадан кўра кўпроқ боғ-бўстон билан қизиқдим.

— Илгари мева-чевани Уйчидан, Намангандан олиб келардик. Мана ҳозир 12 гектар боғимиз бор. Олма, шафтоли, ўрик, ток мевага кирди. Абдулгани ота Мардобоев ажойиб, жаннати одам. Ўзи асли маргионлик. Фарзанд кўрмаган экан, дардига чиндамай Мирзачўлга борибди. Раҳматли Усмои Юсупов билан бирга ишлаб, боғ қилибди. Бахтия қарангки, ўша ерда уйланиб фарзанд кўрибди. Кейин Марназий Фаргонага келди. Ҳозир мен сизга айтсам бир эмас, ўн фарзанднинг отаси. Чўлда боғ қилиш савобли иш. Ёмғирдан гинёх, эл дуосидан одам кўнаради. Кўпчилигининг олқини туфайли серфарзанд бўлаётман, деб қувонади, отахон.

Дамқўлда 200 та иморат қўрилди. Мактаб очилди. Мактаб атрофини, колхоз қишлоғи-

ни, гулзор, мевазор қилишда Абдулла ота Даминов Абдуган Мардобоев сингари жаҳондйда қарилар ёшларга саркорлик қилишяпти.

Мен колхозчиларнинг даромади билан қизиқдим. Сайиддин колхоздаги ҳар бир кишининг исм-фамилисини, ёшини, қанча даромад қилганлигини ёдани айтадиган, жонкуяр, софдил, меҳнатсевар раислардан. Ўртача ҳар бир меҳнат кунининг қадри 4 сўм 87 тийин бўлди. Механизатор Аҳмаджон Тоҳиров бригадасида 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтарган. Оиласининг даромади 3 миғ сўмдан ортироқ. Бунинг устига томорқадан келадиган даромадини қўшибдиган ерда кишилар қанчалик бадавлат ишайётганлигини билб оласиз. Муҳаммад Мелиев хотини Машрабхон билан биргаликда 3 миғ 400 сўм пул олган. Бундай оилалар кўп.

— Ҳўш, улар ана шу пулларга нима сотиб олишяпти? — сўрадим Сайиддиндан.

— Ана шуниси чатоқ. Қишлоқ дўконларида мотоцикл, «Москвич», гилам топилмайди. Ҳаммадан ҳам ўзинининг жонон пиёла, чойнақ, идиш-товоқ топилмаганига доғдамиз.

Сайиддинни гапта солиб, «ростини айтинг, янги ерда яна қандай қийинчиликлар бор», деб сўраб қолдим.

— Қийинчиликлар кўп — деди раис. — Мана, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни йўқотамиз, деямиз. Бир нун келиб шундай ҳам бўлади. Аммо қачон бўлади? Янги ерда ишайётган одамлар тўғрисида кўпроқ

сиз бўлган ва шафқатсиз эксплуатацияга маҳкум этилган ўнлаб ва юз минглаб меҳнаткашларнинг ҳаётини ҳаққоний равишда, ҳеч қандай бўёқсиз тасвирлаб беради.

Бугунги Совет Тожикистони аҳолисининг бир қисми чор ҳукуматининг вассали ҳисобланган Бухоро амири кўла остида бўлган эди. Бундаги аҳолининг турмуш даражаси ниҳоятда оғир эди. Айниқса тожикларнинг ҳаёт кечириши ҳаммадан кўра аянчлироқ эди...

Улар амир ва унинг мансбдорлари, уламолари томонидан таҳқирланган эдилар. Шу тариқа тожик халқининг кўпчилиқ қисми доимо ярим яланғоч ҳолда тоғ тошларда ҳаёт кечиришга мажбур эди. С. Айниқсиз асаридида тасвирлаган район — Қоратегин беқлигида ҳам шундай аянчли аҳвол мавжуд эди. Айниқсиз бу районларни яхши, жуда яхши биларди. Езувчи у ердаги аҳолининг, хусусан камбағал, қашшоқ халқнинг жуда оғир ҳаёт кечиришларини бевоқифа ўз кўзи билан кўрган эди. Мансбдорлар ҳуқуқлари бутунлай барбод этилган ўз кўла

остидаги халқ билан баҳшиларча муомала қилар эдилар...

Одина ва унинг ҳўжайини орасидаги муносабат ҳуқуқсиз, камбағал халқ аҳолисининг типик тасвиридир. Бундай ҳол Қоратегин синғари олис ерлардагина эмас, ҳатто муқаддас Бухоронинг ўзида ҳам мавжуд эди.


Ўз вақтида Айниқсиз прогрессив ҳаракатнинг актив иштирокчиларидан бири эди. У маърифат соҳасида озмунча иш қилмади. Амир билан бевоқифа курашда мавжуд тузум зулмининг барча даҳшатларини, у вақтда Бухорода авж олган ҳуқуқсизлик ва террорни ўз бошидан кечирган эди.

Тожикистон ерларига қадар етиб борган Улуғ Октябрь революцияси бундай ҳуқуқсизликка чек қўйди. Бу инқилоб подшоҳи Россияга қайтармасликнигина эмас, балки Туркистонда сармоя ва мустамлакачилик тузуми ҳукмдорлигини ҳам йўқ қилди ва ҳуқуқсизликда эзилганларнинг кўзини очди.

Файзулла ХУЖАЕВ,  
Москва, 1930 йил.

### Берди Кербобоев

Айниқсизнинг сеvimли образи ҳамма вақт кўзим олдида. Садриддин Айниқсизнинг гўзал асарларида зўр иштиёқ ва ҳарорат билан ёш авлодин мадҳ этади. Айниқсиз тожикларнинггина эмас, бутун Ўрта Осиё совет адабиётининг ҳам отаси ва мураббийси ҳисобланади.



Душанбе шаҳрида янги темир-бетон буюмлари заводи ишга тушириляпти. Бу корхона республикада сўғорит тarmoқларига осма новлар ва бошқа тайёр буюмлар етказиб беради. Ушбу суратдаги кучлантурувчи станция ана шу корхонани электр қуввати билан таъминлайди.

Н. СОФЬИН фотоси.

гамхўрлик қилиш керак. Лойиҳа тузувчи ташкилотларга эътирозимиз катта. Ҳозирги қурилайётган уйлар ҳосилча десак бўлади: бир уй, дахлини айвон ҳосилча. Энди қишлоқларда, олис ерларда янги тишда уй қуриш, водопровод, газ ҳақида ўйлаш пайти келди. Ушандагина ўртдаги тафовут тез йўқолади, ўшандагина одамлар янги ерларда тургун бўлиб, муқим яшайди. Ушандагина ҳамма кенг майдонларга жоп деб кўчи келади.

— Яна қандай муаммолар бор?

— Янги ер оцаётган қолхозларга кўпроқ шили энчи имконини бериш керак. Бир қарич шўр босган ерни шопилан қилсангиз, шўрдан тез қутуласиз. Вунинг учун кўпроқ техника дарвор.

Биз қўқ барханлари оша кезиб юрибмиз. Яқин орада мана шу ерларга Марказий Фарғона каналининг ҳаётбахш суви етиб келади. Биргина Наманган областида янгидан 14 миң гектар ер об-ҳаётга қонади, шу жумладан, Сайфиддин Убайдуллаев раис бўлган қолхоз ерларининг ёнига 300 гектар ер қўшилади.

Биз қўшини қолхозга ўтдик. Бу қолхоз чиндан ҳам гигант. Улуғ Ватан урушининг дастлабки пайтларида қамишзорлар ўрнида янги ер очилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лим Мин Гек бошиқ меҳнат гвардиячилари ботқоқ ерларде «Гигант» қолхозга барпо қилгунча кўп ер тўкиши. Энди мохир ташкилотчи Мелибои Йўлдошев шу ерда раис, аюмчи коммунист Собиржон Бадалов партия ташкилотининг секретари. «Гигант» қолхози

2200 гектар майдонининг хар гектаридан 31 центнердан ҳосил олиб, қўйил қилди. Бу йилги мўлжал ундан ҳам ортиқ.

Мен қўшини қолхозларни таққослаб кўрдим. Ха демай, бу қолхоз ҳам катта бўзғорга айланиб кетади. Янги наҳрмонлар чўқади бу қолхоздан ҳам. Шулар ҳақида ўйлаб кетаётган эдим, қаршимиздан мотоцикл минган бир Ингит чиқиб қолди. У район комсомол комитетининг ходими Обиджон Эргашев экан. У ҳам Убайдуллаевлар шажарасининг вақили, отаси Эргашон аяни қора тортиб шу ерга келган. Кечяги солдат бугун район комсомол комитети мақтаблар бўлимининг мудирини, олий маълумотли педагог.

— Далазининг бошқача меҳри бор, — дейди Обиджон. — Қолхоз-комсомолларидан хабар олгани кетаятман.

Жомашўй тарафга йўл олдик. Битта оиланиннг тарихини айтман деб, шунча гапириб қўйибман. Яна жонажон қишлоғимга қайтай. Илгари мана шу ерларда мол ўтлатиб юрардик, ҳозир катта мақтаб-интернат. Омيناхон Жамфарова мақтаб директорини. Мақтаб-интернатда 15 миңлат фарзанди тарбия топади. Таълим-тарбия ишлари яхши, унинг ёнидаги 26-ўрта мақтабнинг директорини Мадамминбек Холмирзаев шу кеча-қундузда бундан 30 йил муқаддам мақтабни тамом қилган кишиларини тўлаб, бугунги ўқувчилар билан учраштини тарадулида юрибди. Вундоқ ўйлаб қарасам, ҳақиқийшоҳларимдан биргина Нуриддин Вобоҳўжаев олим бўлмабди. Ҳамид Солиев — Андижон пахтачилик институтининг

проректорини, техника фаилари кандидати. Фаттох Абдуллаев — филология фаилари докторини, профессор Мамат Убайдуллаев — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Абдусаттор Раҳимов — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мирзажон Ёқуббоев — катта қолхоз партия ташкилотининг секретари.

Қишлоқ кўз ўғимда тамоман ўзгариб кетибди. Уйлар янги, ўйлар янги, куйлар янги, тўйлар янги. Онг янги, тонг янги. Касбиқор янги.

Шаҳарни кезиб юриб, шулар ҳақида ўйлайман. Гурумарофга бориб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одилов билан, Янгиқўрғон районидида Ленинбод қишлоғига чиқиб Жўрабой Охунов билан гаплашганимда ҳам улар ўз қишлоқларининг аюмчи кишиларини ҳақида яна янги гапларни айтиб беришлари муқаррар эди.

Мен сеиринор шаҳар кўчларини кезиб юрибман.

Наманган — навқирон шаҳар, гул шаҳри, боғ шаҳри, маърифат ўчоқлари кўпаяётган, янги корхоналар қад кўтараятган шаҳар. Шаҳар корхоналарининг коллективлари ўтган бир йилда 1 миллион 308 миң сўм соф фойда олдилар. Маҳсулот таннархи камайиши туфайли 1 миллион 414 миң сўм жамғарма тўпланди. Шаҳар корхоналарининг рационализаторлари 530 та ихтирочилик тақлифлари киритиб, шу туфайли 413 миң сўм фойда кўрилди.

Шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудирини РАҲИМЖОН ЖУРАЕВ.—1914 йилда шаҳар (Давоми 22-бетда).

Тоҷикистон адабиёти ва санъатининг Ҷабабонада бўладиган Ҷи кунинги олдидан, журналимизга мақолалар уюштириш учун кичика мударатта фотомухбиримиз билан Душанбеда бўлдик. Визга бу ишдан ташқари, кўрган билганларимиз ҳақида хотиралар ёзиш ҳам топширилганди...

\* \* \*

Самолётга чиққанамда, Тошкентда ёмғир севалаб турган эди, у ёқда ҳам шундай экан... Лекин борганимнинг эртасиёқ шундоқ қор уриб бердики, ҳали Душанбе киши бунақанги қорни кўрмаган экан ва бу жонивор қор мен қайтиб самолётга чиқибганимда ҳам ёғиб турди... Баҳор ва ёзда Душанбеда бир неча марта бўлганман, аммо бундоқ маҳалда бўлмаган эдим, шунинг учун об-ҳавонинг бу тарзда келиши бир томондан дуруст бўлди: Душанбе кишини кўрдим. Бунинг устига бизнинг кўбимиз — сингилмининг ёри Олимжоннинг гапича, 1928 йилдан буён бунақа антиқа киши бўлмаган экан.

Эрталаб, ниҳоятда замонавий услубда қурилган «Душанбе» меҳмонхонасининг беҳинчи қавати дарвасидан рўбарони томонга қилдик: оппоқ, куруқ қор иста, майгини доналайтти. Бу оқ нуқталар орасидан шохлари оқ дарактлару томлари оқ хумбичим бинолар кўринади. Улар орқасида баҳайбат махлуқнинг ажини тушган қориндек тоғ ястаниб ётибди. Унинг чўққилари туман ичида...

Душанбенинг атрофи тоғлар билан ўралган ва улар шунчалик ажин кўринадиларки, Тоҷикистоннинг пойтахти чиндан ҳам кичиёқ, на деб эшитганим ҳақиқатлигига яна бир бор ишондим. Кейин, шаҳар кўчаларида кўп юрдим. Қайси кўчага кирмайин, албатта арча дарактининг учратдим, баъзи кўчаларнинг икки ёни кета кетгунча шу дарактлар хиёбони. Албатта, бу кўркам ўсимлик баҳору ёз маҳалларида ҳам кўчаларнинг бир ҳуснига ўн ҳусн кўшади. Бирок ҳозирги туришлари ҳам жуда антиқа эди. Ёлгон эмас, мен гоҳида ўзимни ўрмондагидек, аянаги тоғлар бағридаги ўрмондадек ҳис қилдим. Кейин, Душанбенинг мен.

га айниқса ёқани—марказий кўча ўртасида чўзилган хиёбон бўлди. Ҳали қор тушмасидан бурун ҳам бу хиёбонда юрган эдим: қатор кетган, қарийб бир текис дарактларнинг таналари қора, шохлари безарайганроқ ва шип-шипдам. Қор тушганидан кейин ҳам бу хиёбондан кўп юришимга тўғри келди. Энди қатор дарактларнинг устлари оқ ва бир қаламқаш дўстимизнинг таърифича, «шишиб кетган», таналари эса ҳамон қора...

Кейин, шаҳарнинг яна бир фазилати менга ёқди: жами бир-бирига қардош муассасалар бир-бирига ниҳоятда ажин жоғлашган, улар ораси ўттиз-қирқ қадам. Масалан: Ёзувчилар союзининг ёнида Маданият министрлиги, унинг рўбаросида «Хорлуштаги» журнали ва ҳоҳсоллар...

Кейин, бир неча чойхоналарда бўлдик. Айтишларича, яхши чойхоналари ҳам бор экан, масалан, «Роҳат» чойхонаси. Лекин унда бўлолмадик. Бўлганларим эса,

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтишни истар эдим: ёши олтинчига етган, урушда бир оёғидан ажраган, тўладан келган, бақбўнали бу одам — Ҳожи Содик ниҳоятда шўх, кувуноқ, одамоҳун киши экан. Менга айниқса, у кишининг мардонлиги ёқди: назаримда, бу ёшдаги одамлар кўпичика бир қадар лоғай ва уйқучан бўлади; бу одам эса, тамома бунинг акси эди! Бундан ташқари, мен кўпгина шу ёшдаги газета муҳаррирларини кўрганман... Редакция ҳодимлари одатда, улардан қандай ажралишини билмай юради. Бу кишини эса, ҳодимлар жуда хурмат қиларкан!!! Яна, бу одам аъжойиб ҳажвичи ҳам экан: журнализонинг ушбу соҳида у киши ижодидан намуналар босилган... Тагин, Ўзбекичани сувдек билар, навлар ва марҳум адибимиз Гафур Гулом билан жуда яқин эканлар... Гоҳ Тошкентда, гоҳ Душанбеда жуда кўп саргузаштлар ўтган экан.

Менда айниқса чўқур таассурот

# ДУШАНБЕ ШУНУР ХОЛМИРЗАЕВ, «Гулистон»нинг махус мухбири.

## ЭСКИЗЛАРИ...

менда унчалик илиқ таассурот қолдирмади. Ҳаммаси ҳам қаровсиз эди. Дарҳақиқат, бир тушун маҳали кичиёқ холи чойхонада «Совет Тоҷикистони» газетасининг бош муҳаррири Ҳожи Содик билан ўтириб қолдик ва у киши бу борада анча кўйиб-пишиб гапирдилар... Гап орасида: «Баъзилар чойхонада ош қилишни ичига баҳона деб ўйлашади, — деди у киши. — Ҳолбуки, битта тузланган бодринг ҳам ичига баҳона бўлиши мумкин. Чойхонада ош қилиш — суҳбатга, шпирини гуруннга, дийдор кўришишга баҳона!»

қолдирган кишилардан бири таърих фанлари доктори, Тоҷикистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи ва фан арбоби, СССР педагогича Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Мулло Эркаев бўлди!

Шуни айтишим керакки (журналистонлар мени тўғри тушунадилар, деб умид қиламан), айни чоғда бу одамнинг бизга қариндошлиги бор. Юқорида аэлатганим Олимжон шу кишининг ўғли...

Бу киши «Тоҷикистонда Совет ҳокимиятининг ўриятилиши» мавзуда докторлик диссертацияси ёқлаганлар, шунинг учун биз бу мавзуда шу кишидан мақола олишни ҳам режамизга киритгандик. Мен Душанбега борганимнинг учинчи кунини у кишига телефон қилиб, шуни айтдим. У киши рози бўлдилару меҳмонхона майдонига тушиб туришинини тайинладилар. Мен фотомухбиримиз Генадий Гаврилович Графкин билан айтилган жойга тушиб турдим. Бироздан кейин, у кишининг ниҳоятда йирин ва ҳаракатчан гавдаси қор босган гулзор четиде кўринди. Майдонда учрашдик; у киши бизни меҳмонхонанинг илк қаватида жойлашган «Душанбе» ресторанига тақлиф қилдилар.

Ресторанда тушлик қилаётган баъзи кишилар домла билан бош ирғаб саломлашди, бунинг сезган офидант бизни яхши кутиб олди.

Шуни айтишим лозимки, бу кишининг ёшлари олтинчига етган бўлса ҳам, ҳали ичимликни табиб кўрмаганлар... «Мен қасам ичганиман, Олтинчи кирганимдан кейин, коёси билан ичаман», дейдилар. Албатта, бу гап ҳазил бўлса керак, чунки яна: «Ҳамма ҳам бунинг севиб ичганида, мен ҳам ичардим. Ҳолбуки, бунинг жирканиб қўлга оладилар», дейди.

Албатта, мен домланинг уй ичи ҳақида сўрадим.

— Ҳали сингилни кўрмадингми? — сўради у киши.

— Йўқ, вақт бўлмаётти.

— Шунанга бўлди... — деди у киши. Сўнг Генадий Гавриловичга тўғрилиқ давом этди: «Келиним билан ўғлим биз билан бирга ишарди. Лекин бўлма экан, Нима учун? Эркин юролмайди, киши. Албатта сипо кийиниб юришининг керак. Иккинчидан, биз қарияларнинг давраси уларга ёқмайди. Албатта, уларнинг давраси бизларга ёқмайди. Кейин, биласизми, улар бизникида бўлганда, пул қаердан келяпти, масаланиқ қаердан келяпти — билишмасди. Шундан кейин, акратдим. Уй олиб бердик уларга. Оқибати нима бўлди? Бизни кўпроқ хурматлайдиган бўлишди. Шунанга.

Яна айтишим керакки, у киши бу гаплар давомида бир неча марта кудилар: у киши, умуман, кўп кудилар ва бошқаларни ҳам шунга қақирадилар. Масалан, мен суҳбат давомида гап-сўзларни ёдима сақлаб қолиш учун анча сердиқат бўлиб, афтидан, бир оз хўрайиб ўтиргандим. Менга даки бердилар: — Тез қариб қоласиз. Ҳамнича диққат бўлиб юриш кишини тез чарчатади. Ҳамма нарсани вақтида қилиш керак.

Кейин, Генадий Гаврилович у кишининг ичмаслигига шўбха билдирди ва ораларида, мени жуда хурсанд қилиб, антиқа мулозар бошланди. Генадий Гавриловичнинг фикрларини айтиб ўтиришим шарт эмас... Лекин Мулло Эркаевнинг баъзи масалалар тўғрисидаги қизиқ, ўзинга хос фикрларини баён қилсам, тожик академик ҳақида оз бўлса-да тасаввурга эга бўласиз, деб ўйлайман.

— Қарилки мавжуд ҳаётдан орқада қолишди. Мен ҳамнича студентларим, аспирантларим билан биргаман. Ҳатто улардан бир қадм олдиндаман. Демак, мен қаримайман... Биласизми, киши Ўзбекистонда ҳам қариши мумкин. Тагин кишини қаритдиган учта сабаб бор: ҳақеизлик, поракўрлик, ёлгончилик. Ундай кишининг кўнгли ҳеч қачон тинч бўлмайди... Масалан, биронинг поракўрлиги, ёлгончилиги, ҳақеизлиги ҳақида гап кетса ҳам, у ичиде таъсирланаверади: шу таъсирланиши уни кирававеради. У эрта қарий бошлайди...

Кейин идеал одам ҳақида гап кетди.

— Мен ҳар бир соҳада ҳам ё олдинда юришининг, ёки кетмон олиб ер чопишининг тарафдориман, — деди у киши.

Шунисин маълумки, бу одамнинг ўзи мана шу қондасига амал қилган: айтишларича, у киши 11 ёшигача иштон-қўйлан нималигини билмаган, камбағалининг фарзанди бўлган. Ҳатто бир воқеани шундоқ нақд қилдилар: ўн уч ёшида амакларининг ўғли аски телпагини бу кишига ҳадя қилган. Бу киши телпақдан кўз узолмай юрганида, қишлоққа қароқчилар оралаган. Улар дуч келган нарсани отдан эғилиб олиб қочқиларкан. Ҳозирги академикимиз ўшанда «менинг ҳам яроққ телпагимиз олиб кетишмасин», деб сомонхонага бекинган экан.

Бу гаплар қанчалик тўғри-но-тўғри, билмайман. Лекин шуни билганимиз ва суҳбатлар давомида шунга ишондимки, бу киши камбағалчиликдан шу даражага етганлар! Бунга кучли тиришқоқ.

(Давоми 18-бетда).

ЧУПОНЛАР.

Н. СОҒЫН фотосп.





Айнийнинг «Одина» жиссаси хориний Шарқ китобхоналарига қирғ йил аввал етиб борган эди. Асарнинг бир қисми дастлаб «Овози тожи» (1924) газетасида эълон қилинди. Кейинчалик «Раҳбари Дониш» (1928) журналы саҳифаларида «Одина» жиссаси ҳақида таъризлар эълон этилди. Ушбу журналнинг ўқувчиси эронлик аёл Шунух Ховаринга Айнийга бу хусусда мактуб йўллади. Мактуб журналда эълон қилинади ва ёзувчига етиб келади.

Қуйида мактубнинг ўзбекча таржмасыни журналхонларимиз диққатига ҳавола этамиз:

«Мен Раҳбари Дониш» журналининг тўртинчи сонида биринчи инқилобий тожин жиссаси «Одина» (С. Айний асари) ҳақида босилган қатор мақолаларни ўқидим. Улардан бағоят ҳаяжонландим. Мен бу мактубни сизларга — озодек ва инқилоб голларни форсий забонларга тарғиб қилувчиларга атаб ёзайтирман. Шарқдаги бу зулмга дучор этилган бахтсизларнинг нола ва фарёдларидан намуна бўлиши бу муҳаддас китобнинг мен ҳалига қадар тўла хусусини кўрганим йўқ. Мудҳиш манзарани аниқ эйтирган жиссанинг кўп болбарини кўздан кечиришимча йўқ. Аммо менда сизнинг ёзганларингиздан: «Бу китобда бутун Шарқ меҳнатшарларининг хусусан форсий забонларнинг орау истаклари ҳам бўлган», деган хулосага келдим.

Бизнинг Эронимиз хануз бундай китобни ҳақиқат тарғибатиш имкониятига эга эмас! Ва афсус қиламанки, хануз мен бу китобнинг ўзини Эронда кўрмадим Сизнинг ёзганларингиздан маълум бўлишимча, бу китобда Шарқ аёлларининг бебаҳталигини ва зулм асорати остида эзиллишини тасвир этувчи болбар ҳам бор. Ленин афсус, минг афсуски, бошқа мамлакатлардаги аёллар бу китобни ўқишга мўъссар бўла олмайдилар! Чунки инқилобий Шуроннинг профессорлари ва шарҳинослари бу китобни «биринчи инқилобий тожин жиссаси» деб эълон қилмишдириллар. Шу тўғрисида бу китоб биз эронлик аёлларнинг қўлига тегмайди ва биз озодекки андовчи бу фиррлар нуридан баҳраманд бўлишдан маҳрумимиз. Асарингиз ҳақидаги таъриз ва таъниқларни ўқийшдан ҳосил бўлган тэасуротга қараганда, бу китоб Шарқ меҳнатшарларининг, хусусан жафонаш Шарқ аёлларининг ҳаётини жуда яқиндан аниқ эйтирувчи китоблардан биридир. Мен Тохроннинг бир бурчагидега ўтириб, журналнингизнинг бизга етиб келишига кўз тикман ва жиссани ўқишга жуда муштоқ аёллардан бириман.

Чунки унда бизнинг кўп орзуларимиз аниқ этганим, бизнинг мамлакатимиздаги матбуот бундай ҳаракатдан четда... Журналнингизнинг охириги сони биз Шарқ аёлларига руҳимизни кўтарувчи гоят бахтли бир хушхабар келтирди. Эронда бу китобни қўлга киритиш мен учун амри маҳол. Нонлож, сиздан (чунки сизлар меҳнатшарларнинг онгини ўйғотишга жирият ва фидонорлик билан бел боғлагансизлар) менга Эронга у китобдан бир нуска юборишингизни илтимос қиламан. Ахир мен ҳам сизларнинг заҳматнаш бир синглингиздирман ва китобни олиш умидада ооз ва инқилобий Тожинистонга кўз тикманман.

Жуда тез кунларда бу мақсадга етман ва китобни олишга муваффақ бўлман деган ниятданман. Ва нҳоят, хатимининг охирида муариф ва ижтимоий ҳаёт соҳасида жуда тез суриятлар билан тараққий этаётган Тожинистонни табриклияман. Мамлакатингиз улуг йўлланмангиз шиори остида инқилоб йўлидан бориб жуда бахтли кунларга етади, деб умид қиламан.

Адабиётшунос Рахим Ҳошимнинг айтишича, С. Айний Шунух Ховаринга жавоб мактуби ёзган ва «Одина» китобини ҳам юборган.

Мажид ҲАСАНОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, А. С. Пушкин номида тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

«...Уч амирин икки минг отлик аскар билан Пулисангин устида ўрда қуриб ётган Илс Хўжага қаратиб қўйдим. Мен ўзим беш минг аскар олиб, Илс Хўжа аскарни билан ёт қон Улуғ тоғ устига чиқиб олдим. Кечаси бўлган буордим. Ҳисобсиз кўп ерга ёт ёқдилар. Тоғ устида ёндирилган кўп ўтқи, қаришларда турган қалин аскарни кўрача, буларга қўрқинч тушиб, у кечани, соҳ бўл, бек бўл дейишиб қузатиб ўтказдилар...»

«...Эрталабдин кечга довуручи бўлиб, бир иш чиқара олмадилар. Чоққулаш уруши боғланганда ҳар икки томондан кўп кишилар йўдируди... Қалин аскар ичида қочиб бўраётган хон ўғли Илс Хўжа ортидан етиб бориб, «Энди йўл бўлсун» дедим.»

«Гулистон» журналнингизнинг ўтган йили тўртинчи сонида босилган «Темир тузуклари» асарини ўқиб ўтирганимда ноҳоз ушбу сатрларга кўзим тушиб-ю, ҳаяжоним сўтдек кўпириб кетди. Қўз олдидан навқирон Норақ шахри, азим ГЭС бунёд бўлаётган Пулисангин дарасининг қиёфаси гавдаланди. Ажабо, замона зайлига қараган-а! Уша, жаҳонгир Темир бир вақтлар келиб, қон тўққан тоғлар оғуши бугун замонамиз фарҳодларига майдон. Темир от суришидан, нола зарбидан зирқираган дара-тоғлар бугун яратилш меҳнатининг бонгидан янгараяпти.

Ҳалаган сари йўлларим чўқурлашади. Қалбим тўрига гавҳардек чўқиб қолган, Норақда кўрган, билан воқеалар бирин-кетин юз очади...

1966 йил 23 март... Бу сана Норақда ёзилган «Зафарнома» китобида заррал варақ очган.

Шу кунни тонгда шаҳар бичокорлари, атрофдан келган меҳмонлар йў-йўларидан Пулисангин дарасига йўл ола бошладилар.

Ана, қўёш Пулисангин дарасининг қоқ устига келди. Гум-м!.. Гум-м!.. Гум-м!..

Қўдрати портлаш тоғу тоғини, дилларни ларзага келтирди. «Ура» садолари қозларга урилди, акс-садо қайтарди. Пулисангин дараси устида азим чинорни эслатувчи чанг анчагача муаллақ туриб қолди.

Орадан бир соатча ўтгач, кишилар дара сари йўл олдилар. Дарё лабига уюлган уч юз минг кубометр бетон ва тоғ жинслари айни пайтда худди моҳир уста андаваландек дарё йўлини ичида ётарди.

Тушдан сўнра Норақ шаҳар марказида, кенг майдонда митинг бўлди. Биринчи бўлиб «Норақтжискидорстрой» трестининг бошлиғи Константин Иванович Севенард сўзга чиқди. У ҳаяжонланарди.

— Қадри дўстлар, мўъжизакор қўрувчилар! Сизларни дастлабки галаба билан қутлайман. Мана бугун беш йиллик меҳнатимизга яқун ясалди. Узунлиги 1628 метрли тоннель ишга тушди. Минг йиллар давомидега ҳайқириб, нафсиз оқаётган Вахининг йўли тўсилди. Нораққа зарфари юриш йўлини очиб берган машҳур геолог яҳудий Семён Мордухович, тоғ тек-

ниги немис Зингер, тоғ геодезисти қозоқ Хурсанд Эсанбоев, тоғтеширлар саркорлари ўқирон Алексей Король, Фёдор Мороз, Василий Остапов, тоғ инженери ерузин Зураб Эмрикел, тўрт кубки эксававторлар машинистлари Ленин орденли белорус Сергей Лидицкий, ўзбек Раҳимжон Шарипов, тожик Нисор Неъматов, жасур портлашчилар — татар Василий Бахтин, тожик Қўрбон Табаров, шофёрлар — корейс Ян Ким, ўзбек Тўйчихон Калонов, бетончилар — тожик Камол Ҳамсариев ва бошқаларнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз, улар шатнига офаринлар ўқиймиш...

Норақни кўнчилик кўрган ёки эшитган бўлса-да, унинг аҳамиятини қўқир билмаслиғи мумкин. Шунинг учун мен бу ҳақда ҳикоя қилиб бериш иштиқидаман:

Ҳозир Норақ қурилишида 40 дан ортиқ илмий текшириш ва лойиҳааш институтлари, қарий 800 бичокорлик ташкилотлари иштирок эталяпти. Пулисангин дарасида она-табиат аждоиб манзара яраган: икки тоғ бир-бирига туташини салгина қолган. Аслар бўйи асов Вахи ана шу тоғ-

қўтарилади. Табиат ясаб қўйган айланма тоғлар «қосаси сувга лиқ тўлади. Узунлиги саккиз километр бўладиган сув омборида ўн ярим миллиард кубометр суя сақланади. Суя омбори бир нақтининг йўлида ГЭСни сув билан таъминлашдан ташқари, Амударё оқимини бир меъёрга келтириди. Икки республика — Тожикистон ва Ўзбекистондаги бир миллион гектар қарқоқ ера обихайёт этади...»

Норақ ГЭСи қурилиши жаҳон геосизослари учун тажриба-намуна иншоот ҳамдир. Норақ ГЭСини тоннеллар сиз тасаввур қилиб бўлмади. Жами ўн километр узунликда ўн икки тоннель қурилади. Булардан биттаси битиб ишга тушаиница икки йил бўляпти. Биринчи тоннель тепасида иккинчи тоннель даярди қазиб бўлинибди. Шу кунларда бетиолаштириляпти. Иккинчи тоннель устида эса учинчисини қуриш давом этапти.

Норақ ГЭСи қуяватини республикаларо узятиш учун лойиҳачи ташкилотлар кўрсатмасига кўра ҳар бирода беш юз киловатт қуяват оқувчи икки узятиш ҳақаси (ЛЭП) қурилади. Биринчи узятиш ҳақаси Норақнинг гарбий қисмидан — Душанбе орқали Гузор, Самарқанд, Бекобод, Пискент воҳалари бўйлаб ўтади. Иккинчи ҳаққа ҳам гарб томондан ўтади. Ҳозир лойиҳачилар ва геололар иккинчи ҳаққа — Норақ — Тошкент электр тармоғи устида иш олиб боришляпти.

ГЭС тўла ишга тушиша, бир йилдаёқ ўз қичқини қоплайди. Ҳар бир киловатт-соат электр қуяватининг таннархи 0,03 тайинга тўғри келади. Бу кўрсаткич ҳозир Тожикистонда ҳосил қилинаётган ҳар бир киловатт электр қуяватига нисбатан ўн саккиз баробар арзондир. ГЭС йилига ўн бир ярим миллиард киловатт-соат электр қуявати ишлаб чиқаради. Бу саксон миллион сўм деган гап. Қолган қичқим сугорини ҳисобидан чиқарилади. Ҳозир Амударё қирлари ва Қоракўм воҳаларида пахта ҳосилдорлиғи жуда паст, Гектардан илгирма центнерга етаретмас. Ваҳши суви бу районларга қучли насос станциялари орқали чиқарилиб, ерининг шўри ювилади, сугорилади. Ҳосилдорлиғи яна уч юз минг центнерга оширади. Бирешна шунининг йўлидан йилига қарий тўрт юз миллион сўм фойда қўрилади.

Эге, Норақнинг аҳамиятини айтиб туятиш қийин! ГЭСининг Урта Осиё республикаларида йнлаб саноят корхоналарини ишга тушириши ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Партиянинг XXIII съезди кўрсатмаларига мувофиқ, ГЭСининг дастлабки агрегатлари 1970 йилда ишга тушиши керак. 1972 йилгача тўла ишга тушиши мўъжалланган. ГЭСининг дастлабки қуяватининг бир қисми Душанбега ва бир қисми Қарши чўларига суя чиқарувчи насос станцияларида берилади. Ҳозир Норақ нурхонисини яратишда жонбозлик кўрсатаётган ўн беш мингга яқин бунёдкор қалби ана шу ният билан теляпти.



Ж. Тошматов

лар ўртасини ёриб оқарди. Эндилликда худди ана шу жойда тўғон қуриляпти. Ҳозиргача жаҳонда энг баланд ҳисобалдан келган Швейцариядаги Гранд-Диксанс тўғонининг баландлиғи 281 метрдир. Норақ ГЭСи тўғони эса 317 метр бўлади.

ГЭС тўғони бошқа ГЭСлардаидек темирбетондан эмас, тоғ жинслари ва соз тўпроқдан қурилади. Тўғон учун 58 миллион кубометр тоғ жинслари тўқилиб, шиббалади. Шунча миқдордаги тоғ жинсларини ташини учун қарий 30 минг составда поезд эшедонлари керак. Аммо Норақда темир йўл йўқ. Бу ишни асосан машиналар бажаради. Тўғон битгач, суя уч юз метр

## Тонг отса!

## Сендан хабар келди

Тогдан сабо эсди;  
Келтирди хабар.  
Хаёлларим яна тўзғиди бебош,  
Чўққилар устидан жилмайди қуёш,  
Қуёш эмас, ўзинг,  
Сен ўзинг, дилбар.  
Душанбе овози менгача етди;  
Кулгинг жарангини эшитдим ўзим.  
Кўзингга қадалди хаёлан кўзим.  
Назаринг сеҳридан эс-хушим кетди.  
Ҳар чорбоғ, гулзорга отаман нигоҳ,  
Хаёл оғушида ташладим одим.  
Фунчалар бағридан сени истадим,  
Мени тарк айлади хаёллар ногоҳ,  
Мен сендан олисман,  
Сен ҳам йироқда,  
Наҳот ваъдасидан тонади Ҳасам,  
Сенинг юрагингни билмам,  
Мен эсам  
Бардош беролмасман асло фироққа,  
Чўққилар устидан жилмайди қуёш,  
Қуёш эмас, ўзинг,  
Сен ўзинг, дилбар.  
Тогдан сабо эсди —  
Келди хушхабар,  
Хаёлларим яна тўзғиди бебош...

Хаёл оғушида тўлганаман бедор,  
Васл дардига эдинг мени гирифтор,  
Тонг отсани,  
Тонг отса!  
Йўлингга чиқсам,  
Дилдан тўкиларимди бу алам, губор.  
Тун чўқдию,  
Тун чўқди,  
Қандай узоқ тун,  
Кўзим уйқуга эмас, хаёлга тутқун.  
Тонг отсани,  
Тонг отса,  
Йўлингга чиқсам,  
Бир боқишинг айларди бағримни бутун.  
Муҳаббатдан оғирроқ дард ҳам бормикин,  
Мен каби ҳар ошиқиқа дунё тормикин,  
Тонг отсани,  
Тонг отса,  
Йўлингга юрсам,  
Тонгимда пешвоз чиққан ўша ёрмикин?  
Висол етанлаб келган тонгларга мен зор,  
Сен мендан олис нетсанг гумон этгум, ёр.

Тонг отсани,  
Тонг отса,  
Йўлингга чиқсам,  
Дилимдан ўчармиди бу алам, губор.

## Хонатлас

Атласчи қиз — бир наққош экан,  
Кўчирибди гуллар рақсини,  
Бу юрт чаман, бир қуёш экан,  
Атласида кўрдим аксини.  
Хиббонни тўлдириб аста,  
Атлас кийиб юрсалар қизлар.  
Богдан ўтса бўлиб гулдаста  
Юрагимда қолади излар.  
Сен ҳам атлас кийгин, жонгинам,  
Юрагимда қолмасин армон.  
Илҳом келар меҳрибонгинам,  
Менга боқиб этсанг хиромон.  
Атласингдан нур эмсин офтоб,  
Нур ёғдирсин менинг кўзимга.  
Илтимосим қўйма, моҳитоб  
Атлас кийгин, киргил сўзимга.  
Атлас — ёшлин, атлас — гулбаҳор,  
Севги каби унда кўрдим ўт.  
Ҳар кийганда атласингни, ёр  
Юрагимда олов ташлаб ўт.

Гулҷеҳра ЖУРАЕВА таржимаси.



Рубоччи қизлар ансамбли Тожикистондагина эмас, бутун мамлакатда ҳам шуҳрат қозонган санъаткорлардир. Биз уларнинг Хўжаид ўриғидай тоғли, Вахш сувидай ўйноқи, Памир яйловларидай жозибали қўшиқларини кўп ва севиб тинглаганмиз. Тожики адабиёти ва санъати ўн кулигида бу сеҳргар қизлар оҳангини яна бир бор тинглаш бахтига муссар бўламиз.

## ХУШ КЕЛИБСИЗ! ХУШ ОМАДЕД!

### Поёндоз

Юртимизга қўни-қўшни, қон-қариндош, ёр-биродарларимиз бўлмиш тожик оға-инилар, опа-сингиллар келяптилар.

Тожик халқининг бу муътабар элчилари бизга бутун халқнинг қалб тўқмасини — санъати, адабиёти ва ижтимоий муваффақияти қўйилмасини олиб келяптилар. Улар Ўзбекистонда тожик маданиятининг байрамида иштирок этгани яхши ният билан келяптилар.

Ўзбек халқи билан тожик халқи қадимдан дўст, азалий биродар. Бу дўстликнинг қачон ва қаердан бошланганини узоқ-узоқлардаги ёруғ юлдузлардан сўранг! Ўшалар билади. Бу биродарликнинг азалийлигига баланд-баланд тоғлар ва кекса дарёлар — Аму билан Сир гувоҳлик беради. Ўзбек билан тожик қадимдан елкама-елка туриб тоғларни тешиб йўл очган, тошларни ёриб, чўлларни қазиб канал чиқарган, экин эккан, боғ қилган, Золимликка қарши курашда ҳам қўлни қўлга бериб, бир жанговар сафда жанг қилиб ўзларига ва бошқаларга бахт яратган. Ҳозир ҳам шундай!

Ўзбек халқи билан тожик халқи икки тилли бўлса ҳам бир дилли одамлар. Ўзбек билан тожик икки томчи сувдай бир ўзак одам. Бири бирига қўда, бири бирига қариндош. Номларимиз ҳам бири бирига оҳангдош, гўё кўзу қош. Машҳур ва сеvimли шoirимиз ҳазиломуз айтган эди: мени Рафур Гулом дейдилар. Рафур ўзбекча, Гуломи тожикча. Еки, аксинча, Мирзо Турсунзодани олайлик: Мирзоени тожикча, Турсунни ўзбекча...

Бу бирлик, бир ўзаклик ҳақида тожик шоири Боқи Раҳимзода ҳам жуда яхши шохидлик берган.

Кимки бизни кўрса доимо  
Айтар битта томир ва ўзак.  
Ҳамда сўрар айтгин, эй ошно,  
Сен ким асли тожикми, ўзбак?

Турмушимиз ҳам бир, оҳангларимиз ҳам ўхшаш, ҳамоҳанг. Ана шу қон-қариндошларимиз бизнинг юртимизга ўз ғала-баларини намойиш қилгани келяптилар.

Азиз тожик оға-инилар, «Гулистон» ўзининг қирқ тўрт саҳифали нони-туз дастурхонини сизларга бағишлади — оз бўлса ҳам кўп ўрнида кўринглар!

Сизларга таъзим билан  
«ГУЛИСТОН»

# ЭРИЯИ

Расмин Т. Муҳаммедов чизган.

Аҳмадҷон пешиядан кейин икки-уч ҳам-кишлоғи билан тўйга боргани кўча бошига чиқди. Ногоҳ орқадан Муҳаммадмуроднинг овози эшитилди. Аҳмадбек қайрилиб қаради. Ёш баҳодир тахминан тўрт пуд келадиган қопни қўлгагилаб келарди. Афтидан, қолда ун бор, чунки Муҳаммадмуроднинг чап еғи ва шими оппоқ бўлиб кетганди.

Ингит Аҳмадбек ёнига етган, қопни ерга қўйиб ўрнига, ўнг қўлини кўксига қўйди, сўнгра Аҳмадбекнинг сўрашиш учун узатилган қўлини қисди.

— Эсон-омонмисиз? Бақувватмисиз, мунча камнамисиз? Кўпдан бери кўришмадик? Тўйчи илтимос қилганда, шу урни тўйхонага олиб кетишман. Сиз ҳам ўша ёққам, дейман? Бирга борарканмиз да,— Муҳаммадмурод шу сўзларни тўт синагари жовраб айтар экан, Аҳмадбекнинг қўлини темир панжалари билан сиқар эди.

Аҳмад ака куч синиш ниятида эмас эди, Муҳаммадмуроднинг олдида ўнг ёни билан тура қолди. У ёш паҳлавоннинг саволларига очиқ чехра билан, аммо бир оз бетоқатлашиб жавоб берар ва иложини толиб қўлини темир чапгалдан ажратишни чамаларди.

Агар ҳозир бу кимсасиз кўчада бирор киши пайдо бўлиб, уларнинг қўл бериб турганини кўрса, ёш паҳлавон машҳур устози олдида шоғирдлик эҳтиромини бажо келтираётар, деб ўйларди. Ҳақиқатда эса, бу «шоғирд» устозининг қўлини тезда қўйиб юборишни истамасди.

Аҳмад паҳлавоннинг димоғига ароқ ҳиди урди. Кўрдик, қаршилик кўрсатишдан бошқа иложи йўқ. Сал ҳаял қилса, ёш паҳлавоннинг зўридан тирноқлари кўчиб, панжалари симобдек зилиб кетадиган. Ҳини ростлаб, Ингитга гик қаради, оёқларини ерга маҳкам тираб, бир чиранди — панжаларини ёзиб олди. Энди ҳар икковларининг бармоқлари бир-бирига тешишиди.



Муҳаммадмуроднинг чехрасида ўт чақнади, қисиқ кўзларида ғазаб ва гина ўтлари ёвди. У машҳур паҳлавоннинг кафллари яна эзиниш истарди. Аммо шу вақт Аҳмадбек бунд қўлини унинг елкасига ташлаб:

— Хеч бўлмаса, юкингни ерга қўйсангчи? — деди.

Аҳмадбек бу сўзларни таънаомуз бир оҳангда айтди. Ғўё оламда муомала одоби деган нарса ҳам бор димоғчи бўлди. Ҳурмат ва эҳтиромга сазовор кишилар билан юкин кўтарган ҳолда сўрашмайдилар.

Муҳаммадмурод қопни ерга қўйди. Лекин ер нотекис экан шекилли, қоп бир томонга ағанади. Муҳаммадмурод унн яна тўғриллаб қўйди. Қоп энди аста-секин бошқа томонга эгила бошлади. Шу пайт Аҳмад ака қопнинг оғзидаги арқонни чап қўлига ўраб даст кўтарди-да, ёнидаги деворга сунянтириб қўйди...

Буни кўрган Ингит «ҳим» деб заҳарханда қилди.

— Ғўлим, — деб Аҳмад ака Муҳаммадмуроднинг кўзларига тик боқди. У кесалигига таяниб, ёш полвонга насиҳат қил-

моқчи эди. Бундан кейин, шароб ичма, демоқчи эди.

Баъзи кишилар шаробни хурсандлик учун ичадилар, бошқа бировлар ростини айтганда, ўзларини янада довишмандроқ ва кучлироқ қилиб кўрсатиш ниятида ичишади. Муҳаммадмурод ҳақиқатда ҳам полвон, полвон бўлганда ҳам яхши полвонлардан. Унга ўз зўрини кўрсатиш учун ароқ ичининг ҳожати йўқ.

Аҳмадбек мана шу мулоҳазаларини Муҳаммадмуродга уқтириши ва чиндан ҳам ёш полвоннинг келажаги учун яхшилик қилишни истарди. Аммо кўзи-кўзига тушиши билан гапи томоғида қолди. Унинг кўзларидан рўй-рост адоват ва ғайриликни уқиб олиш мумкин эди.

Аҳмадбек бирданга ўзгариб кетди. Вужудини аллақандай дилисиёхлик чулбаб олди. У шу даражада гамгин эдики, ғўё ҳозир кўз олдида бир фалокат юз бериб, шон-шараф иморати, осейишта ҳаёти кутилмаганда чилларчин бўлгудек эди.

Аҳмадбек тўйхонага Салим муаллим билан бирга келди. Улар болаликдан бирга ўсишган. Салим Ғармдаги бечма юртини тугатиб муаллим бўлиб, бир неча йил сиргдан ўқиб директорлик лавозимига, кейинчалик эса, қишлоқ советининг раислигига кўтарилди. Лекин Аҳмадбек билан бўлган болаликдаги дўстлигини узамди.

Уларни тўрға — қишлоқнинг обрўли мўйсафидларни қаторига ўтқазинди, олдиларига баркашларда қанд-қурс, мева, нон, чой тортишди.

Тўйнинг ҳашами кундузи ўтган эди. Қолганлар мўътабар меҳмонлар ҳисобланар, то ярим кечагача қақ-қақлашиб ўтиришлари лозим эди.

Катта тут тағидаги шоҳсупада йигирма чоғлик йигитлар ўтиришарди: давранинг тўрида агроном, ўқитувчилар, мол дўхтири ва қўйроқда колхоз идораси атрофида айланиб юрадиган, қишлоқ фаоллари ҳисобланган йигит-яланглар... Муҳаммадмурод ҳам ана шу давранинг бир бурчагида ўтириб олиб, Душанбе ва бошқа шаҳарларда кўрган мусобақалари ҳақида ҳикоя қиларди. Йигитлар шароб ичишарди. Аммо, қарияларнинг ҳурмати учун бўлса керак, шаробни чойнасаларга қўйиб, пиёлада ичардилар. Ичимлик таъсиридан йигитлар гурунги тобора авж оларди.

Икки-уч ҳаваскор хонанда навбати билан ҳовли ўртасига тушиб чилдирма, рубоб ёки дўмбрана чалиб, ашула айтарди. Улар кейинги йилларда расм бўлган усулларга — шаҳар эстрада артистларига тақлид қилиб, гоҳ орқага, гоҳ олдинга хиром этар ёки ҳовли саҳнини гир айланга, ҳунар кўрсатишарди.

Аҳмадбекнинг қулоғига на қўшиқ кирарди-ю на куй. «Афтидан, кўпчиликнинг ивон-ихтиёри замон тақозоси билан суст бўлади, шеклилл, ўйларди у. Бундан ўн йил, ҳатто беш-олти йил олдин бирон кишидан хафа бўлса, ўз-ўзини овута оларди, қўнгли таскин толарди. Энди эса ундай эмас. Бировдан хафа бўлдим, баъзан бир ҳафтагача наришонҳол юради, ичидан эзилган. Бу Муҳаммадмурод деганига яна нима керак? Бу музофотда ҳаммани енгди, учта қўшни район физкультура ташкилотидан раҳматнома олди. Бир неча бор Душанбегача, бир марга Фрунзе шаҳрига борди. Шунча обрў-эътибор етмайdimи? Иўқ. У Аҳмадбекни ҳам йиқитмоқчи. Катта маъракада, халқ ўртасида енгмоқчи.

Тўрт йил бўлибдики, Аҳмадбек ҳеч ким билан кураш тушмайди. Бу ишни энди у ўзига эр кўрмайди: «Кураш ёшларга ярашади. Курашнинг ҳам қонун-қондаси, одоби бор».

Аҳмадбек ҳамон ҳаёлот дарёсига ғарқ эди. Салим муаллим эса, дўстини хурсанд қилиш мақсадига ҳазил-мутойиба қиларди:

— Нега бунча тажанган? Невага кўрибсану ҳамон кўнглинг кураш тусайди. Жуда чидай олмайётган бўлсанг, кел, икковимиз курашамиз.

— Сен билан курашайми?

— Ҳа, мен билан курашсанг нима бўйи? Эсингдами, болаликда ҳар кун кураш тушардик. Икки-уч марта кўтариб ҳам ургандим.

Аҳмадбек кулиб юборди ва ҳазил аравлаш жазво берди:

— Тўғри, болагимизда курашардик. Энди сен жамоа раиссан, қишлоқимизнинг шўро ҳўкуматсан. Ҳўкумат билан олишган одамларнинг тақдири не кечганини кўп кўрганман...

Шўра аллақачон ичиб бўлинганди. Ёш хонадаларнинг нағма-тароналари тобора авжга минарди. Хушчақчақ кишилар ҳазил-мутойиба, аския айтиш билан банд.

Айвондагилар кўпроқ ўз эсдаликларини ҳикоя қилишарди. Ингит-яланглар суҳбати қизир, улар ичида Муҳаммадмуроднинг йўғон овози алоҳида ажралиб турарди.

— Ғалати бола да, — гап бошлади Салим муаллим Муҳаммадмурод томон бош силтаб, — сен билан курашмоқчи-я?

— Унинг олишувни менга ёқмади. Албатта, эртага у билан гаплашаман.

— Нима ҳақда?

— Ҳим билан!

Аҳмадбек ўртоғининг пинҳоний фикрини сезди. Ҳар ҳолда, Аҳмадбек бутун умрини деҳқончилик билан ўтказар эди. Деҳқонларнинг аксарияти жуда ҳам соддадил бўлишади. Шунча вақтдан бери Аҳмадбек, дўстининг ўзи ҳақида қандай фикрда эканига энди тушуниб етди. Ҳа, у энди Аҳмад полвонини номинга қолган, деб ўйлайди. Ҳа, шунинг учун у Муҳаммадмурод билан гапллашиб, бундан кейин Аҳмадбекка осиллавермаслигини уқтирмоқчи. Ҳайриятки, Аҳмадбек тор кўча бошида Муҳаммадмурод билан бўлган бутунги воқеани дўстига айтмади. Айтгандами, кўринг эди — Салим Муҳаммадмуродни бир чеккага тортибми ёки қишлоқ советига чақирибми қўлогини бураб кўярди. Агар шундай қилсам, роса шармандалик бўлар эди-да.

Палов келтиришди. Аҳмадбек пичоғини қинидан олиб, гўштини тўғрай бошлади. Шу пайт тўйбошининг катта ўғли уларнинг сулига келди. У устига сергўшт, иллик сувга қўйилган бир чапатини кўтариб турарди.

— Аҳмад тоғача, — деди у бундай хизматни умрида илк бор бажараётгани учун уялиб-қимтиниб.

— Ким берди? — сўради Салим боланинг қўлидан чапати билан сулини оларкан.

— Муҳаммадмурод акамиз, — дея жавоб берди-да, айвондан тушиб қайтди бола.

Дўстлар бир-бирига маънодор нигоҳ ташлаб қолишди.

Шом еган тўлин ой тоғ чўққиларидан кўтарилди, дашту даладарини мунаввар этганди. Хирмон атрофидаги сомон ва похол майдонлари ой нурида қаҳрабодек товларди.

нади. Сон-сановисиз чигирткалар одатлари бўйича чирилларди.

Кекса қоровул галла янчадиган машина олдидаги сивм қаравотда ухлаб ётарди. Аҳмадбек икки ҳафтадан бери қундузлари шу хирмонда ишларди. Баъзан ишдан сўнг йўли бу томонларга тушса, мўйсафид билан чой ичишиб, чақ-чақлашиб қайтарди. Бугун мўйсафидни безовта қилмаслик учун деҳқонларнинг ягона ҳордиқ чикаради-ми манзили — катта сада остига келиб ўтирди. У бир қанча вақт мана шу этаклари уфқ билан туташган сахрода ўқиб, кўнгли гуворларини кўтармоқчи эди. Хирмон жойларнинг ажиб ҳосияти бор-да: деҳқоннинг юраги ғам-ғуссадан ёрилгудек бўлса ҳам, бир соат ўтар-ўтмас тарқалиб, унутилиб кетади.

Аммо, бугун Аҳмад ақани оғир ўй-хаёллар нега тарқ этмайпти? Муҳаммадмуроднинг совуқ қўл сиқиси, гина-адоватли қарашлари, гўйхона, кўпчилик ўртасида ға-разғўйлик ва беодоблик билан иллик устухон юборгани — ҳаммаси, қанча уринмасин, қўз ўғиндан кетмасди.

Ингитлик ғурури, шон-шўҳрат кайфияти ва паҳлавонлик бу боланинг бошини гангитиб кўйибди. Ҳар каллада бор ҳаёл, деб Салим тўғри айтди. Ҳар ким ўз ёшлигини ўзи истган таразда ўтказсади...

Аҳмадбек ҳаёлини йнгитлик йилларининг айрим лавҳалари чулбаб олди. Наврўз паҳлавон билан бўлган учрашуви эсимга тушди.

Уша вақтларда Наврўз паҳлавоннинг номи ўз юртида шўҳрат топан, бутун Дарвозда уни танимаган одам йўқ эди. Аҳмадбек эндигина кураш тушиб юрганга қарамай, доврўғи қўшни қишлоқлардаги полвонларнинг қулониға ҳам етганди.

Кўнларнинг биринда Аҳмадбек кўққисдан оқсаб қолган йўрасини етаклаб, Деҳан Бало қишлоғидаги мол дўхтири олдинга жўнади. От зўрга қадам босса ҳам, Аҳмадбек кенг ва текис йўлни четлаб, Ванжоб соҳилидаги сўғмоқдан борарди. Эҳтимол, у бу йўл овлоқ, деб ўйлагандир. Чунки қайси бир таниш учраса, Аҳмадбекнинг жийрони қачон, нега чўлоқ бўлганини батафсил сўраштиради, нега фалон гиёҳни туюб оёғига боғламдингиз, фалон чашма сувиде отнинг оёғини ювсангиз бўлмасинди каби саволларга тутар эди.

Аҳмадбек бир ўтлоқка келиб тўхтаб қолди. От бошини қайириб, иссиқ нафас билан бўйинни қаттиқлади. Гўё, «от нега тўхтади», деб сўрамоқчи бўларди. Аммо, хўжайиндан садо чиқмагач, йўл четидаги ўтларни чилиб ея бошлади.

Олдинда ўттиз қадамлар нарида бир кини чашма лабиде белбоғини ерга ёйиб номоз ўқирди. Таомилга кўра, унинг олди-дан кесиб ўтиш мумкин эмас. Аҳмадбек от тизгинини бир бутага илтиб, ҳарсанг тош устида кутиб ўтирди.

Кўп ўтмай чашма тарафдан:

— Хой, нини, бу ёққа кел, — деган овоз эшитилди.

Нотаниш одам қийнқчасини майсалар устига ёйиб, сафар халтасидан ёғлиқ нон, шафтоли қоқи ва тухум олиб кўйди. Сўнг, қоматини кўтарди. Аҳмадбек бу кишининг полвон эканлигини сездди. Қол-аҳвол сўрашдилар.

— Шу қишлоқданмисан? — сўради нотаниш одам Аҳмадбек келган томонга ишора қилиб.

— Ҳа, — қисқа жавоб берди йнгит. — Мен билан бир оз ўтир нини. Ёлғизликда томониндан овқат ўтмайди.

Нотаниш одам шу даражада самимий, очиқ гапирардики, Аҳмадбек вақти зиқ бўлишига қарамай, унинг илтимосини рад этолмади.

Икковлари дастурхон ёнида ўтириб, лаззатли оби нонни чашма сувига ивтиб едилар.

Аҳмадбек отини ёнгоқ дарахтига боғлаб қўйганди. Жийрон майиб почасини авайлаб кўтариб, бутун оғирлигини қолган уч оёғига солиб турар, ҳар замон бетоқатлашиб, хўжайини томон қараб қўярди.

Халиг одам Аҳмадбеклар колхозининг раисс номини сўради. Шундан сўнг қишлоқ оқсоқолларидан бир-икки кишининг

сиҳат-саломатлигини суриштирди. Аҳмадбек имкони борича тўлароқ жавоб беришга тиришди.

— Бундан бир неча йил бурун қишлоқларингизда меҳмон бўлиб адим, — деди нотаниш киши. — Жуда хушхаво қишлоқ, халиг ҳам хушфёл. — Сувига ивтиланган бир бурда нония оғзига соларкан сўради: — Аҳмадбекни танишимизми?

— Қайси Аҳмадбекни? — сўради йнгит, нафаси томонига тикилиб.

— Қишлоғингизда нечта Аҳмадбек бор ўзи?!

— Успиринлардан битта, — деди йнгит ва унгайисизликдан қизиб кетди. Хайриятки, бу пайт нотаниш одам сафар халтасини титар, йнгитга қарамас эди.

— Мен ҳам ўша Аҳмадбекни сўраётирман. Полвонни.

— Ҳа, яхши, сиҳат-саломат юриптилар.

— Айтишларига қараганда, анча кучли, чаққон эмиш...

— Ҳа кучлиро ҳам ёш, — деди Аҳмадбек нима дейишини билмай.

— Э, полвонлик ёшлиқдан-да!

— Қайдам.

— Сен ҳам курашчига ўхшайсан, кўрнинишдан сезилиб турибди. Номинг нима?

Аҳмад ёлгон гапирди: энди номини айтса, у киши ранжийди...

— Баъзан курашиб юраман, — деди Аҳмадбек ва далилда номини такрор сўрамаслигини оллодан илтижо қиларди.

— Аҳмад полвон билан майдон талашганмисан?

— Ҳа, икки-уч марта курашганим бор.

— Инқидингми?

— Йўқ, биз икковимиз тенгимиз.

— Ростданми? — таажуб билан хитоб қилди нотаниш ва сакраб ўриндан турди.

Аҳмад ҳам қоматини ростлади. У киши унинг қадду қомати, афт-ангорини бошдан-оёқ сичноқлик билан кўздан кечириб чиқди-да, қандайдир дилқаш табассум билан:

— Кел, ука, икковимиз бир курашайлик — деди.

— Йўғ-э, қўйсангиз-чи? — эътироз билдирди Аҳмад ва оти томон бир қараб қўйди.

— Ҳеч нарса қилмайди, кўп олишиб ўтирмаймиз, — табассум билан ундади нотаниш киши.

— Қўйсангиз-чи... Шу ерда-я, қандай бўларкин?!

— Бўлаверади. Бекор тургунча бекор ишла деганларидек, бу ҳам бир гап-да, — деди халиг одам ва чўққайиб туриб, дастурхонга шошилич фотиҳа ўқиди.

Аҳмадбек ҳам чўрдана қуриб ўтирди-да, қўлини фотиҳага қўрарди.

— Сенде белбоғ йўқ экан, — деди халиг одам ва нон ушқоқларни чашма сувига қоқиб, қийнғини белига маҳкам боғлади.

Сўнгра бир чеккада ётган чопонини очиб, орасидан сариқ шойи қийнқчани олди, айлантириб Аҳмадбекка берди.

— Ма, боғлаб ол.

Аҳмадбек таажубу тўла нигоҳини ҳамон нотаниш одамдан узмасди.

— Э, ғалати бола экансан-ку! — у яқинлашиб қийнқчани Аҳмадбекнинг белидан ўтказди. Шунда Аҳмадбек: «Хэй, майли, қўяверинг, ҳозир ўзим...» дея ўзи боғлади.

Илиқ сўхбат ва чехрасидан табассум аримайдиган бу одам Аҳмадбекни ўзига ром қилган эди.

Улар курашга тушишди. Дастлабки дақиқалардан оқ Аҳмадбек ўз рақибининг ҳозиргача ўзи майдон талашган полвонлардан бақувват эканлигини ҳис этди.

— Бироз сабр қил, — деди нотаниш одам ва Аҳмадбек унинг белини бўшатгач, гапда давом этди: — Кел, этикларни ечиб, юқорироққа чиқамиз, чашма тепасида текис майдонча бор.

Чашма бошидан кураш чорак соатга ҳам чўзилмади. Аҳмадбек бор куч-қувватини ишга солмас эди. Ҳақиқатан ҳам, у шу мўйсафиднинг сўзи ерда қолмасин, деб майдонга тушганди. Ниҳоят, чўзилб кетган тортиш-суришиндан зериккан нотаниш одам Аҳмадбекнинг белини қаттиқ қисиб олдиға тортиди. Ёш полвонни чалиб йнқитиш мақсадида ўнг оёғига қаттиқ тепди.

Хайриятки, Аҳмадбекнинг қомати энгиз эди, бўлмаса, орқага қараб йнқилиши аниқ эди. Рақибнинг зарбидан ўнг томонга бир довдираб кетди-ю яна ўзини ростлаб олди, Аҳмадбек ғазабланди. Паҳлавонларга хос пишлллаб, яна аллақандай овоз чиқариб, рақибнинг белбоғини қулгига маҳкам қирмади, ердан даст узиб олди ва... кутилмаганда кўзи мўйсафиднинг қулгига тушди-ю, уни яна ерга қўйди.

Нотаниш полвоннинг чехрасида яна табассум чечак отди, юзларида ажойиб бир кўриниш пайдо бўлди...

Тобора кучайиб бораётган шабада ялпизининг хушбўй ҳиди ва Ванжоб сувининг майин шовуллашини хирмонга элтади. Тўйхонадан бир хонанданинггина овози эшитилади.

Сада танасига суяниб ўтирган Аҳмадбек оёқ шарпасини эшитиб олдинга қаради. Қишлоқ томондан биров келарди. Ариқ ёқалаб келаётган бу одам қўлидаги хивич билан ўт-ўланларни уриб чилиб келарди. Ой тоғ тепасига анча кўтарилиб, нурлари хийла равшанлашган бўлса-да, келаётган шахсининг кимлигини пайқаш кийин эди.

Аҳмадбек унинг қадам ташлашига қулоқ соларкан, юраги шув этиб кетди. Ҳа, у Муҳаммадмурод эди.

«Шу жой, шу соат энг муносиб маврид», — дилдан ўтказди Аҳмадбек. — Ўзи ҳам шубҳасиз, мени излаб келаяпти. Нима қилай? Кураш тушайми? Садақан кураш кетсин бу ичи қорал Хайр, начора?»

Муҳаммадмурод бир зум сада соясига қараб турди. Аҳмадбекни таниди:

— Аҳмад ака, сиз шу ерданмисан?

Полвон жавоб бермади. У ҳамон хёёл сурарди. Бу дилдор йнгит билан кураш тушини пешанасида бор экан, начора? Аҳмад полвон халиг ҳам ўша Аҳмад полвон эканлигини унга кўрсатиб, бир умр хотиржам қилиши лозим. Лекин кураш тушиб эмас. Наҳотки, бошқа иложи бўлмаса?

— Биз оёғингиз остидеги тупроқ-да, шундай эмасми? Шундай эмасми, Аҳмад ака? Кечирасиз. Биз оёғингиз остидеги тупроқ, кечирасиз...

Муҳаммадмурод қийнқчасини ечиб-янгитдан маҳкамроқ боғлади.

— Яхши, — деди Аҳмадбек, — гапни чўзининг ҳождати йўқ.

Мен сеининг даъвогандан аллақачон хабардорман...

— Лекин кечирасан, — унинг сўзини бўлиб, яна гап бошлаганди Муҳаммадмурод, Аҳмадбек тўхтади:

— Гапимга қулоқ сол. Сен билан курашаман. Модонки оркамдан қидириб келисан, худди шу ерда, ҳозир курашаман. Аммо бир шартим бор.

— Мингта шартинг бўлса, боп устга!!

— Ҳозирча биттасини бажарсан.

— Бош устига дедим-ку, ака. Айт, жоним сенга садақа.

— Мени ўриндан тургиз.

— Сени? Ўриндан тургизай? Ҳимм, ҳозир-да!

Муҳаммадмурод олдинга бир қадам ташлади. Аҳмадбек ўнг қўлини унга узатди. Оёқларини бир дўнгликка маҳкам тираб курақларини садага маҳкам ёпиштириб олди. «Епирин, ўзинг қўлла, шарманда қилма», — кўнглида илтижо қилди у.

Муҳаммадмурод Аҳмадбекнинг қўлидан тортиди, лекин ўриндан қимирлата олмади.

— И-е, турмайсан-ку? — деди таажубланиб Муҳаммадмурод.

— Тургиз дедим-ку, тургиз-да.

— Икки қўл билан бўлсаям майлими? — сўради Муҳаммадмурод.

— Ихтиёр сенда.

Муҳаммадмурод бир қўли билан Аҳмадбекнинг кафтидан, иккинчи қўли билан билагидан ушлаб, оёқларини ерга тираб, бор кучи билан тортиди. Назариде, Аҳмадбекнинг елкалари сал олдинга силжингандай бўлди. Гавдаси эса, заррача қимирламади.

(Давоми 22-бетда).

Хушдирки ёрим от узра байрам куні жавлон қилур,  
Шўх ғамзалар тиги билан оқиқларин қурбон қилур.  
Ҳар ён жафо отин сураб бечоралар қонин тўкар,  
Ҳар жойда бошларни осар, майдонда саргардон қилур.  
Қонли дилимнинг ноласи ёр ўқи захиндан эмас,  
Ўқдан жудо бўлдим, дебон балки ўзин нодон қилур.  
Бўйла булутлар ёмири хандон этар гулгунчани,  
Ул гунча лабини кўз ёшим шул сингари хандон қилур.  
Чўл сорига ул лабшакар қилса мабодо бир гузар,  
Ташлаб анга лутфан назар, чўл бағрини бустон қилур,  
Тезроқ кел, эй сел офати, ғам уйи — дилин қил хароб,  
Токайгача бу хонадан ғам менга қасди жон қилур.  
Ҳар бир ғазалда шунчалик Жомий жигардан қон тўкар,  
Бир кун келар, девонда қон денгизи вулқон қилур.

Ғамнинг қалбимда то тутмиши манзил,  
Бўлибди дилга шодлик йўли ботил.  
Ғажаклар ёр сочиди шунча кўпким,  
Санаб билмоқ уни гоятда мушким,  
Ўзинг дарёю ундан бахрасиз шайх,  
Не гавҳар этди у дарёдан хосил.  
Дилим бўлиши у жаллод кўз асирин,  
Уни жаллод этмиш бўйла бисмил.  
Сен ул маҳмилин карвон тўхтатиб тур,  
Бўлибмиш кўз ёшим йўлга мойил.

лик, (худди олтишгача ичмайман деб, сўзда турганлари наби) —  
— ўзар тиришқоқлин билан этганлари Кейин, бу киши ўтмишини гоят ёмон кўради ва ундан нафратланганда Октябрь инқилоби, Совет воқелигини чин эътиқоддан севди ва уни кўларга кўтарди. Ажаб, шундай одамнинг тарихчи бўлганини қаранг! Назаримда, шундай одамгина совет тарихчиси унвоинга сазовор!!!

Биз шу ерда Геннадий Гаврилович билан маслаҳатлашиб, бу кишини «интересная личность» деган фикрга келдик ва у киши, тавсия каттаков расмини журналга тавсия қилнишга қарор бердик. Геннадий Гаврилович бу фикрни у кишига айтган эди. Мулло Эркиев бунни мамнуунат билан кабул қилди ва эртаси севат биларда университетда расмга тушадиган бўлди: оқ кўйлак, қора костюм киийиб келадилар.

Лекин эртаси ўша маҳалда бизни кўришлари ҳамон қайралаб куддилар:

— Кеча сизлар билан хайрлашгандан бўён бир нарсанин йўқотгандек бўламан. Бугун ишга келадиганимда ҳам ўйладим, тополмадим!

У кишининг эғиди кечаги жигардан костюм ва қора шерсть кўйлак бор эди...

Бизни кечқурун севат олтига уйларига таклиф қилди. Геннадий Гаврилович у кишининг уйларида тожик ва ўзбек қони аралашган олти яшар неварасини кўриб, у билан расмга тушишини сўради.

Менда яна яхши таассурот қолдирган кишилардан бири Тожики радиосининг директори (фамилиясини сўрашга тортиндим) Раҳматулла ака бўлди. Бу киши тожикчани қондоқ ширин гапирса, русчани ҳам шундоқ яхши гапираркан — бир неча йил рус мактабиди рус адабиётидан дарс берган эканлар. У кишининг шахсий «Москвич»да Халқ кўчаллиги йотуқчиси виставкасини бориб кўрдик. Афсуски, виставка ремонтда экан...

Виставанин жойлашган ўрни ёқди. Тўрт тараф кўфдагидек ну-

риниб туради. Биз борганда, қор аралаш совуқ шамол эсаётганди, астарсиз чарм пальтомда соқотдим, шундай бўлса-да, машина ёнида туриб, Раҳматулла аканинг сўнги гапларигагина эшитдим:

— Душанбенинг битта зўр фазилати бор-да, Шунуружон, — деди у киши, — бу ерда ҳаво қишин-ёзин алмашибиб туради. Қаранг тоқча. Ҳаво шаҳардан тоқча қараб ўрлайди, тоғдан эса бу иссиқ ҳаво устидан сақин ҳаво тушиб келаверида...

Кейин яна бир гап айтдилар:

— Баҳорда айниқса чиroyли бўлади бу ерлар. Тасаввур қилинг: кув тушдан оғган маҳал. Бирдан устигини булут қоплайди. Лекин кўёш қиздирапти қиллаб. Шунда бирданига шатир-шутур жала кўйиб қолди. Лекин барибир сизни кўёш қиздираверида. Қаёққа қочшингини билмаймиш: совқотаётганингни ҳам, иссиқлаб кетаётганингни ҳам билмаймиш... Ғалати! Мана Душанбеда яшаётганимга 37 йил бўлди. Ўттиз етти йилдан бери бу манзарага ҳайрон бўламан.

Шундан кейин Раҳматулла ака наридаги арчазор, баланд тепаликни кўрсатди:

— Мана шу машҳур мактаб-интернатимиз. Бу ерда олти ойлин чақалонин ҳам, ўн етти яшар ўмирин ҳам кўрасиз.

Бу мактаб-интернат ҳақида Тошкентдаги муҳарриримиз Иброҳим Раҳимдан ашитган эдим. «Борайлик», дедим. Айланма, сўмоқсимон асфальт йўлдан чиқиб бордик.

Нима десам бўлади: бу масканни кўриб, фақат ҳайрон бўлдим ва ишонгим келмади. Бу ер бир вақтлар «дача» бўлган экан, у ёғини ўзингиз тасаввур қилмаверинг... Арча, арча, арча! Қор босган гулзорлар, гулзорлар, гулзорлар... Гузал хибоблар. Шоҳона иморатлар... Ўртада интернатинг кичкина «Хайвонот боғи» ҳам бор экан. Қарасда бир жуфт пахмоқ айиқ дўрсиллаб юрибди. Нариди маймуни бизга махфий бир гап айтмоқчидай қараб турибди. Ундан нарида ёвойи эчкилар... Товуслар...

Холу хат жонимга роҳат — жон фидолардир — булар,  
Еки жоним офати жабуру жафолардир — булар?  
Нега изларсан дилимдан тоқату ақлу хирад,  
Сен туфайли ҳаммаси дилдан жудолардир — булар.  
Кўзларинг минг фитна кўзгадди аё эй, дилрабо,  
Айтчи, қандай фитнагар, ношонолардир — булар?  
Ҳамма оламнинг баҳосин сенга қўйса кам эрур,  
Чунки ҳар бир тола сочинга баҳолардир — булар.  
Қанча ҳам қилсан жафою жабр, фарёд этмағум,  
Негаки, сендек гўзалдан хуш вафолардир — булар.  
Тўлдирибди манзилниги оҳу-афшондан тутун,  
Оҳ, кимлар қалбдан чиққан қаролардир — булар?  
Аввали айтдингиз бўлай Жомийнинг қатли раво,  
Сўнг эса қайтингиз сўзиндан, нораволардир — булар.

Йўлида кўз тутар эдим, ул моҳ келмади,  
Жон кетди, лекин дилбарни дилхоҳ келмади.  
Мен жабрдиди арз учун қуттиму бирон,  
Арзим сўрагга бир йўли ул шоҳ келмади.  
Кўзлар эдим нигор кўйидан ғуборини,  
Лутф этмади сабою у, эвоҳ келмади...  
Тиғинг ҳаловатин на билур беҳабар киши,  
Бу — анга кимки бўлмаса огоҳ келмади.  
Тикдим либос ҳусну жамолингизни васфига,  
Мос тушди қоматингаю кўтоҳ келмади.  
Азм этмадим шаҳид кишилар мазорига,  
Ишқинг шаҳиди тупрогидан оҳ келмади.  
Жомийга бўлса жому маю, ридлик — шу бас,  
Тақво йўлига чунки бу гумроҳ келмади.

ВАСФНИ таржимаси.

Афсуски, биз хоналарни айланиб кўрмадик: директориям, унинг ёрдамчисиям йўқ экан.

Лекин бошқа 1-хореография мактаб-интернати бор экан, бунинг яхши томоша қилди ва менинг интернатлар ҳақидаги тасаввурим бобиди Фавкуллода бугунги кун шанба эди, биз улар кутмаганда бориб қолдик. Уни тасвирлаб ўтириш қийин, ҳам негадир ҳаф. Уни бориб кўриш керак. Мана, бир неча фантлар:

— Нимага ечпасан? — деб сўрадим.

— Бу кутубхона, — деди у. Ишонасими!

Биз ҳам туғлиларимизни ечиб кирдик. Бу кичкина фант менга қаттиқ таъсир қилди! Бу нима ўйи?... Наҳотки китобга шунчалик ҳурмат?! Наҳотки китоблар турадиган уйга пойфалзда кирилмаса? Наҳотки, қадимий ва буюк халқларимизнинг китобдеги ҳар бир ҳарфга, ҳар бир сўзга эътиқоди, чўкур ҳурмати шу кунлар, да ҳам... сақланаётган бўлса?! Ажаб...

Кейин, биз синфларни кўрдик. Ҳар бир доска ёнида чинни «тоғора» ва водопровод жуьраги турибди: доскага бўрда ёзган ўқуқчи жойига ўтиришдан олдин кўлини ювади.

Бу интернатда 1500 талаба бор. Интернат майдонда ҳар қабсининг ўзи экан дарахти бор. Мактабининг илмий бўлим мудирин Галина Димитровна ўнучиларнинг савияси, интизоми ҳақида сўзлаб, шундай латифанамо нарсани ҳикоя қилди:

Она тили дарсида бир ўқувчидан ўқитувчи дарак гапни айтишсини сўрапти. У ўрнидан туриб: «Богимиздан гул уздим» депти. Шунда унинг ёнидаги шериги сапчиб туриб: «Директорга айтаман» депти.

Хотирамга ўрнашиб қолган манзаралардан яна бири «Айний боғи» бўлди. Бу боғ шаҳарнинг шимолида, энг баланд ерда жойлашган Катта дарвозадан киргач,

баланд узун ишком тагидан йўл кетади. Ўрта гулзор Гулзор ўрта, сида тўрт қатор ёш-ёш ниҳолларни кўрдим. Уларнинг барглари кўм кўм ва арчаниқидан нозик эди.

— Нима булар?  
— Сарв дарахти, — деди шеригим. — Ҳозир Душанбеда жуда қўлайтириляпти.

Кейин ишком орқасида Айнийнинг жигаранг мармардан ишланган қабри қаршисида турдик. Кейин, шеригим «Дўстлик кибони» деб аталмиш йўлга бошладим. Йўлнинг ҳар инкала ёнида ёш, навиқрон чинорлар саф чеккан эди. Ҳар чинор тагида ёзув: «Хиндистон делегацияси», «Мали республикаси делегацияси», «Англия ёшлар делегацияси», «Каммерун...» Кейин ҳамроҳим қайтишда битта чинор тагида тўхтади. Тагида «1960 йил. Ўзбекистон делегацияси» деб ёзилган эди. Бу чинорни Гафур Гуломимиз эккан экан. Мирзо Турсунзода ниҳолни ушлаб турган, Гафуримиз тагига тўпроқ торган экан...

Мен нимагадир яқин, қондош бир нарсани кўргандек чинорга тикилдим. Чинор ҳақиқатан ҳам навиқрон, баргиси шохлари қаңқайиб, осмонга интилиб турар эди. Нимагадир эсимга Гафур аканинг сўнги бор кўрганим: шинининг почаси туғлиси устига тушгани кўйи... зинадан чиқиб борётгани келди. Нимагадир, Гафур ака билан бу чинор орасида бир ўқашлик изалдим. Тополмадим... Лекин қандайдир бир символни сезгандек бўлдим: унинг асарлари, урушгача ва уруш давридаги асарлигига ўхшайди бу чинор.

— Чинор нечага қиради?  
— Мингга, унда ҳам кўпга.

Бўш вақтларда Душанбе магистраларини томоша қилдик. Тошкентга нисбатан мўлк-кўчлилик экан.

Кўчалар Тошкентдагичалик гавжум эмас ва шовинг-сурон ҳам кам. Шаҳар кичкина бўлса яхши экан дедим-да...

Январнинг ўртаси, 1968 йил.




Тоҷикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, СССР Педагогика  
Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, тарих фанлари доктори  
Мулло Эркаев невараси билан.

Г. ГРАФКИН фотоси.



Ленинобод шоҳи тўқиш комбинатида тўқилган маҳсулотлар намунаси.



Душанбе Давлат педагогика институту.

Хўжанд райондаги Умжи қишлоғи маркази. Рў-парада — колхоз маданият саройи.  
Л. ОКУНЕВ фотолари.



Тожиқ халқи ҳаётда шоҳи на гилам тўқиш алоҳида ўрин тутади. Унинг қўли гул ҳунармандлари жило берган ранго-ранг шоҳи-атласлар ҳамма ерда мақталади.

Сиз суратда кўриб турган юз хил товланувчи атласлар Ленинобод шоҳи комбинатининг қўлинг дард кўрмагур усталари диди, маҳорати маҳсулидир. Бу шоҳиларнинг гули, ранги кўзни қамаштиради.

Чандаги сурат ҳам Ленинободда олинган. Бу ердаги гилам тў-

қиш фабрикаси мамлакатдаги йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг майни, чиройли, арзон гиламлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳам жуда кўп хонадонларини чўғдай безатиб турибди. Тожиқ йигит-қизлари бугун мураккаб дастоҳларни бошқариб, оғир қўл меҳнатини енгиллаштиряптилар.

Биз бу атласу шоҳиларга, ипақдек майни гиламларга ҳавас билан тикиламиз ва беихтиёр:  
— Устасига балли, деймиз.

Ленинобод гилам тўқиш фабрикасида.  
Д. СИМЧЕНКО фотолари.





### НОРАК ПАҲЛАВОНЛАРИ

Рассом А. Пономарев бу расмда Тожикистоннинг улкан қурилиши — Норақ бунёдкорлари меҳнатини акс эттиради. Ҳар бир чехрада жиддийлик, айни пайтда — оддийлик сезилади. Норақ паҳлавонлари рассом талқинида жуда жонли, меҳнатсевар бўлиб чиққан.



### ТўНҒИЧ АВЛОД ЖАСОРАТИ

Истеъодли тожик рассоми А. Ҳайдаров ушбу сурада Тожикистонда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унинг душманларига қарши кураш даврини тасвирлайди. Рассом уни «Командир Афзалӣ» деб номлаб, унда икки дунё кишиларининг ички ҳолатини кўрсатишга уринган.

## ГУНАФША

Гунафшажон, гуллар барноси  
Қор остидан кўтарибсан бош,  
Шортмабимдинг аёз жафосин,  
Берармисан совуңда бардош.

Сенинг фаслинг олисда ҳали,  
Оппоқ кўрпа тўшамин боғинг,  
Гулхоналар гуллардан холи  
Танҳоликка шайланган чоғинг.

Гўзал гулнинг кўпдир шайдоси,  
Мафтун этдинг мени ҳам, гўзал,  
Гўзал гулнинг кўпдир гавгоси,  
Билгин буни яшайдан аввал.

Жудо қилсам сени гулзордан  
Хушбўйингдан ором ола жон.  
Хабар олиб нел дед ёрдан  
Сени этсам ёрга армуғон,

Эгинангдан чиқмасин қарор  
Мен ҳам сени, сен мени эсла,  
Адашмагин йўлингдан зинҳор  
Шамол билан олисга эсма.

Ерни кўрсанг келтирма калом,  
Ишқ тилида йўқ асло иншо,  
Мендан сира этмагил салом,  
Юрак дардим айлама ошно.

Сени балки кўнсига тақар,  
Сенга атаб тўңир куй, кўшини,  
Юрагига балки ўт ёнар,  
Олов бўлиб ёнса зора ишқ!

Эҳтиёт қил, ammo гул юзинг,  
Эҳтиёт қил япроғингни, гул,  
Ер дардида адоман ўзим,  
Менинг каби куйиб бўлма, кул...

## БОЙЧЕЧАК

Илғай-илғай тарновларни тарк айлади муз.  
Ва эриниб дарёларга ўридан жилди.  
Ғолиблигин табиатга этгандай кўз-кўз,  
Илк бойчечак сиймосида навбахор кулди.

Ўлмас ЖАМОЛ

Боки РАҲИМЗОДА

## БИР ИЛТИМОС

Раҳм айламай, мендан нари гузар қилдинг,  
Менга боқмай ўзга ёққа назар қилдинг.  
Кўзларингга зарурими кўзойнак,  
Еки менинг кўзларимдан ҳазар қилдинг?  
Дилимга боқ, агар бўлса бемалол,  
Бир илтимос, ойнагингни кўздан ол!  
Шаҳримиз боғ, бағри ҳаммага манзур,  
Ҳар томонга файзли, роҳат келтирур.  
Кўзларингга интизордир кўзларим,  
Кўзойнакни тақиб юриш не зарур?  
Дилимга боқ, агар бўлса бемалол,  
Бир илтимос, ойнагингни кўздан ол!  
Кўча-кўйлар соя-салқин, биларсан,  
Кўзларингга келтирмайди ҳеч зарар.  
Кўзойнакни тақиб юриш не зарур,  
Кўзларингни очиб келгин эй дилбар?  
Дилимга боқ, агар бўлса бемалол,  
Бир илтимос, ойнагингни кўздан ол!  
Бу сеҳрли, жозибали кўзлардан  
Бехабарга ўхшайди у ойнакос.  
Кўзойнакни тақиб юриш не зарур?  
Кўзларингни очсанг эди қандай соз.  
Дилимга боқ, агар бўлса бемалол,  
Бир илтимос, ойнагингни кўздан ол!  
Агар асар ёзишнинг истасанг,  
Ўғувчининг юрагини этай шод.  
Кўзга олма кўзойнакни ҳеч қачон,  
Илтифот эт, бахтли бўлгин умрбод!  
Дилимга боқ, агар бўлса бемалол,  
Бир илтимос, ойнагингни кўздан ол!

НАЗАРМАТ таржимаси.

Алишер Навоий «Маҳбул қулуб» номли асарига ҳар мамлакатнинг ободлиги, фаровонлиги, кучу қудрати, маданияти, тараққиёти, зебу зийнати, қадру қиммати, нозу неъматини, маҳоратли меҳнаткаш деҳқонлар ва миришкор боғbonлар билан тақомиллашади, деб деҳқонлар зикрида бундай дейди: «Деҳқонки дона сочар, ер йиртмоқ била ризқ йўлин очар. Агар тўғрилиқ ва салоҳи бор хонадоида тўқлик лайлу наҳор. Олам маъмурлиги андин ва олам аҳлининг масурлиги андин. Ҳар томонга қилсалар ҳаракат, элга қут еткурур ҳам баракат. Ҳар деҳқонки, тузлик ила уруғ сочар, куз фаслида бирига юз эшинин очар», деб шундай тавсифу тавозелар билан улар мақтовига қанча-қанча саҳифалар бахш этади.

Алишер Навоий мамлакатнинг ободонлиги учун жонбозлик билан жасорат қилиб, канал қазиб, сув келтирди. Мадрасаларга ривож берди. Ўзи ҳам катта мадраса бино қилиб, турли фанлардан дарсликлар киргизди. Талабаларга етарли вақфлар тайин қилди. Замонасига кўра унинг таъбирларидан юту улус анча обод бўлди. Илмий ишлар ҳам олдига босиб борди. Атрофдаги шаҳру қишлоқлардан ёш талабалар ва етуқ олимлар, шоирлар, бинокорлар, нажкорлар, хатотлар, бастакорлар, хушвоз ҳофизлар, наққошлар ва бошқа хунармандлар келишиб, Навоийнинг ёрдами билан ўз хунарларини кўрсатиб, ободонликка ҳисса қўшиб, ҳар томондан ишга киришдилар. Лекин жоҳирият замони бўлгани учун манманлик, мансабпарастлик, қарама-қаршилик авжига чиқиб, ҳосидлар томонидан фитна-фасод қўзғовчи ғаламислар иғвоси бу зотнинг самимий мақсадларига ров бўлиб, юзага чиқишида кўп тўсиқлар тортиди. Охир ўзининг «Ҳамса» номли китобида «Фарҳоду Ширин» достонининг баҳонаси билан афсона тарзда ҳикоя бошлаб, нозик табиат Фарҳод учун тўрт фаслга мослаб, тўрт қаср барпо қилишни маслаҳат кўрди. Турли мамлакатлардан мутахассис хунармандлар келтириб кўзгин иш бошлади. Муҳандислар тўрт фасл учун тўрт боғ тарҳини туздилар. Боний — метъор, Қоран — тош кесувчи. Мони — наққош ва рессом. Бу усталар болта-теша ясаб, юзлаб-минглаб ишчилар билан тоғда тошларни кесиб, чангу тўзон ичида ишлаётганларни шаҳзода Фарҳод томоша қилиб келиб, Қоран тошин лойдек кесиб турганини кўрди. Бу устага ажабланиб тўхтаб қолди. Шунда Қорандан тош кесаётган асбобларнинг сугорини силларини сўради. Уста ҳақ шаҳзодавинг талабини қондириб яширин таълим берди. Сўнг ҳазинани айланиб, томоша қилиб, бир ажойиб сандиққа кўзи тушди. Бу сандиқнинг ички сирини билиш учун очиб, ойнаи жаҳонни кўрди. Ойнада арман мамлакатни кўриниб, жафокаш Фарҳоднинг кўз олдида соҳибжамол Ширин намоён бўлди. Бу гўзалликда ягона даврон бўлган Шириннинг шўришли ишқи муҳаббатига мафтун бўлиб, арман мамлакатига йўл олди. Бундай иш офати бўлган, хатарли сафарда учраган даҳшатли машаққатларни енгиб, Арман тоғига етиб борди. Бу тоғда огирдан-огир меҳнат билан тоғ қазиб турган, бир қанча меҳ-

## ҲАБИБИ

# Навоий ва аҳли деҳқон

наткашларга дуч келди. Фарҳод бу меҳнат сабабини сўради. Булар шул тоғ этагиди Ширин учун бир боғ тузиб, айнул ҳаёт чапмасидан сув келтирамиз, деб жавоб бердилар. Фарҳод ўзини маъсадга етгандек ҳис қилиб Қорандан ўрганган хунар устида бундай деди:

Хунарни асрабон неткумдир охир  
Олиб тупроққаму кеткумдир охир.

Ишчиларнинг кўлига жавоб бериб, қолганлари билан болта-теша метинларни Қоран кўрсатгандек сугориб баҳодирона иш бошлади. Бу севинчли воқеадан Моҳинбону билан Ширин хабар топиб, шул йигитни кўриш иштиёқида отланишиб, иш устига келдилар. Буларни кўрган Фарҳод, кучига куч қўшилиб, иш яна ҳам жиддийлашиб, тоғ этагиди боғ учун белгиланган жойдаги бир катта тошни қавлаб бир қаср ясади. Бунда Монийдан ўрганган наққошлик ва рессомлик хунарини ишлатиб, Ширин билан ўзининг расмини чеқди. Яна бир тош ҳовуз ҳам ясади. Ариқ номи «Баҳрунажод» бўлди. Устоз Навоийнинг келгуси авлодларга ишорат қилиб, афсона тарзда ёзиб қолдирган бундай асарлари Совет ҳокимияти барпо бўлгандагина ҳақиқатга айланди. Дарҳақиқат мана энди билимларвар Совет ҳокимиятининг раҳбарлиги ва тарбияси билан совет халқлари ҳар соҳада ажойиб мўъжизалар яратмоқдалар. Ужарлик билан ҳақиқир кўроқларини бузиб беғойда ўтиб ётган ваҳший Сирии жиловлаб, ҳосил беролмай ташналикда қовжираб ўлик ҳисобида ётган бир қанча бепоён чўлу биёбонларга минглаб Фарҳодлар чиқиб, тоғларни кесиб, Фарҳод келтирган айнул ҳаёт суви каби шифобахш сувлар келтириб, жон бағишлаб, тиргизиб минг-миглаб нақшин қасрлар ва Шириннинг хушманзара боғи каби боғу бўстонлар туздилар. Яна тўхтовсиз тузмоқдалар.

Устоз Юсулов номидаги катта Фаргона канали. Тошкент Шимолий канали, Мирзачўл ва бошқаларни кўрайлик.

Ширин боғидаги ҳовуз каби бир қанча катта ҳовузлар ишланди. Каттақўрғон, Иосон ва бошқа жойларда. Ҳозир ҳар бир хонадонда Фарҳод кўрган ойнаи жаҳонни кўриб турибмиз.

Илму фан қудрати билан ҳар соҳадаги ишлар машиналашди. Жумладан, обод бўлаётган поёвнис чўлларда, бир қанча кишилар қиладиган деҳқончилик ишларининг бугун турли машиналар билан бир киши бажармоқда. Қўш ҳўкиз, омонч-бўйинтуруқлар ишлатилмай қолди. Меҳнаткаш баҳсдир деҳқонларимиз хоҳ колхозда, хоҳ совхозда бўлсин кимёвий усуллари кўллаб, эртапишар пахтадан ҳар йили кўп ҳосил олмақдалар, бу шарафли меҳнат самаралари инсон учун ички-ташқи хушбичим кийимлар бўляпти.

Ҳақиқатшунос Алишер Навоий бу меҳнаткашлар тоифасига энг юксак баҳо бериб, ҳақоний мадҳу тавсиф қилганларини ҳар ким ҳам инсоф кўзи билан қараса ер юзиди яшовчи инсонлар ва ҳайвонларнинг ризқу рўзлари ва нақшин бинолари ва шул жаннатнишон мамлакатимизнинг ободлиги, фаровонлиги, тантанали тўйлари, фарахбахш базму суҳбатлари ва бошқа маросимларида ҳам дастурхонларнинг олижаноб безаги бўлган хилма-хил нозу неъматлари, айниқса дунёга машҳур меҳмондўстликлари, фахру-гурурлари, шул олимҳиммат, сазхий, дилкаш лобар деҳқон, боғbonларнинг пешона терлари билан унган баракали маҳсулотлардир.

# ДОГИСТОНИМ

**ЕН ДАФТАРДАН.** Шеър осон ёзилса, қийин ўқилади. Аксинча, қийнади ёзилган шеърни ўқиш осон бўлади. Мазмун ва шакл — инсон ва унинг кийими. Агар инсон чиндан оқил, хушфезъл, чиройли бўлса, нега энди ўзига лойиқ кўркам кийинмасин? Чиройли кўриниши бор одам, нега энди чиройли фикрларга эга бўлмасин?

Чиройли хотинлар кўпинча ақлсиз бўлади ва, аксинча, ақли тўлиқ хотинлар хунук бўлади.

Лекин шундай бахтли аёллар ҳам борки, уларда ҳам хусн мукамал ҳам ақл равшан. Чинакам иқтидорли шоирларнинг китобини ана ўшанақа аёлларга ўқатиш мумкин.

**МААЛИДАН ЧИҚҚАН БИР ДОНИШМАНД АЙТГАН.** «Овулимизга келайтган одам доводда кўриниши билан унинг яхши ёки ёмон одамлигини биламан».

**КУБАЧИДАН ЧИҚҚАН БОШҚА ДОНИШМАНД АЙТГАН.** «Олтин билан кумушнинг ўзи ҳечнарсасиз эмас. Муҳими устаснинг қўли олтин бўлсин».

Энг соз, мунаққаш кўза  
Оддий лойдан ясалур.  
Шундай, энг оддий сўзлар —  
Биринчи шеър яралур.

Кўзадаги ёзув.

Мен ёруғ дунёда ўн беш минг кундан кўпроқ яшадим. Минглаб чақирим йўллари ўтдим, минглаб одамларни кўрдим. Таассуротларим худди баҳор тошқинида оқиб тушган жилгалардай беҳисоб. Китоб ёзиш учун мен бу жилгаларни бир катта оқимга бирлаштиришим керак. Бунинг учун нима қилишим керак? Ҳаёт мактабидан бошқа яна қандай мактабни ўтишим керак? Адабиёт назариясини ўрганами? Ахир, шеърни қандай ёзишни ўйлагандан кўра шеърнинг ўзини ёзган маъқул эмасми?

Айтмоқчиманки, адабиётда мен севадиган оқим ёки мактаб йўқ, мен севадиган ёзувчи ва шоирлар бор.

**ЕН ДАФТАРДАН.** Адабиёт институтида бир авар йигитига домласи шундай савол берибди: реализм билан романтизмнинг фарқи нима? Студент бу ҳақда китобларда ёзилган гапни билмас экан шекилли, ўйлаб туриб шундай дебди:

— Вургутни бургут деса реализм бўлади, кўрозни бургут деса романтизм бўлади.

Домла роса қулибди ва элатимга зачёт қўйиб берибди.

Ўзим ҳақимда шуни айтмоқчиманки, мен адабиётга қадам қўйган кунимдан бошлаб отни от, эшакни эшак, кўрозни кўроз, йигитни йигит дейишга ўргандим.

**ЕН ДАФТАРДАН.** Робиндранат Тагорнинг анаси ҳам ёзувчи бўлиб, у ҳинд адабиётининг бенгал мактабига мансуб экан. Робиндранат эса ўзи бир мактаб эди.

Робиндранатнинг қалбига жаҳонда монанди йўқ бир қуш ошиён кўрган эди. У бу қушни санъат осмонига учирди ва ҳаммани лол қолдирди. Чунки бу қуш фақат унинг, Робиндранат Тагорнинг қуши эди.

Агар санъаткор учирган қуш бошқа қушларнинг галасига қўшилиб, улар ичда йўқ бўлиб кетса, демак санъаткор ҳақиқий санъаткор эмас. Демак унинг қуши хумоюн эмас, оддий чумчуқ.

Эркак кишининг ўза ўчоғи ва ўза олови бўлади. Вировнинг ўчоғига тиқилишган одам эртани, кечини бу ўчоқини тарк этини керак. Вировларнинг отига мингашман, фақат ўз отингизни мининг.

Адабиёт пандурга ўхшайди. ёзувчилар эса бу пандурнинг торлари. Ҳар битта тор ўз садосига эга. Торлар қўшилиб оҳанг пайдо қилади.

Авар пандурининг икки тори бўлади. Отамни авар адабиётининг пандурига учинчи тор қўшган дейишар эди.

Мен ҳам бу пандурга бир тор бўлишни, ўз садосига эга бўлган тор бўлишни истайман.

Бозордан кийик сотиб олиб, ўзим отдим, дейдиган овчиларга ўхшамасам дейман.

**БАЪЗАН ШУНДАЙ БУЛАДИ:** анави жарликда бир овчи кийик отибди, деган овоза тарқалади. Бошқа овчилар ҳам ёпирилиб ўша жарликка келади. Бу пайт ҳалиги овчи бошқа жарликда айиқ туради. Овчилар энди бу жарликка югуради. Улар бу ерда уймаланишиб турганда овчи бошқа жарликда қоплоннинг изига тушган бўлади... Энди айтинг, ҳақиқий овчи ким, ўзи мустақил ов қидиргани, ёки бировларнинг кетидан югуриб юргани? Бунақалар бировнинг қопқонига илганиган овни ўғирлашдан ҳам тап тормайдилар.

Булар менга баъзи ёзувчиларни эслатади. Менинг бир танишим Корней Иванович Чуковский билан танишгандан кейин Абутолибни билмаганиликка олди. Бунақа бўлиш яхши эмас.

Ирмоқ денгизга етиб борганда ҳам, бу мовий кенглик билан қўшилганда ҳам, ўзи тугилган тор орасидан тиниқ чашмани, ўзи босиб ўтган нотекис, қийин йўлни унутмаслик керак.

Ҳа, мен тоғ ирмоғиман. Мен ўз мавнаимни, ўз чашмамини севаман. Мен ўша кимсасиз, қоронғу жарликларни севаман. Чунки улардан оқиб ўтганман. Мен юксак қояларни севаман. Чунки улардан қайноқ шалолла бўлиб оғилганман.

Лекин бу менга фақат жарликлар бўлса бас, деганим эмас. Мен оқар эканман, демак, менинг қаршимда денгиз бор. Бу денгизнинг поёнисиз кенглигини ҳис қилибгина эмас, кўзим билан кўриб турибман.

Биргина мен эмас. Бутун Доғистон учун кейинги бирнеча ўн йил ичда олам ниҳоятда кенгайди. Бу давр ичда фақат мазоримиз эмас, дунё ҳақидаги тасаввуримиз ҳам кенгайди.

Мен авар шоириман. Лекин ўзимни фақат Аваристон ёки Доғистон олдида эмас, бутун мамлакатим олдида, балки бутун дунё олдида бурчли сезаман. Йигирманчи асрда бундан бошқача бўлиши мумкинми?

**ЕШЛИКДА ЭШИТГАНМ.** Мен дунёга келганимдан сўнг кўп ўтмай отам хизмат юзасидан Арардех овулига бориб турган, кейинроқ бизни ҳам кўчириб олиб кетган экан. Ойламининг бор мулки битта хуржинга жо бўлиб, унинг бир кўзида кийим-кечак, озин-овқат, товоқ-қошиқ ва китоблар, иккинчи кўзида мен эъламан.

Онам йўл толиқтириб орғиб қолибди. Менинг толемга биз кўчиб борган овулда яқинда чақалоги ўлган ёлғиз муштираф она бор экан. Ўша менга сийнасидан сўт бериб қобибди. Шундай қилиб арардехлик аёл менинг анагам, иккинчи онам бўлган экан.

Мен ҳаётим учун икки аёл олдида бурчлиман. Бу икки онам учун нимани қилсам кам. Фарзандлик қарзини узиш учун умрим етаркинми?

Буларнинг бири мени дунёга келтирган, бешгим устида тун кечалар бедор алла айтган. Иккинчиси мен ўлимга маҳкум бўлганимда ўзининг ҳаётбахш сийнасини тутган. сўт эмас, об-ҳаёт берган, мени ўлим сўқмоғидан олиб тириклик йўлига қўйган.

Халқимнинг ҳам, бу кичкина ватанимнинг ҳам, ёзган ҳар бир китобимнинг ҳам икки онаси бор.

Биринчи она — ионажон Доғистоним. Мен шу ерда туғилдим, шу ерда биринчи бор ўз она тилимда сўз ашитдим. Бу сўз менинг вужудимга ва қонимга сиғиди. Бу ерда мен ўза она тилимда биринчи қўшиқни эшитдим, ўзим биринчи кўшигимни айтдим. Бу ерда мен нонинг таъмини, сувнинг мазасини билдим. Тоғ тошлари оёқларимни қонатди, тор ирмоқлари жароҳатларимни ювиб, тоғ гилёҳари шифо бағишлади. Тоғликларда бир гап бор: оламда дард йўқчи, тоғ гилёҳаридан дармон топмасан.

Менинг иккинчи онам — буюк Россия, менинг иккинчи онам — Москва. У менга тарбия берди, кенг ҳаёт йўлига олиб чиқди, учмоққа қанот берди. Менга буюк оламнинг жамолани очди.

Мен иккала онам олдида мангу қарздорман. Менинг кулбам деворида Маҳмуд ва Пушкиннинг сурати осиглиқ, Петербургнинг оқ ойдин кечалари нафасини уфурган Блок китоби ичда авар тоғларидан терганим хушбўй чечакларнинг аллақанчаси бор.

Менинг икки онам — икки қанотим, икки қўлим, икки кўрар кўзим, икки қўшигим. Иккала онам менинг бошимни силади, керак бўлганда қулгоғимни чўзди. Иккала онам менинг пандуримга тор боғлади, ҳар бири биттадан тор берди. Улар мени елкаларига олиб баланд кўтардилар ва мен бу юксакдан поёнисиз оламни кўрдим. Вургутга қайси қаноти азиз? Иккаласи ҳам. Менга қайси онам табарруқ? Иккаласи ҳам.

Илгари тоғликлар барча дардини сув ва гилёҳ билан доловлаган. Улар табибларга ишongan. Лекин шунча табиблар ҳам бор эдикки, улар ҳақида ҳамон халқ кулиб гапирди. Бу табиблар бош оғринини қолдирши учун қора кўчор сўйдирар эди.

Ҳамма биладими, қора кўчорнинг гўшти бошқа қўйларнинг гўштинда хушбўй ва хуштаъм бўлади. Табиб насалнинг бошини кўчор терисига ўраб ўтқизиб қўлади да, гўштини қил қилиб жўнар эди.

Бунақа табибларни гапириб ўтирмаймиз. Халқнинг ҳақиқий табиблари, ҳанқимлари ҳам бор эди, албатта.

Отам Москвада, Кремль шифохонасида ётар эди. У бир кун Доғистоннинг суви ва гилёҳларини эслаб, Бುದрах чўққисидоги кичкина булоқдан сув келтиришимизни сўради.

Отамнинг сўзи ўғил учун қонун. Доғистонга келиб Бುದрах чўққисига тирмашиб, кўп қийинчиликлар билан отам айтган булоқни топдим.

Отам булоқ сувини ичиб анча енгил тортиди. Булоқ суви сабаб бўлди, ё ўша кундан бошлаб тайин қилишган чет эл дориси сабаб бўлдики, ҳар қалай отам соғайиб кетди.

Валки у чет элнинг доғистонданд ханқимлари топган дорининг ўзидан тузалмас. Валки у авар тоғларидоги булоқ сувининг ўзидан ҳам шифо тополмасди. Лекин буларнинг иккаласи қўшилди отамнинг дардига малҳам бўлди.

Адабиётда ҳам шундай бўлиши керак. Адабиётнинг манбаи — она дёнёр, она халқ, она тил. Лекин ҳақиқий ёзувчининг онги бундан ўз миллий доирасидан анча кенг. Унинг онгида, унинг қалбида умуминсоний ўйлар ва туйғулар туғиб қилади.

Йўлга чиққан ҳар одам  
Қуруқ чиқмас бегумон.  
Нон олади, шароб ҳам.  
Аммо азиз эй меҳмон,  
Тогларга йўл тутсанг гар  
Кел хурнинни тўлдирмай.  
Тог дилбари нон ёпар,  
Тог йигити тутар май.  
Йўлга чиққан ҳар одам  
Қуруқ чиқмас бегумон.  
Олар ўткир ханжар ҳам.  
Аммо азиз эй меҳмон,  
Ханжар тутма қўлингга,  
Ханжар сенга на дарнор?  
Душман чиқса йўлингга  
Бил, тоғлинда ханжар бор.  
Йўлга чиққан ҳар одам  
Қуруқ чиқмас бегумон.  
Олар йўлга қўшиқ ҳам.  
Эшит, азиз эй меҳмон  
Соз қўшиқча бой бу эл,  
Қуйлар бизда кўп, аммо —  
Қўшиқингни олиб нел,  
Қўшиқ керак доимо.

Ёзувчи — ҳақиқий ҳозир. У халқнинг асрлар давомида фойдаланган ғиёҳлари, дори-дармонларидан ҳам, жаҳоний илмнинг энг сўнгги кашфиёти бўлган муолижа воситаларидан ҳам баҳраманд бўлмоғи керак.

Ёзувчи — сафарга чиққан йўлчи. У ўзга юртларга йўл билар экан, қалбда ўз дёнёрнинг қўшиқларини олиб бормоғи ва, шу билан бирга, юрагидан ўзга халқнинг қўшиқларига ҳам жой топтоғи керак.

Бир халқ уни кузатади, бошқа халқ қаршилайди. Аммо ҳар бир халқнинг ўз қўшиғи бор.

Овулларимизга дастлаб лекторлар, докладчилар келган пайтларда Келаб овулида хотинлар номаҳрам юзимишни кўрмасин, деб саҳнага орқа қилиб ўтиришар эди. Лектордан кейин саҳнага хонанда чиқиб қўшиқ бошлагач, ҳақиқий хотинлар қўшиқча хурмат юзасидан ўзгариб ўтиришар, ҳатто юзларидан ниқобни ҳам олишар эди.

Онам бешигим устидан айтган қўшиқ бирор кун, бирор лаҳза қўлоғимдан нари кетмайди. Бу қўшиқ ҳамма қўшиқларимнинг бешиги. Бу қўшиқ мен ҳорғин бошимни қўйиқча ёстимин, мени жаҳон бўйлаб кездиргувчи аргумоғим. Бу қўшиқ ташна лабларим нитилган чашмам, менинг вужудимга ҳарорат бергувчи ўчоғим.

Лекин шу билан бирга Шукум деган болага ўхшамоқчи ҳам эмасман. Шукум деган бола тайлоқдай бўлиб онасини эмар экан. Бунақа болалар бизда «хўнз гавда, гавзоқ фаҳм» дейишэди.

Визинг давримизда нима кўп — анкета кўп. Умрим давомида неча юзлаб анкета тўлдирганман. Лекин бирорта анкетада «Ватанингни севасанми» деган савол йўқ.

Анкетага «СССР гражданиман» деб ёзишнинг ўзи етмайди, гражданд бўлиш керак. Анкетага «КПСС аъзосиман» деб ёзиш намлик қилади. КПСС аъзоси бўлиш керак. «Она тилим — аварча» деб ёзишнинг ўзи ол, бу тил онадай азиз ва муқаддас бўлмоғи керак. Мард бўлиб, она тилга содиқ қўлоғи керак.

Турли эл ўғлолари, менинг уйимда меҳмон бўлинг. Ўз қўшиқларингизни олиб келинг. Ака бўлиб, сингил бўлиб келинг. Қалбимда ҳаммангизга ўрин бор.

Илгарилари Хунзаҳга қайтган йигит бошқа миллат қизини отига мингаштириб келса одамлар унга нафрат билан қарар эдилар. Ҳозир бунга ўрганиб қолишган. Авар йигитининг бошқа халқ қизларига уйланиши бугун айб эмас, Фақат битта ниқоҳ, аёни севгисиз нигоҳ айб саналади.

Гулдаста қанча кўп хил гулдан йиғилса, шунча чиройли бўлади. Юлдуз қанча кўп бўлса, осмон шунча ёруғ бўлади. Камалик оламда бор бўлган ҳамма нурларни ўзига жамлагани билан гўзал.

Африкада мен аjoyиб бир гулни кўрдим. Унинг ҳар бир гулбарги ўзгача ранда. Ўзгача бўй таратади. Бундай қараганда таёёр гулдастанинг ўзи, лекин у битта гул.

Истардимки, аварча ёзилган бу китобни ўша аjoyиб Африка гулига ўхшасин. Ҳар бир халқ ундан ўзига яқин, кўнглига манзур рангини топа олсин.

Китоб ёзиш учун нима керак бўлса, ҳаммаси менинг қўшимда. Кубачининг устасидай ҳамма ускунама муҳайё. Устанинг олдига кумуш, тилла, аррача, болғача, андазалар турари. Менинг олдимида — она тилим, ҳаётий тажрибам, одамлар сиймоси, табиасти, қўшиқлар оҳангин, тарих мактаби, келажак туйғуси, севгим, юртим жамоли, отам хотираси, халқимнинг кечяги кунин ва эртаси... Булар менинг тилларим. Аммо менинг қўлим ҳам олтинмикор? Инчирдорим ва қобилиятим етармикин?

Қандай қилсам қўшиқларим сизга нафздан учирилган қўшдай етиб боради. Қандай қилсам, қўшиқларим қалбингизга ўз уйига киргандай кириб боради, кўнглингнизи севи ва севишга тўлдирари?

Ускуналаримни яна бир бор кўздан кечираман.

**ДЕЙДИЛАРКИ**, оти йўқ йигитнинг хотини талоқ бўлсин.

**ЯНА ДЕЙДИЛАРКИ**, отга урадиган эғари, савайдиган қамчиси бўлмаган йигитнинг ҳам хотини талоқ бўлсин.

**ДЕЙДИЛАРКИ**, бургутга хашак, эшакка гўшт берманг.

**ДЕЙДИЛАРКИ**, девори бақуваат бўлмаса келишган иморатлар ҳам йиқилади.

**ДЕЙДИЛАРКИ**, говуқ тушида бургут бўлганмиши, — қоядан парвоз етганим деб қанотидан айрилибди.

Ирмоқча тушида дарё бўлганмиши, қумликча тошиб чиқибди, ўша ернинг ўзида куриб қолибди.

## ТИЛ

Фақат йиглар, фақат кулар чақалоқ,  
Сабабин бировга айтолмас бироқ,  
Аммо айтиб берав вақт келиб бир кун  
Ўзи ким, дунёга келган не учун.

Бешиндаги ёзув.

Дунёда сўз бўлмаганда, у ҳозиргидай  
баркамол бўлмас эди.  
Дунё яралишдан юз аввал шоир туғилган.  
Тили билмай шеър ёзишга жазм қилган шоир  
сузишни билмай дарёга тушган тентанка ўхшайди.

Баъзилар мислига фирр келгани учун эмас, тили кичигани учун гапиривади. Баъзи шоирлар кўнглида бирор ҳис туғилгани учун эмас, балки... ким билди, нима учун шеър ёзишди? Уларнинг шеъри тери қопга солинган пуч ёнғоқдай шақиллашдан бошқага ярамайди.

Бундай одамлар бош кутариб атрофга қарамайди. Дунёда нима гаплар бўляпти, одамлар нима билан яшаяпти, олам қандай қўшиқларга, қандай оҳанг ва куйларга қўлоқ тутаяпти — бу билан уларнинг иши йўқ.

Одамзода инкита кўз, инкита қўлоқ, фақат битта тил берилган. Бир марта сўзламоқдан олдин икки марта кўрмоқ ва икки марта эшитмоқ керак.

Ўз ҳолича сўз йўқ. У ё қарғиш, ё олқиш, ё роҳат, ё азоб, ё гул, ё тупроқ, ё ҳақиқат, ё бўҳтон, ё нур, ё зулмат бўлади.

Халқимда азалдан бор шундай масал:  
Сўз билан яралган, дейдилар дунё.  
Бу сўз амр эдими ва ёки қасам,  
Ёки лаънатми, ёкики дуо?

Майли, дунё учун умримиз фидо,  
Унинг кўксидачи, сонсиз жароҳат,  
Шундай бир сўз беринг, лаънатни, дуо,  
Ё қасам. Дунёни кутқорсин фақат.

Менинг бир ошман шундай дерди: айтдиган сўзимга ўзим кўжаибман. Сўзимда туриш, турмаслик ҳам ўзимнинг ишим. Балки ошман учун бу гап кетар, лекин ёзувчи ўз эшитган ҳақиқий эгаси бўлмоғи керак. Лаънатининг ҳам, қасамининг ҳам эгаси бўлмоғи керак. Ёзувчи бир иш устидан икки марта қасам ичмайди. Умуман, қасамхўрдан яхшилик чиқмайди.

Бу китобим гилам бўлса, мен уни авар тилининг рангин ипақларидан тўқийман, китобим нўстин бўлса, мен уни она тилимнинг чайир или билан тикчаман.

Қадимда авар гили жуذا қашшоқ бўлиб, санокчи сўзлардан иборат экан. Масалан, «ҳаёт», «озодлик», «мадрлик», «дўстлик», «эзгулик» сингари тушунчалар битта сўз билан ифода қилинар экан. Майли, бошқалар менинг она тилимни камбағал десин, лекин мен айтмоқчи бўлган гапимни ўз тилимда айта оламан. Фирримни, ҳис-туйғуларимни ифода қилиш учун бошқа тилдан сўз қидирмайман.

Догистонда лак деган кичик бир халқ бор. Лак тилида эллик мингга яқин одам гапирари. Анингн айтиш қийин, чунки ҳали она тилини ўрганмаган гўдаклар ҳам, отасининг тилини унутган катталар ҳам бор.

Лаклар ўзи кичкина халқ бўлса ҳам уларни дунёнинг ҳамма бурчагидан учратиш мумкин. Толоқ ерининг нуғумсизлиги уларнинг жаҳон бўйлаб саргардон бўлишига сабаб бўлган. Уларнинг ҳаммаси аjoyиб ҳунварманд одамлар бўлган: бири қосиб, бири заргар, бири мисгар, бири хиллари қўшиқ айтиб дунё кезиб юрган. Догистонликларда бир гап бор: «Тарвуз сўйсанг, эҳтиёт бўлиб сўй, ичидан лак чиқиб қолмасин», дейишади.

**ДЕЙДИЛАРКИ**, Москвадами, Ленинграддами, хуллас қатта шаҳарлардан бирида сайр қилиб юрган бир лак, Догистон кийимиди одамга дуч келиб қолибди. Юртдошини учратганидан севиноб, икки оғиз гап-лашмоқчи бўлибди-да, ҳақиқий догистонликнинг олдига келиб, лак тилида салом берибди. Догистонлик бош тебратиб тураверибди. Лак қўмиқча, татча, лагича гапириб қўрибди. Лекин ҳамюрти бир оғиз сўзини ҳам тушунмабди. Охири русчага қўчишибди. Маълум бўлишича, ҳақиқий догистонлик авар экан. Авар лакин сўкиб кетибди.

— Аварчани билмасанг, қанақа догистонлик бўдинг? Сен догистонлик эмас, бефаҳм туя экансан.

Мен бу баҳсада ўз элатимни ёқламайман. Бечора лакин бунчалик хафа қилиш нурунин. Негаки, догистонликларнинг ҳаммаси аварчани билмиш шарт эмас, Муҳимни — ўз она тилини билсин. Лак ҳам ўз тилини билган. Вунинг устига яна бир-икки догистон тилларида ҳам гапирган. Ваҳоланки, авар у тилларнинг бирортасига ҳам тушунмаган.

**АБУТОЛИП**, Москвада меҳмон бўлиб турган вақти экан. Бир кунни кўчада ниманидир сўрамоқчи бўлиб бир йўловчини тўхтабди. Ҳарчандай, чайқов безорини сурчигирмоқчи бўлганди. Абутолиб тўхтаган ҳалиги одам инглиз экан. Москва кўчаларида чет эллик оз дейсизми.

Инглиз Абутолибининг сўзига тушунмай, олдин инглизча, кейин французча, кейин испанча, кейин немисча қилиб нима демоқчилигини сўрабди.

Абутолиб ҳам унга аввал русча, кейин лагича, кейин аварча, кейин лагича, кейин даргинча, кейин қўмиқча қилиб тушунтирмоқчи бўлибди.

Хуллас, инқиласан ҳам бир-бирини тушунмай хайрлашишибди. Бу воқеани эшитиб, инглизча тўртта сўзни билладиган ўта маданиятли бир ўртоқ Абутолибга таъна қилиб шундай дебди:

— Мана кўрдингми, Абутолиб бироз маданиятроқ бўлганингда инглиз билан гаплаша олган бўлардинг.

— Тўғри, — дебди Абутолиб — лекин инглиз маданиятли бўлса нега мен гапирган шунча тилдан биттасини ҳам тушунмади?

(Давоми бор).

Аммо бу имтиҳондан ўтиш Аҳмадбек учун ҳам осон эмас эди. Муҳаммадмурод иккинчи марта зўр урганда, кўз олди қоронғилашди, гўё саданинг хира гум-баз бир тарафга қулади, юзлаб қора-қизил доврачалар кўз олдида айлана бошлади.

Иккинчи сафар ҳам бирор натижага эриша олмаган Муҳаммадмурод ғазаб билан фарёд чекди:

— Бу ишинг мақр, ҳаром! Сен тур, мен ўтираман қимирлатолсанг, қойил қоламан.

Аҳмадбек ўрнидан турди. Кека хирмон қоровули Муҳаммадмуроднинг шовқинидап уйғониб кетди. «Ким у? У ерда нима қилаяписизлар?» дея ҳассасини судраб келди.

— Назар ака, бу мен, Аҳмадман,— қарияни тинчитди полвон ва сал эғлиброқ Муҳаммадмуродга деди:— оёқларингиз мана бу телачага тирагин.

Муҳаммадмурод дурустроқ ўрнашиб олиб, томоғини бир-икки қариб олди-да, сўнг қўлини Аҳмадбекка узатди. Аҳмадбек унинг қишлоқ жин кўчасида қилган ўзбошимчалигини эслаб, кўлларини қаттиқ қисди, аста-секин олдига тортиб, гавдасини ердан ва сада танасидан ажратиб, ўрнидан тургазиб қўйди.

— Бу ким, Аҳмад? Бу ерда нима қилаяписизлар? — дея сўради қоровул ударнинг тепасига келиб.

Муҳаммадмуроднинг кўзлари энди мошдай очилганди.

— Яна бир марта турғиз, ака, илтимос,— деди у. Ҳақиқатда ҳам унинг сўзларидан илтимос оҳанглари сезилиб турарди.

Иккинчи дафъада Аҳмадбек гўё катта қонни бир бурчагидан кўтариб отгандек, ёш полвоннинг гавдасини бир зарб билан тортиб, бошқа томонга силтаб ташлади.

Муҳаммадмурод бир-икки қадам нарида арабг тўхтаб қолди. У энди мутлақо ўзга-риб кетганди. Ғазабдан илпилаб нафас олар, тишларини яғирлатар эди.

Ниҳоят Муҳаммадмуродни кека қоровул таниб, дашном бера бошлади:

— Худоб бўйнинг узилсин, ношукур соғир. Хе, худо беҳабар, бошқа одам топиладими?! Келиб-қелиб Аҳмадбекнинг ёқасига ёпишибсан? Ҳа, муттаҳам, отанинг қабрида...

Шу пайт бир воқеа рўй бердики, мўйсафиднинг ҳуши бошидан учди, таъна дашномлари оғзида қолди.

— Йўқ! — бор кучи билан наъра урди Муҳаммадмурод. Унинг наъраси шунчалик даҳшатли эдики, Ванжобнинг нариги қирғоғи, ҳатто Тега тоғ этакларига етиб, акс садо берди. — Йўқ! — яна бонг урди ёш полвон. Сен мен билан ҳалол курашсан.

Шундай дедию, бир сакраб Аҳмадбекнинг белига чағ солди. У иккинчи қўлини полвон камаридан ўтказишга улгурмаган ҳам эди, Аҳмадбек чаққонлик билан ўзини ростлаб, Муҳаммадмуроднинг белидан ушлади ва бир тиззасини сал эгиб, ёш полвоннинг гавдасини бошига даст кўтариб олди. Кўтардию, боши узра айлантира берди. Айланиб, аста-секин хирмонга яқинлашди.

Кека посбон бу манзарани кўриб ҳангманг бўлиб қолди. Ҳассасини кўтариб нимадир демоқчи бўлдию, айтолмади. Ниҳоят, ҳассасини ерга дўқиллатиб, қарғай бошлади:



Расми Т. МУҲАММЕДОВ чизган.

да 888 ўқувчи бор эди, ҳар бир ўқувчига йилга 2,2 тийин сарфланарди. Ҳозир шаҳримизда педагогика институти, қишлоқ ҳўжалиги техникуми, музика билим юрти, медицина техникуми, тўқимачилик техникуми ва бошқа махсус ўқув юртиларидан ташқари 47 та умумий таълим мактаби, битта мактаб-интернат, ўнча ишчи ёшлар кечми мактаби бор. Қарийб 50 миң ўқувчи таълим олаётли.

Область соғлиқни сақлаш бошқармасининг мудир Узебекистон ССРда хизмат кўрсатган врач НОСИРО ШАРИПОВ:

— Иқтидорли илгари шаҳарда битта фельдшер бор эди, Ҳозир 600 га яқин врач, 1600 дан ортиқ ўрта малакали медицина ходими ишлаётли. Наманган шаҳрининг медицина соҳасидаги муваффақиятлари АҚШда намоёниш қилинганда бизнинг ютуқларимизга америкаликлар ҳам қойил қолишди. Саид Хужаевич Маҳмудов, Камолхон Содиқов, Мўйдин Акрамов, Зайниддин Муродов, Тамара Холхужаева, Анас Иброҳимов, Шила Петровна Бондарева сингари медицина ходимларини ҳамма ҳўрмат қилади.

Наманган шаҳрининг онахони, меҳнатқашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси МЕЛИҲОН ИБРОҲИМОВА:

— Наманган областининг ташкил қилиниши жуда улўз иш бўлди. Шаҳар троллейбус линияси, Кўчон—Наманган газопровод қуриштирилди бошланди. «Ором» меҳмонхонаси, Ленин проспектида янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Шаҳар марказий Советлар саройи, уч қаватли савдо бинолари қурилди. Шаҳримизнинг жамоли тобора очилaveraди.

Область партия комитети биносига кирдим. Наманган область халқининг, Наманган коммунистларининг юраги, жанговар штаби шу ерга жойлашган. Область партия комитетининг котибларини, область комсомол комитетининг ходимларини, область ижроия комитетининг маъсул ходимларини ҳамма нарса қизиқтиради. Улар, оддий тил билан айтганда, аҳолининг ипидан игнасиғача бўлган ҳамма нарсаси билан қизиқадилар.

Янги муаззам корхоналар қурилишини тезлаштириш керак.

Бу йил область камида 370 миң тонна пахта топшириши зарур. Бу деган сўз ҳосилдорлик гекар бошига 30 центнердан ортиб кетади, деган маънони билдиради.

Катта Наманган каналининг қурилиши миңмиң гекар майдонларни пахтазор, бог қилиш имконини беради.

Область партия комитетининг секретари ҲАКИМ ПУЛАТОВ:

— Меҳнатқашлар Партия, Ҳукуматимизнинг қарорини мамнуният билан қабул қилдилар. Коммунистлар ишчиларни, деҳқонларни, зиёдиларни буюк ишларга олгангирмоқдалар.

Халқ тўғрисида меҳрибонлик, халқ турмуш фаровонлигини яхшилаш учун кураш коммунистларнинг энг яхши муддаси, энг яхши нияти. Ҳозирданоқ колхозларнинг ҳар бир участкасида маданият ўчоғи, клуб, ҳаммом, йўл қуриш ҳақида, областнинг довругини ошириш, янги, ҳар қандай бақувват команда билан беллашадиган футбол командаси тузиш тўғрисида, ҳамма-ҳамма тўғрисида ўйлашмоқда.

Наманган нефти бўлоқлари буюк қудрат билан жўш уриши турган гап. Чортоқ санаторийсининг шўхрати янада ортади. Ҳаммадан ҳам Наманган пахтасининг довруги тилларда дoston бўлиши турган гап.

Наманганлилар, янги область деҳқонлари пахта билан, ноэ-неъматлари кўпайтириш билан ўз довругларини оширадилар. Виргина пахта ҳақида эмас, анорзор болларини, ёнғоқзорларни кўпайтириш ҳақида, баҳорги сел йўлини тўсиш тўғрисида ўйлаш керак. Машҳур Гирвон, Ровустон, Ирвадон анорзорлари кмавийб кетганлиги сир эмас. Анкирзорлар ҳам торашиб қолди. Шаҳар қишлоқларида шўхтут камдан-кам топилди. Машҳур рус ёзувчиси, Ленин мунофоти лауреати Леонид Леон «Рус ўрмони» романидаёқ Наманганда ҳам бошқа жойлардаги сингари ёнғоқ дарахтлари кесилиб кетаётганидан ташвиш тортган эди. Дарахтларни қулатаман деб болта кўтарган, арра кўтарган қишлоқларнинг қўлини маҳкам ушлаб қолиш пайти келди.

1968 йил Наманган учун ажойиб йил бўла-

ди — область янгидан қаддини кўтаради. 1953 йилда областда бор-йўғи уч киши Социалистик Меҳнат Қаҳрамони эди. Эндиликда биргина менинг ҳамқишлоқларимдан уч киши Қаҳрамон. Областда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари, кўрағига Олтин Юлдуз тақиймаган бўлса ҳам, чиннакам қаҳрамонликка арзийдиган кишилар кўп. Улар меҳнат билан шаҳар-қишлоқ жамолини очаяптилар.

Катта Наманган канали миң-миң гекарлаб ташна ерни сероб қилади. Сибирлик бир шоир Наманган шаҳрида аҳоли жон бошига ўн олти тупдан атиргул тўғри келганлигини эшитиб, шешъ ёзиб юборибди. Бу йил наманганликлар Чинор бағрамини ўтказадилар. Бу чинорларни 1868 йилда Зариф богдон Латиф ўғли ўтказган экан. Ана шу чинорларга ўша олихиммат одамнинг номи ёзиб қўйилди. Наманган маданият-истроҳат богига кирсангиз, «Гул узилмасин!» деган киши таъбиини хира қилувчи гапни ўқимайсиз. Аксинча, Ўзбекистон ССРда хизмат қарсатган агроном Абдуқаҳор ана Жалитов, унинг шоғирдлари гуллардан «УШ КЕЛИВСИЗ», «БОГИМИЗГА МАРҲАМАТ!» деган лавҳаларни ёзиб қўйишган. Жошли гуллардан улўз Ленин суратини чизишбдики, Владимир Ильич Ленин Наманган гулзорига, Наманган богига ниғоҳ ташлаб тургандек.

Қайноқ шаҳрим, бўлоқ шаҳрим, жўшқин шаҳрим, сокин шаҳрим, сени севаман, сенинг табаррук ерининг соғиниб, туپроғининг кўзимга сурғали келдим. Ҳаётбахш офтобдан нур эмиб, камол топавер. Сенга аталган бу лавҳани отахон шоиримиз Гафур Гуломнинг 1936 йил июль кунлари Наманганда ёзган бир шешъри билан яқулламоқчиман:

Мунча ҳам чиройлисан, азиз

Ватаним,

Бодомдай миңг кўз билан севар

баданим,

Сенсан, аввал-охир сенсан севганим,

Жоним, юрак қоним, ҳатто шу танчим

бир бутун ҳолида бари сенки.

— Аҳмад, илоийм бошинг тошдан бўлсин! Бу бетамизнинг жазаси пу!

Аҳмадбек Муҳаммадмуродни сомон ичига итқиди. Сунгра сада олдиға қайтиб, ниманидир қидираётгандек ҳайрат билан тўрт томонға қаради. Гўё яқин-орада бир қанча одам бирданиға хўштак чалаётгандек туюлди унга. У қотиб турганча қўлоқларини маҳкам беркитди. Шундагина нимадир мянсада хўштак чалаётганини билди. Юрагининг гул-гул уриши пасая бўриб, хўштак овози ҳам аста-аста ғойиб бўлди.

— Ма, яхна ичиб ол!

Кекеса посбон қора чойдишини унга узатди. Аҳмадбек бир-икки култур чой ичга, сомон уюми томон ўтирилди.

— У қаёққа кетди?

— Паста тушиб кетди. У менинг невараянним бўлади. Унинг ҳам биласанку, Аҳмад. Лекин сендан миннатдорман. Бопладинг лаянати.— Қария ҳассасини дўқиллатиб узоқлашди.

Ҳамон битта-яримта чигирткалар беҳафсала чириллайди. Тўйхона томондан ҳеч садо эшитилмади. Ялғиз, янчалган сомон ҳиди Аҳмадбекиннг димоғига урилади.

Дарё кирғидаги катта харсанг устида орқасини ўтирганича Муҳаммадмурод ўтирарди.

— Яна йнғлайди-я, тентак!— деди мўйсафид.— Муттаҳам!

Муҳаммадмурод ўрнидан туриб, кўйлагини еча бошлади. Аҳмадбек қария билан хайрлашиб қишлоққа жўнади. «Чўмилса, ўзига келади. Ванжоб суви хосиятли», кўнглидан ўтказди йўлакай.

Ҳамиджон ХОМИДОВ  
Ўзбекчалаштирган.



Февраль ойининг ўрталарида Тошкентга Ҳиндистоннинг Читр шахридаги Кала Сангам ширкати жамиятининг таниқли ёзувчиси Яю-пала жаноблари бошчилигидаги вакиллари келган эди. Вакилларга қўшилиб келган Деҳли шахрининг мэри Хане Рож Гупта жаноблари чет эллар билан алоқа қилувчи Ўзбекистон дўстлик жамиятига Лазъл Баҳодир Шастрининг бронзадан ясалган ҳайкалини топширди. Бу ёдгорлик Ҳиндистон хунуматининг Ўзбекистон хунуматига совғасидир. Ҳайкал Шастри ўз умрининг сўнги дақиқаларини кечирган жойга ўрнатилди.

Чет эллар билан алоқа қилувчи Ўзбекистон дўстлик жамиятининг мажлислар залида ушбу қимматли совғани топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Бу маросим совет-ҳинд халқларининг дўстлиги, ҳамкорлиги, биродарлигининг яна бир намоёнишига айланди.

Доктор Пандей РОЖ МАНИ.

## ШАСТРИ ХОТИРАСИ



Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи бўлиб ўтди. Республикаимиз бу йил давлатга 4 миллион 100 минг тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилди.

Аму-Бухоро машина каналининг иккинчи навбати келаси йилдан қурилад бошлайди. Унинг узунлиги—220 километр (биринчисидан 40 километр ортиқ).

# СУМАЛАК

Утган сонда Наврўз байрами ҳақидаги мақолада сумалан деган таом тайёрлаш одати тўғрисида ҳам муаммавроқ гапириш керак эди, чунки Сумалак сайли, Наврўз байрамининг ажралмас қисми, ўша билан боғлиқ бўлган аъна. Бироқ, мақоланинг ҳажми бунга имкон бермаганлигидан қатъи назар, умуман, Сумалак сайлини диний маросим деб ўйловчилар кўп бўлганини учун ҳам бу тўғрисида алоҳида мақола ёзишни лозим кўраман.

1955—1958 йиллари «Ўзбек таомлари» нитобининг русча нашрини тайёрлашимиз давомида оппонентларим шу китобга киритилган сумалан таомига қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Улар ушбу таомнинг «диний таом» эканлигини пеш қилдилар. Алнабо, таом ҳам диний бўладими? Дин бу дунёғар, ижтимоий онг шанилиқ, таом эса! Ахир, сумалан еган одам ҳам диндор бўлиб қоладими?!

Хавтима учраган шу мисолни нелтиришдан мақсад бўлди, биз халқнинг нимагини урф-одати бор экан, унга дарҳол «диний» деган муҳр босиб қўйолмасдан, чунку мулоҳаза ва илмий текшириш олиб боришимиз жоиз.

Кейинги текширишлар не натижа беришдан қатъи назар, шуни айтишимиз керакки, Сумалак сайлини диндорлар ўйлаб чиқарган эмас, балки у халқ инқидири. Маросимнинг нечиш жаравни, қондалари ва сумалан рецепти ҳамда тайёрлаш технологияси шундан даран берадими, бу нарса аср-асрлар давомида турмушнинг узда текширилиб, тасдиқланиб қолган бир аъназадир. Демак, бу маросимни диний дейиш фаросатсизлик бўлур эди, холос.

Сумалик исломдан анча илгари келиб чиққан қадимий таом. Уни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган одатлар ибтидоий йиғим-теримчиликнинг деҳқончиликка алмашган пайтларида ёки жамиятнинг ёввойилиндан варварликка ўтиш давларидаги урф-одатларга ўхшашлиги яққол сезилиб туради.

Чунони, сумалан тайёрлаш учун кераклик бўлғой хар бир хонадан ёки хўжалиқдан ҳарифона усулида тўплаб олинади. Бу — б о ш

лангич коллективчилик белгилари.

Сўнгра, ушбу таомни тайёрлашда ёлғиз аёллар иштирок этишадди. Бу — матриархат даврининг белгилари.

Хуллас, сумалан умумий қозонда кўпчилик учун пиширилиб, тайёр таом барчага, ҳатто, ҳисса қўшмаганларга ҳам баробар тақсимланади. Бу — иқтисодий биргаллик белгилари.

Мана шу ҳол Сумалак сайли маросимини даин эмас, балки ибтидоий коммунизм муҳри бор эканлигидан дарак беради. Сумалак сайлининг Наврўз байрами билан алоқадорлигини кўрсатувчи омил шуки, бу таом фақат баҳорда, мартнинг иккинчи яри ва апрелнинг бошларида тайёрланиши мумкин. Диний бўлганда, у диний солномага биноан айланиб, йилнинг ҳар фаслида келаберар эди. Унинг фақат баҳорда тайёрланишига: доннинг униб чиқиши (привозиячи) учун зарур бўлган ҳаво ҳароратининг муътадиллиги сабаб бўлади.

Қўлимизда «Сумалакнинг муқаддаслиги» тўғрисида ёзилган қанча китоб ҳам бор, бунда сумалак тайёрлаш технологияси шеърый мисраларда баён этилган бўлиб, уни қандайдир Биби Сешанба исмли афсонавий кампир ўйлаб чиқарган, деган сафсатлар ёзилган. Чамамда, ислом истилочилари халқнинг оммавий маросимларини диний қобичқа ўраш мақсадида ва одам гавжум жойларда (Сумалак сайлида ёшу ҳар гавжум бўлади) шарнат тарғиботини нуқайтириб юборган бўлсалар керак. Кейинчалик, сумалакнинг «табарруклик» тўғрисида ривоятлар тўғиб, сумалак сайли маросимининг келиб чиқишини миллий эмас, диний эканлигини исботлаган бўлсалар керак. Аслида сумалак сайли маросими исломни тарқатган арабларнинг узда йўқ Европа, Африка қитъаларидаги, Ҳиндистон, Поинистон, Индонезияда яшовчи мусулмонларнинг бирортасида ҳам шун одат йўқ.


Сумалак сайли ўзбек, тожин қирғиз, озарбайжон, афғон ва эрон халқларидагина бор. Демак, буну Урта Осиё халқларининг қадимдан бўён одат бўлиб келаётган наъси, қончили маросими десан бўлади.

Бионимёгар олимларимиз бу таомнинг таркибиде карамелга айланган шаклар моддаси, оксил, фойдали явҳарлар ва дармондори мавжудлигини аниқлаганлар. Сумалакда айнаиса инсон учун энг керакли С белгили дармондори мўлдил. Ушбу моддалар тўғрисида сумалакни кашф этган қадимий деҳқонларда ҳеч қандай тасаввур ҳам бўлмаган, албатта. Бироқ, таомнинг фойдалилигини узоқ даврлар эмпирик тажрибаларга асосланиб билиб олган халқ, уни йилнинг боши—баҳорда, Наврўзда тайёрлашни лозим толган. Сабоби, баҳорда янги сабзавот ва мевалар бўлмайди, саиланганлариде эса инсон учун зарур моддалар, айнаиса дармондори жуда намайиб кетади. Қиш ва эрта баҳорда кўпроқ дармондориси таомлар ейишга тўғри келганлиги учун ҳам одам ниммонлашди ва аъзолари турли дардларга шу фаслларда кўпроқ чапирадиган бўлиб қолади. Сумалак эрта баҳорда бўлғой ўсимтасидан тайёрланадиган бўлган учун сабзавот ва мевалар пилшунга қадар дармондори талаб бўлиб қолган аъзоларимизни яхши қондирадиган бирдан-бир парҳез ва ноёб таомдир. 1936 йилда немис олимларидан Эванс ва Эмерсон бўлғой ўсимтасини текшириб, унда то н о ф е р о л деб аталувчи модда ҳам борлигини аниқладилар. Бу микранг, ёғсимон илашимлик модда — Е белгили дармондоридир. Мазкур модда фақат ёғда эрияди, явҳарлар таъсирида ҳам, кучли олов таъсирида ҳам, емирилмайди. Тониферол ёки Е дармондориси 170 даража ҳароратда ўз кучини сақлаб қолади, сумалак эса 120—130 даража ҳароратда пилшади. Бир нисо бўлғой ўсимтасини янчиб 300 халқаро дори ўлчов билригиде Е белгили дармондори хосил қилиш мумкинлиги кучи аниқланган. Бу дармондорининг шифолик қачи илдизи деб аталувчи женшенга баробардир.

Демак ҳар йили баҳорда, Наврўз байрамида сумалак тайёрлаб истезмол қилишини ситҳ-саломатлик учун ҳам аҳамияти натта экан. Сумалакни қандай тайёрлашни атай ёзмадим, у муътабар қарияларимизнинг эсида турибди.

Карим МАХМУДОВ.

Эллар-элатлар



Ҳўжад районидаги Унхў кишлоғи чойхонасида.

Сентябрь кўёши оламга мусаффо нур сочади. Кўм-кўк ўрмонлар. Атроф сокин ва кўркам. Бир гуруҳ ўзбекистонлик сайёҳлар тушган поезд СССР давлат чегараларида. Биз оз-фуратга бўлса ҳам ўз элимиз билан хайрлашиб, Италия сари йўл олгандик. Брестда бир оз тўхтаймиз. Сўнг поезд яна йўлга чиқади.

Мана Буг дарёси. Чегара белгилари. Поезд Польша Халқ Республикаси ерига кириб келди. Биринчи манзил Тереспол станцияси. Навбатдаги чегарачилар тафтиши тез ўтди. Йўлда давом этамиз. Атроф бепоён дала. Асосий экинлар: лавлаги, картошка, чорва яйраб ўтлайдиган яйловлар. Ўрмонлар, Белоруссия ўрмонларини эслатади. У ён бу ёнда, далада ишлаётган деҳқонлар кўзга ташланади. Далалар ўртасида деҳқонларнинг уйлари...

Польша пойтахти Варшава тўғрисида кўп эшитганмиз ва ўқиганмиз. Варш ва Саъванинг қизгин ёшлик севгиси ва унинг фожияна тақдири тўғрисидаги эрта асосида ишланган фильм ҳам ёдимизда. Улар умрининг охири дамида бир-бирини қақриб қолган эдилар. Варш—Саъва, Варш—Саъва... Энди бу нидолар катта бир мамлакатнинг улуг пойтахтига — Варшава ном бўлиб қолди.

Гитлеризм Варшавани йўқ қилиб ташламоқчи бўлган эди. Аммо гитлерчи жаллодларнинг ўзи йўқ бўлиб кетди. Социалистик Польшанинг муҳташам пойтахти Варшава харобалар чангидан юзини ювиб, чиройини очди ва социализмнинг яратувчилик қудратини намоён этиб мағрур қад кўтариб турмоқда...

Тонг отгунгача Польша еридан чиқиб Чехословакияга ўтамиз. Бутун тун бўйи Чехословакияни ҳам ўтиб, эргаси куни Австрияга келамиз. Демак бир кечада уч мамлакат чегарасидан ўтлади. Энди кўзингиз уйқуга кетганда купе эшиги тақиллайди. «Марҳамат қилиб паспортингизни кўрсатинг». Тақ этиб печат босилади. «Раҳмат». Польша чегарасидан ўтдингиз. Сал туриб яна шу аҳвол такрорланади. Уч тўрт соат ўтгач, яна тақ-тақ Чехословакия чегарасидан ўтиб, Австрияга кирмоқдасиз. Поезд анча тўхтабди. Энди социалистик лагер билан капиталистик лагер чегарасига етиб келдик. Австрияга киришмиш билан биринчи катта поезд анча тўхтабди. Граждан костюми кийган, кўкрагида катта юмалоқ «Бундестолия» значоғи тақилган киши келиб паспортларни сўрайди. Визаларни синчиклаб текширади. Тэк этиб печат босилади. «Раҳмат». У киши навбатдаги купе эшиги олдида тўхтабди. У немис тилида, биз рус тилида гапирамиз. Аммо ҳар биримиз бир-биримизни яхши тушунамиз. «Полиция», «паспорт», «виза», «турист» сўзлари ҳамма тилда бир хил жаранглайди.

Поезд йўлга тушади. Энди Венани ошқиб кутмоқдамиз. Вена. Бу номин қапчалар эшитган эдик. «Баҳорги вальс» фильмида бу шаҳарни кўрган, Штраус, Вена ўрмони деган номлар студентлик йилларидаёқ бизни мафтун этган эди. Бехтнёр Гафур Ғулмоннинг унутилмас мисралари ёдимга келади:

Музыка бешиги Штраус ватани,  
Оҳанглр бозори қадим Венада  
Динора янгради Ўзбекинг қалбини  
Рубойи ҳиссини пианинода.

Эндиги манзил Италия. Поезд секин-аста тоғ йўлларида айлана-айлана юзориға кўтарилди боради. Туунеллар тез-тез вагонга қоронғулик туширади. Тоғлар кўм-кўк ўрмонлар билан қопланган. Тоғ дарёлари ва кўллар тез-тез учрай боради. Темир йўлнинг чап томонида катта кўл. Қирғоғида меҳмонхоналар жойлашган. Бу ер ҳозир курорт райони. Иккинчи жаҳон

урушининг охирида гитлерчилар ўзларининг махфий ҳужжатларини шу кўлга чўктирган энанлар. Қидирувлар ҳозирча натижа бергани йўқ.

Темир йўл бўйида кичикроқ бир кўлга кўринади. Унда шинамгина бир пристань. Бир-икки қайиқ.

Москва — Рим вагонининг проводниги жуда кўпни кўрган одам. У бизга шу кўлчани кўрсатиб дейди:

Бу бир миллиардчи бойнинг хусусий кўли. Бу ерда ундан бошқа одам чўмилиши, ёки балиқ овлаши мумкин эмас.

Во ажабо, хусусий кўл? Бу қанақаси бўлди. Кўз очиб фақат умум манфаати учун, умум мулки ичиде яшаган одамлар... — бизга хусусий кўл деган сўз бегона туюлади. Аммо кейинчалик хусусий жой, хусусий кўприк, ҳатто хусусий ороллари ҳам кўришга тўғри келиб қолди.

Поезд Австрия-Италия чегарасидан ўтиб Тарвизио станциясида тўхтабди. Бу Италия еридаги биринчи манзил.

Вокзалда меҳмондўст мезбонларимизнинг биринчи эътибори намоён қилинди. Иккита катта аравачаларда маҳаллий ресторан эгаси бизга нонушта ҳозирлаган. Шунинг вагонга келтиридилар. Венеция етгунча бемалол етди. Поезд йўлга тушади.

Эндиги манзил Венеция. Бу шаҳарда уч кун турамыз.

ИТАЛИЯ  
ТААССУРОТЛАРИ

Азиз ҚАЮМОВ,  
филология фанлари доктори

Венеция

Венеция шаҳарига 14 сентябрь куни кечга томон етиб келдик. «Национал» меҳмонхонасига жойлашдик.

Бу шаҳарнинг энг асосий хусусияти шундаки, у оролларда жойлашган. Кўчалар ўрнига шу ороллари бир-бирига улоччи каналлар бор. Шаҳар транспорти шу каналларда юрадиган катер ва қайиқлардан иборат. Шаҳарнинг қоқ ўртасидан уни иккига бўлиб «Катта канал» ўтади. Бу каналда пассажир ташувчи катерлар қатнайди. Яна сон-саноксиз қайиқлар юради. Ҳар бир уйнинг остонаси тўғри каналга келиб тушади. «Катта канал» шаҳарнинг асосий магистралдиги. Унинг узунлиги 3.800 метр, чуқурлиги 4—5 метр келади. Барча кичик каналлар шу катта каналга келиб қўшилади. Уйларнинг эшиги олдида уй эгасининг ҳолатига қараб қайиқлар турлади. Вадавлат кишиларнинг уйи олдида моторли қайиқлар. Ёки усти ёпиқ кичик катерча, улар учун махсус ўрнатилган пристаньча. Оддий кишиларнинг уйи олдида гондола — узун оддий қайиқлар каналга ўрнатилган ёғочларга арқон билан боғлаб қўйилган. Канал бўлмади оддий йўлакдан иборат кўчалар ҳам бор. Уларнинг кенглиги икки-уч мердан иборат, баъзилари бир метрли. Улардан бир киши арағи ўтади. Уша кўчаларнинг баъзилари илгари канал бўлган. Сўнг каналнинг устидан плиталар ётқизилиб кўча қилинган. Шаҳарнинг асосий майдони Муқаддас Марк майдони ҳам денгиз устига ётқизилган плиталардан иборат.

Венеция шаҳари сувга қўйилган поялар устига қўрилган. Муқаддас Марк майдон

Мўмин ҚАНОАТ

ГУЛ СОТУВЧИ ЧОЛ

Хув Ваэроб тоғини кўринг ёз пайти,  
Гул сотар нуруний чолга ўхшайди:  
Бенасам чопонин елкага гашлар,  
Кўк шоҳи қийиғи белида яшнар,  
Оқ салта ялтарар мағрур бошида,  
Гул сават қулф урар унинг қошида.

Ўлмас ЖАМОЛ таржимаси.

Гулчехра СУЛАЙМОНОВА

ГУЛ

Кўклам гули, эй заъфарон гул,  
Заъфарон гул, эй кўклам гул.  
Тилларанг гул, нури осмон гул,  
Сен қўёшнинг худди кокили.

Айт, саргайдинг нима туфайли?  
Ишкда сенми менга тақдирдош?!  
Кўкламга сен чирой бер, майли,  
Ким айб қўяр сенга, тақдирдош!?

Сен бир гулки, беозор, содда,  
Сен билан ҳам кўклам билинди.  
Менга эса боқма ҳайратда,  
У келмади... келмайди энди.

Омон МУХТОР таржимаси.

ни бир миллиондан ортиқ под устида турди. Аммо плиталар орасида кичик-кичик тешиклар қолдирилган. Денгизда сув кўпайганда ўша тешиклардан сув чиқиб бутун майдон кўлга айланади. Шунда махсус тахта йўқлар устида юрилади.

Венеция шаҳаридаги уйлар асосан мармар ва тоғ жинсларидан иборат плиталардан қурилган. Варабир захлик уларда сезилиб туради. Кўп иморатларнинг биринчи қаватлари яшаш учун нуқолай. Ҳоҳ денгизда сув кўпайганда кўп уйларни сув босади. Бултур сув босганда кўпгина уйларнинг биринчи қаватлари сув остида қолиб кетган.

Шаҳардаги иморатлар жуда муҳташам ва мустаҳкам. Шаҳар илгариги Венеция республикасининг буюклиги, иқтисодий иқтидоридан нишондир. Осий, Европа ва Африка қитъаларининг учрашадиган асосий савдо маркази Венеция бўлган. У жаҳон бозори сифатида ном чиқарган. Ҳозир ҳам у бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб қиладиган шаҳар. Бу ерда 160 миң аҳоли яшайди. Улар ҳар йили миллионлаб сайёҳларни қабул қиладилар. Шаҳар кўчалари бошидан обғиғача дўконлар билан тўлган. Бу дўконларда турли-туман товарлар лиқ-лиқ. Лекин харид қилувчилар жуда кам. Булар қандайд савдо қилади, қачон бу товарларни сотиб улгуради, кишининг ақли бовар қилмайди. Шаҳарнинг қоқ ўртасида катта бозор. У ерда мева-чевалар, гўшт, тирик бадиқларгача ҳамма нарса бор. Ҳар қаламда оқватланш учун хизмат қиладиган кичик ресторанчалар, ошоналар, кофе, пиво сотадиган дўконлар. Улар олдига тартиб билан териб қўйилган стол ва стуллар озода шинам, лекин ҳеч ким йўқ.

Муқаддас Марк майдонида эса одам қайнайд. Катта майдоннинг тўрт томони муҳташам иморатлар билан ўралган. Улардан энг қадимийси Марк собори 1094 йил Византия услубида қурилган. Майдоннинг тўрида Наполеон Венецияни ишғол этганидан сўнг қурилган иморат бор, ўнг томонидан иморатда илгари шаҳар ҳокимияти жойлашган эди. Ҳозир бу иморатлар музей.

Муқаддас Марк майдонида юксак минора 1912 йили тикланган. Бу минора жуда узоқлардан кўриниб туради ва муқаддас Марк майдонининг таркибий қисмига айланган кетган. Шунинг таъкидлаб ўтиш керакики, Венеция ва Италиянинг бошқа шаҳарларидаги ёдгорликлар кўпи бирдан қурилган эмас. Улар юз йиллаб қурилган, лекин бири-бирини давом эттирган ва ҳозир ягона ансамблини ташкил этади.

Муқаддас Марк майдонидаги собор XI асрда қурилган. Яна бир иморат XIX асрда, минора эса XX асрда қурилган. Лекин ҳозирда улар яхлит бир архитектура ансамблини ташкил этадилар. Худди шундай ҳоли Флоренция, Рим шаҳарларида ҳам кўридик.

Венеция республикасининг бошқариш органлари жойлашган иморат ҳам шаҳарнинг катта ёдгорликларидан ҳисобланади. Бу иморат машҳур расомлар, тасвирий санъатда Венеция мактабининг атоқли намояндаси Тициан, Тонторенто, Паул Веронизи, Андрео Палагиолар томонидан безалган. Жумладан Тициан томонидан ишланган шаҳар ҳокимининг крест олдида турган сурати, Тинторентонинг Ер, Ҳаво, Сув бирлигини ифодаловчи суратлари, Республика ҳукумати залиннинг шинга ишланган гўзал суратлар (автор Андрео Палагио) XVI аср Венеция тасвирий санъатининг энг яхши намуналаридандир.

Венеция республикасининг бошлигини «дож» деб атаганлар. У бир умрга сайлаб қўйилар эди, унинг олти вазири бўлган. Улар ҳар йили сайлаб қўйилар эди. Дож ўтирадиган залини расом Паул Веронизи беаган. У Венецияни гўзал аёл сифатида тасвирлайди. У денгиз устида океанлар худоси Нептун билан учрашган, Нептун (қора соқолли басавлат эрак). Венецияга чўқур ҳурмат ихпор этиб туришти. Венециянинг тўрт бошлигини Мадонна ва крест олдида турганларини тасвирловчи сурат ҳам шу расом қаламига оиндир. Суратларда республика ҳаётининг турли томонлари тасвирланган. Паул

Веронизи бир залда 1903 йили Эрондан келган элчиларнинг қабул маросимини тасвирлаган. Бошқа бир жойда Верон жангининг тасвири берилган. Яна ҳар бир зал ўз мавзуга қараб безалган. Масалан, суд залиннинг қабулхонасида Венециянинг адолат худоси билан учрашуви ифодаланган. Республика парламентининг зали XIII асрда қурилган. Унинг узунлиги 55 метр, кенлиги 27 метр, баландлиги (томгача) 16 метрдир.

Муқаддас Марк соборининг ташқи томондаги суратлари XII асрда ишланган. Муқаддас Марк Венеция шаҳарининг ҳимоачиси ҳисобланган. Денгиз бўйидаги уч катта минора унинг шарофига қурилган.

Майдонга катта соат ўрнатилган. Унинг зангини икки жангчи ҳайкали чалади. Соат неча бўлганини улар қўлларидаги тўқмоқ билан занг уриб билдирадилар.

Венеция республикаси даврида шаҳарда математиклар мактаби ташкил топган эди. Уни Муқаддас Жованни мактаби деб аталган ва 1480 йили ташкил этилган. Машҳур сайёҳ Марко Поло ҳам Венециянинг шуҳратига шухрат қўшган. Унинг Осий бўйлаб қилган саёҳатлари жаҳон тарихи фанида муҳим ўрин тутади. Марко Поло яшаган уй кичик Бранат театри яқинидадир. У ҳозир ҳам сақланган ва унга мемориал лавҳа ўрнатилган. Унинг ўзи эса Муқаддас Лоренс черковинида дафи этилган.

Венециядаги ҳайкаллар ичида Венециянинг ҳимоачи ва мухлислари Бартоломео Коллонийга ишлаган ҳайкаллар ҳам диққатни тортади. От устида ўтирган бу генералнинг ҳайкали катта маҳорат билан ишланган. Унинг автори скульптор ва расом Верроччиодир. Верроччио машҳур расом Леонардо да Винчининг устози эди. У ўз шогирдининг расм чиқишдаги маҳоратини кўриб расм санъати билан шуғулланишдан воз кечган ва скульптор сифатида танилган.

**16 сентябрь кунини шерикларим** Муқаддас Георг ороли ва черковини томоша қилишга кетишди. Мен шарқ музейини ва муқаддас Марк кутубхонасини кўришга бордим. Шарқ музейи катта каналнинг бўйида жойлашган. Лекин катер тўхтайдиган жойдан анча узоқда. Пристандан бошлаб, ҳар мулошишда «Ориенталистика музейи» деган стрелкага қараб бориб, ниҳоят топдим. Кичик бир канал кўприги тўғри музей ҳовлисига олиб қиради. Бир иморатда ҳам шарқ музейи, ҳам ҳозирги замон тасвирий санъат музейи жойлашган. Унинг адреси: **Понте де Ка Песаро 2075—2076.**

Музейдан чиқиб кутубхонага бордим. У Венециядаги Санта Марко кутубхонаси деб аталади. Каталог зали узун йўлакда жойлашган. Ойнали равоқ ортида унча катта бўлмаган кироатхона. Кироатхонанинг тўрида италян олимларидан бирининг ҳайкали ўрнатилган. Кироатхоналар узун стол атрофида олти кишидан бўлиб ўтиришипти. Столлар ўнғай, аммо анча эски Қора ридо кийган бир руҳоний билан ёнма-ён ўтириб, барча каталогларни қараб чиқиб, ҳеч нарса тополмадим. Менинг мақсадим Эрта Осий халқлари маданияти, тарихи, адабиётига оид бирор китоб бор-йўқлигини билиш эди.

Каталог залида бирор консультант йўқ. Шунинг учун навбатчига мурожаат қилиб, мақсадимни тushунтирдим. У ноидир асарлар бўлимининг бошлиғига рўбарў қилди. Ниҳоят хушмуомала бошлиқ менинг мақсадимга тushунди ва дарҳол шарқ кўл ёзмаларини каталогини қўлимга берди. Каталог қўлда ёзилган. Қўл ёзмаларининг илмий таърифи италян тилида қилинган. Хайриятки асарларнинг номи оригиналда ва транскрипцияда берилган экан. Кутубхонада форсий ва араб тилидаги қўл ёзмалар кўп эмас, аммо бор. Жумладан, «Юсуф ва Зулайҳо» достони, Саъдийнинг «Гулистон»и, Ҳофиз «Девон»и, Нахшабонийнинг «Тўтинома»си, Умар Хайём рубоийлари.

Қўл ёзмалар орасида тиббётга оид асарлар кўпроқ. Улар орасида Абу Али ибн Синонинг 1159 йили кўчирилган «Тиб қондалари» асари ҳам бор. Яна Абу Мансурнинг (1659 йил кўчиртилган) тибга оид асари, Махмуд бин Масъуд бин Аҳмад

бин Юсуфнинг тибга оид асари (1582) бор эди.

Умар Хайём рубоийлари ёзилган № 69 қўл ёзмини олдим. Ўша ерда ўтириб ўқидим. Рубоийлар жуда чиройли настъалик билан ёзилган. Қўл ёзмининг боши ва охири иллюстрациялар билан безалган. Шу қўл ёзмадан хотира учун қўйидаги рубоийни кўчириб, дафтаримга ёзиб олдим:

**Аз воқеа турй хабар ҳоқам қард  
Воиро баду ҳарфи мухтастар ҳоким қард  
Бо ишқи ту дархоқ фуру ҳо ҳам қард  
Бо меҳри ту сар зи хон бар ҳоқам қард**

**Маъноси:**  
Сени воқеадан хабардор этайин;  
Ва уни қисқа сўз билан баён қилайин;  
Сенинг ишқин билан тупроққа қираман,  
Сенинг меҳринг билан тупроқдан бош кўтараман.

Чин инсон учун қадрли бўлган шу ҳикмат бу қўл ёзмаларининг узоқ Венецияда ҳам азиз тутилшига боис бўлган.

16 сентябрь кунини мен кутубхонадан чиқиб, соат 13 да тушки овқатга етиб келдим. Овқатланиб келгач, мезбонимиз — Венеция томир йўл ходимлари касабаси союзининг котиби Ригомонти Фаустонинг ўзи бизни канал сари бошлади. Гуруҳимиз бошлиғи Зокир Мирраҳимов, Андижон педагогика институтининг доценти Бобо Ёқубов, Тошкент область касабаси союзулари советининг котиби Анатолий Васильевич Бурналов, биология фанлари кандидати Муҳаббатхон, врач Рима Тен. таржимонимиз ва мен иккита моторли қайиқга ўтириб, Венеция атрофини денгизда томоша қилишга жўнадик. Бизни мезбоннинг ўғли Петро ва унинг ўртоғи Ренато олиб борар эдилар.

Венециянинг рўбарўсида Мурано ороли бор. Унинг чор атрофи девор билан ўралган. Бу оролда қабристон жойлашган. Муранони узоқдан зиярат қилиб, унинг қаршисидаги Бурано оролига қараб йўл олдик. Орол каттагина, ўртасидан канал ўтади. Уйлар ва магазинлар бор. Аммо бу ерда одам жуда оз. Бир кичик дўкончада озгина пиво ичдик, сўнг канал ичра яна денгиз сари йўл олдик.

Бироздан сўнг қайиқлар кичик бир оролчага етишди. Бу ерда бир муҳташам уй, тезорар моторли қайиқ учун сув гаражи, кичиккина қайиқ келиб тўхтайдиган кўприкча бор. Қайиқларимиз ҳалиги кўприкча ёнидан ўтаётганда учта кичик кучуклар чиқиб, бизга қараб овозини борича приллаб бошлади.

— Бу хусусий орол — деди кузатувчимиз. Биз хусусий оролга тушмай, дарҳол орқага қайта бошладик.

Бир оздан сўнг кичик ва суви ниҳоятда тоза бир каналга кирдик. Унинг номи Виньоло экан. Тоқлари кўп бўлгани учун виноли жой маъносини шундай деб аталган. Оролда фақат йигирма оила яшайди. Виньолони айланиб ўтиб, Лидо ороли сари йўл олдик. Денгизда тезорар моторли қайиқлар учиб боради. Бизнинг қайиқларимиз улар очган тўқинларда қайилади. Бир оролнинг ёнидан ўтаётганимизда у ерда ҳарбий кишиларни кўрдик. Бу оролда НАТО ҳарбий қисмлари жойлашган экан.

Гўзал Лидо ороли узоқда намойиш бўлди. Бу ерда соҳил қўмилиши учун қўлай, юксак иморатлар, катта текис йўллар кўп, асосий истироҳатгоҳ шу Лидо ороли экан. Унинг қаршисида Санта Андреа, Вунда Санъед, Сал Элена, Сант Эразмо, ороллари кўриниб турипти. Рўбарўда Лидо ороли яқинида катта океан пароходи кўриди. Ўша ердан Адриатика денгизи бошланади — деди кузатувчимиз. Атроф кўм-кўк денгиз, суви енгил шабадада хиллерилади. Кун кеч бўла бошлагани учун биз Венецияга қайтишга қарор қилдик. Ярим соатлар чамасан йўл юриб каналдаги Муқаддас Марк майдонига енига етиб келдик ва қайта катта канал орқали ўзимиз тушган «Национал» меҳмонхонаси сари йўл олдик. Кечки овқатдан сўнг Ригомонти Фаусто, унинг рафиқаси, ўғли Петро, Петронинг ёш ва кўхликкина қайлиги, унинг акаси меҳмонхонага келиши. Улар бизни Италия компартиясининг марказий газетаси «Унига» байрамга таклиф этдилар.

(Давоми бор).

## Бу йил сув сероб бўладими?

Юртимизда баҳор қулф урмоқда. Далаларимизга файз кириб қолди. Деҳқон иш бошида. У пахта-сини ўйлапти. Пахта эса — сув билан тирик.

«Хўш, бу йил сув сероб бўладими? Деҳқонларимизга табиатнинг инъоми қалай?» — яқинда жамоатчи мухбиримиз Абдухалил Раззоқов шу савол билан Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати бошқармасининг бўлим бошлиги Екатерина Гирникка мурожаат қилди.

**ГИРНИК** — Текислик районларда бу йил ёгин-сочин кам, тоғларимизда кўп бўлади. Бу эса дарёлар учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Агар бу йилги қор-ёмғир миқдорини ўтган йил шу давр билан солиштирсак, Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон, Пошшаота, Косонсой ва Говасой ҳавзаларида нисбатан кўп, Чирчиқ ва Оҳангаронда ўшанча, бошқа ҳавзаларда эса ундан камроқ эканлиги кўринади. 70 га яқин об-ҳаво станциялари кузатишларининг натижаси шу. Умуман, бу йил ўтган йилга қараганда аҳвол яхшироқ.

Бу йил экинларнинг ўсиш пайтида, яъни апрель—сентябрь ойларида Норин, Қорадарё ва унинг ирмоқлари, Сирдарё ва Амударёда сувнинг миқдори нормадан паст (76—90 процент), бошқа барча дарёларда норма атрофида бўлади. Аммо кўпчилик дарёларда, масалан, Зарафшон, Сўх, Гузурдарё, Оқсув, Яккабоғдарё, Шоҳимардон ва бошқаларда сув бултургидан анча мўл бўлиши кутилади.

Хуллас, деҳқонларимиз бу йил сувдан ташвиш тортмасалар керак.

# 1968

7 август  
мусоҳабаси

## Бугдой билан сули „боласи“

Венгрияда қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтининг олими Аркад Кисс бугдой билан сулини чатиштириб, янги хил неъмат олди, уни «триникале» деб номлади. Янги хил дон сулига ўхшаб кетади, аммо ҳосили икки-уч хисса кўп — гектаридан 50 центнергача дон беради. Унда 18 процент оқсил моддаси бўлиб, нони бугдой ноиндан мазалироқ. Хуллас, триникале ўзини яратган бугдой ва сули билан рақобат қилса ютиб чиқди, лекин бир камчилиги бор — жуда баланд ўсади, уни машинада ўриш қийин. Мутахассислар бунинг учун ўқинаётганлари йўқ, триникале паст бўйли қилишнинг иложи бор, бироқ баланд ўсганини хашак учун ҳам фойдаланса бўлади.

## Беҳи таъмли олма

Беҳи ҳидли ва маза-ли. Вироқ уни ансар ҳолларда овқатга ишлатилади ёки пишириб ейилади. Асли ҳолида анча қаттиқ бўлади. Унинг бу камчилигини йўқотиш мақсадида Болгариянинг машҳур мевашунос олими Васил Панов беҳини олма билан чатиштирди. Ундан иккита чидамли гибрид олди. Янги нан мевада беҳи ва олманинг сифатлари бор: беҳининг мазаси-ю ҳиди, олманинг юмшоқлиги, ейишлилиги. Ҳар бир дона олма-беҳининг оғирлиги 500 граммгача етади.

«Сигирнинг сути тилида» деган мақол бор. Аммо Э. Коркорина ва бошқа ватандош мутахассисларнинг тадқиқотларига қараганда, сигирларнинг кўп-оз сут бериши уларнинг асабига ҳам боғлиқ экан. Тажрибалар шунни кўрсатадики, асаби мустаҳкам, ювош сигирлардан, асаби тез сигирларга нисбатан 25—27 процент кўп сут соғиб олинади. Асаби бузуқ сигирларни ёшлик чоғиданоқ аниқлаш мумкин бўлганидан бунақаларни фермага қўшиш-қўшмаслик чорасини кўрса бўлади.

## Сутнинг кўп-озлиги асабга боғлиқ

«Сигирнинг сути тилида» деган мақол бор. Аммо Э. Коркорина ва бошқа ватандош мутахассисларнинг тадқиқотларига қараганда, сигирларнинг кўп-оз сут бериши уларнинг асабига ҳам боғлиқ экан. Тажрибалар шунни кўрсатадики, асаби мустаҳкам, ювош сигирлардан, асаби тез сигирларга нисбатан 25—27 процент кўп сут соғиб олинади. Асаби бузуқ сигирларни ёшлик чоғиданоқ аниқлаш мумкин бўлганидан бунақаларни фермага қўшиш-қўшмаслик чорасини кўрса бўлади.

## Тутқич бермас „шайтон“

Лондонликлар кўп вақт ёз ойларида дера-

заларини очиб қолдиришга ҳавотирланиб янашди. Эпчил бир ўғри ҳеч қандай шоти-нар-вонсиз деворларга тирмашиб чиқиб, 62 марта ўғирлик қилди. Сеголанд-Ярд (яқинотчиларга қарши курашувчи ташиқилот маҳкамаси)да уни тутқич бермас Шайтон» деб номлашди. «Шайтон» баъзан ўғирликка кирган уйда ўзига таом пишириб ер, овқатланиб бўлгач, идиш-товоқларни ювиб қўйишни унутмасди. Эртани кечми ўғри барибир қўлга тушди, шу каби «Шайтон» ҳам қамоққа олинди У Марк Никсон деган одам экан. Яқингина бир овлинган бошлиғи бўлган бу одам, асли ўт учирш номландасида ишлаб, аъло хизматлари учун неча бор тақдирланган экан. Деворларга тирмашиб чиқишда унга тенги топилмас экан.

## Фойдани кўзлаганихтиро

Нью-Йорк газеталаридан биринда йўғон чиқинчи катак ичнда кичкина аълон босилди, Ундаги харфлар шу қадар майда эдики, уни оддий кўз билан ўқиб бўлмасди. Буни ўқишга кириқиб қолган газетхонлар катталаштирувчи турли обналардан фойдаланган ҳолда аълонни ўқинса, унда

бўлган Бойсуни эгаллаш учун қабила, уруғлар ўртасида жанг бўлган. Бу курашда енгилган томон «камбағал-ночорлигимиздан қўлимиз паст келди, майли, бойлар ўтирсин» қабиляда «бой ўтир» деганимиш. Шундан Бойшин, сўнгра Бойсин, Бойсун номи юзага келганмиш. Иккинчи хил ривоятга кўра, Ҳазрати Хўжайин Хидир ҳеч ерда Бойсун сингари ҳавоси соф, суви, ўти кўп, одамлари хушмуомалали, соғлом, бақувват жойни кўрмаган эмиш. Хўжайин Хидир уларга қарата «Бойсини» деганмиш. Яна бир афсонага кўра, аҳолиси бобо калонининг оти «БОЙВЎЛСИН» экан. Бу ном кейинчалик «БОЙВЎЛСИН—БОЙВЎСИН—БОЙВЎСИН—БОЙВЎСИН—БОЙВЎСИН—БОЙВЎСИН—БОЙВЎСИН—БОЙВЎСИН» тарзида ўзгариб кетганимиш.

Бу ривоят фаразларининг ҳаммаси ҳақиқатга ўғри келмайди. Бойсун (талаффузда Бойсин) номи товуш ва тузилиши жиҳатидан унча ўзгариб кетмаган, чунки номнинг ҳар иккала қисми ҳам талаффузда қийинлик туғдирмайди. Атаманинг ҳар икки қисми ҳам туркий

Хурматли «Гулистон»!

Мақтабимизда бир неча фан тўғарақлари бор. Уларда қизиқарли кўпгина масалаларни муҳокама қиламиз. Баъзан жавоб топамиз, баъзан топмаймиз. Масалан, дарсликларда, бадиий асарларда кўп жойлар—шаҳар, қишлоқ, қон, тоғ, дарё, кўл номлари учрайди. Буларнинг маъноси нима, қайси тил элементи эканлигини билмай қоламиз. Буни билиш имконини берадиган асар, ё кўлама, ҳозирча йўқ. Шунинг учун жой номлари ҳақида журнал саҳифасида маълумот беришларингизни сўраймиз.

Яккабоғ районидаги 10-ўрта мактаб ўқитувчилари:

МАҲМУДОВ, С. МЕЙЛИЕВ, Б. ДАМИНОВ, З. ТОҒАЕВА,  
Х. ПАРДАЕВ ва бошқалар.

# НОМЛАР ТАЪБИРИ

**БОЙСУН.** Ҳисор тоғ тизмаларида жойлашган тоғ ва район номи. Бу—энг қадимий атамалардан бўлиб, ўзбек халқ достонларида кўп тилга олинади.

Бойсун номининг маъноси, келиб чиқиши тузилиши ва пайдо бўлиши ҳақида илмий, тарихий ва адабий асарларда ҳеч қандай фикр учрамайди. Маҳаллий халқ ўртасида Бойсун номи ҳақида турли ривоятлар мавжуд. Ривоятлардан бирида айтилишича, қадимда серўт, серсув, баҳаво

«Уйингизда заррабин (дупа) бўлсин» деб ёзилган экан.

## Санъат буюми

Антверпенда полиция бир энг осий ноёб буюмлар билан савдо қилувчи кишига уч минг йил аввал мумёланган жасадни шаҳарга олиб кириши тақиқлабди. Бу қонуний эди: жасадларни олиб-сотиш мумкин эмас. Шунда у одам адлия министрига шикоят қилди. Министрликда узоқ вақт уйлашиб кўриб, охири «уч минг йиллик жасад одатдаги жасадлар сингари жасад эмас, балки санъат буюми ҳисобланади» деб ҳукм чиқарибди.

## Тер сотиб оламиз

Илгари-кейин ҳеч қачон бу хил «матоз»га баҳо қўйилмаган. Шунинг учун америка олимлари турли тадқиқотлар (асосан фазода узоқ вақт яшаганда ҳаётнинг қандай кетишини ўрганиш) учун одамнинг тери зарур бўлганида узоқ вақтгача терга қанча ҳақ тўлашни билмай қийналишди. Бу «маҳсулот»ни томчилаб йиғишга мумкинлигини назарда тутишиб, унинг бир литрига энг юқори баҳо — 1600 доллар нарх белгилашди.

Людовик XIV саройида зиёфат вақтида сарой шоири Буало нима ҳам бўлиб, ҳамма одамлар эртами-кечми ўлажagini айтади. Бироқ шоир қиролнинг газабланганини кўриб, ўз сўзини шундай деб тўғрилайди.

— Мен, деярли ҳамма одамлар демоқчиман...

Швеция аҳолиси қаҳва истеъмол қилишда дунёда деярли биринчи ўринни эгаллайди. Бу миллий ичимликнинг кенг тарқалишида XVIII асрдаёқ швед қироли Густав III ўз таъсирини кўрсатди. Ўлимга маҳкум этилган ана-ука эгизакларни қирол, шу вақтдан эътиборан, пиюсида бири кўп миқдорда чой ичини, бошқаси — қаҳва ичини кераклиги шарт билан кечиради. Бу, ичимликлардан қайси бири соғлиққа тезроқ зарар кўрсатишини билиш мақсадига чиқарилган ҳукм эди.

Йиллар ўтди. Қамоқдаги ана-укалар аччиқ чой ва қаҳва ичиб турдилар. Ҳар йили қирол табиблари консилиуми уларнинг соғлигини текшириб турди ва ҳеч қандай касаллик топмади. Ниҳоят чойхўр маҳбус 83 ёшида вафот этди. Бу тажриба бутун Скандинавияда қаҳванинг кенг тарқалишида катта роль ўйнади.

Вир куни лорд Даббертон шаҳар чеккасига сайрга чиққанида, яйловда ўтлаб юрган буқа унга хужум қилиб қолади. Лорд яйловни ихота қилиб турган тўсиқдан сакраб ўтиб, ҳайвон газабидан қутулиб қолади. Бу ерда у ҳайвон хужайинига дуч келиб, унга дўх уради.

— Бу яйлов, сэр, — дейди буқанинг эгаси, — менинг шахсий мулким, шунинг учун ўйламанки, менинг буқам яйловда юришда сиздан нам хуқуққа эга эмас.


— Менинг кимлигимни биласизми, ўзи? — дейди лорд. — Мен лорд Даббертонман, лордлар палатасининг аъзосиман!

— Бу гапни буқага айтсангиз бўларди, милорд.

Наполеон Россияда енгилганидан кейин, оддий ченада гарбга қараб қочади. У ўз одамлари билан бирга Неманга келиб тўхтайдди. Ерлик деҳқон уларни нариги қирғоққа ўтказиб қўлди. Ҳар вақт янгилини биричи бўлиб билишга ҳаракат қилган Наполеон қайиқчидан сўрайди:

— Дарёдан кўп қочқолар ўтдимиз?

— Йўқ, сиз биричисиз, — соддалик билан жавоб беради қайиқчи.



Тоҷикистонда сув ишшоотлари қурилиши кейинги йилларда айниқса кенг қўлчоқ ёймоқда. Шулардан бири Бойпаза тўғониدير. Тўғоннинг суви нажда суратда сиз кўриб турган Вахш Евон тоннелдан оқиб ўтади ва неча минг гектар қўриқ ерларга об-ҳаёт олиб келади.

Н. СОФЪИН фотолари.

# Ажойибнома

тилларга хос сўзлардан ташкил топган. Биринчи қисми ҳозирги ўзбек тилида актив қўлланилувчи «бой» сўзидир. Иккинчи қисм «син» сўзи эса, ҳозирги ўзбек адабий тили ва унинг айрим шевалари (Қашқадарь ва Сурхондарь водисий, Самарқанд области)да «қомат, тус кўриниш, буй, қад» маъноларига қўлланилади. Масалан, синнинг курсин — кўринишнинг курсин; синий йилит — қоматли ёки чиройли йилит; сини ёмон — туси ёмон; синсиз одам — кўриниши хунуқ ёки ёмон кўринишли одам; тоғдай сини берсин — тоғдай буй ёки кўриниш берсин ва ҳоказо. Син сўзи худди шу маъноларда XI асрларда ҳам ўзбек тилида қўлланилган. Маҳмуд Ҳошғарий «Девону Лутатит турк» асарига «син — қомат гавда» деб изоҳлаган.

Син сўзининг зикр этилган маънолари асосида Бойсун номини тавсифлаш қийин, албатта. Бойсун номининг келиб чиқишини тузуқроқ аниқлаш, ишончли далиллар билан исботлаш учун бошқа қардош туркий тиллар лексикасига мурожаат этишга тўғри келади.

Син сўзи бир қанча туркий ва мўғул тилларида мавжуд. Жумладан, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, уйғур, татар, чуваш, бошқирд тилларидаги син сўзининг маъноси, ўзбек тилидаги син сўзининг маъносига мос келади. Хакас, уйрот, Тува, Олтой, урянхай, мўғул тилларида син сўзининг «қомат, кўриниш, қад, буй, буй-баси, гавда, тус» маъноларидан ташқари, дастлабки, асосий маъноси ҳам сақланиб қолган. Ана шу маъно Бойсун атамасини изчи-роқ изоҳлаш имконини беради.

Уйрот, хакас, урянхай, Тува, Олтой тилларида син сўзи «тизма тоғ, тоғ тизмаси, чўққи, қоя, юксак баландлик» маънолари-га эга.

Син сўзи ўзбек адабий тилида географик термин сифатида сақланиб қолмаса ҳам, ўзбек тилининг баъзи шеваларида товуш ва тўзилиш таркибининг сал ўзгартирган ҳолатда мавжуддир. Сина ва сингир сўзларини худди шундай сўзлардан, яъни тарихан син сўзига дахлдор ҳисоблаймиз. Қашқадарёнинг Шахрисабз (собиқ Китоб, Мироқи) ва Яккабоғ районларида «баланд-

лик, қабориқ ва ўсимта ер» ни сина ҳам дейишади.

Сингир сўзи географик термин сифатида бир қанча замонавий ва қадимий туркий тиллар лексикасида учрайди. Ҳозирги қозоқ тилида сингир сўзи «чўққи, қоя, баландлик, тоғ тумшуги, даралардаги дўнбоқ жой» маъноларида ишлатилади. Қашқадарёнинг тоғлиқ районларида сингир термини истеъмолдаги сўз бўлиб баландлик, тепа, ўсимта жойларни билдиради. Туясингир (Чироқчи), Каттасингир (Яккабоғ), Кичиксингир (Деҳқонобод), Етимсингир (Мироқи), Қарасингир (Енисей буйидаги тоғ).

Син сўзининг қардош туркий тиллардаги қадимий маъноси асосида Бойсун атамасини «Катта тоғ, Баланд тоғ, Юксак тоғ, тизмаси кўп бўлган тоғ, бош қоя, улкан чўққи, тизма тоғ, йирик тоғ» деб тавсифлаш мумкин.

Тўра НАҒАСОВ,  
илмий ходим.

(Давоми бор).

# Жонширич

Ҳикоя

Қиш кунлари эди. Юмшоқ вагонда одам нам. Поезд Тошкентдан чиққанда, бир купеда икки киши эдик. Нотаниш ҳамроҳим пастки ўринлардан бирини эгаллади. Мен юқоринг сўрига чиқиб чўзилдим. Ҳаво жуда майин, деразадан офтоб тушиб турар, далалар сунукта чўмиб ётар эди. Ғилдиранларнинг бир қиёвда тарақлаб, тебранишидан кўзим илнинибди. Бир вақт девор қатига кириб кетадиган ойналик эшик гариллаб очилди. Тирноқлари кўмир юқидан қорайган провондникнинг қўли кўринди, аллақимга:

— Киринг!— деган товуши эшитилди. Қизил кўйлак, қора бахмал тўн, амиркон махси кийган, оқ тивит рўмолини юзига бостириб ўраган бир аёл уч-тўрт ёшлардаги болани етаклаб, секин кириб келди. Пастки ўринда чалқанча ётиб газета ўқиётган ҳамроҳим одоб билан ўриндан турди.

Аёлнинг нетидан силлиқ кител, галифе шим ва қоракўл телпак кийган барваста киши келмоқда эди. У остондан ўтар-ўтмас, мен билан ҳамроҳимни кўриб, чўшиб тўхтади.

— Их!— деб провондникка ўғирилди.— Одам бор-ю! Бу ер бизга бўлмайди.

— Heга! Иккита ўрин бўш!— деди провондник таажжуб билан.

— Йўқ,— деди галифели киши ва хотинига қараб «бу ёқда чиқ!» ишорасини қилди.

Хотини индамай боласини етаклаб чиқиб кетди. Мен «хотинини қизганадиган тоифадан экан», деб ўйладим. Уларни бошқа купега жойлаб қайтиб келган провондник ҳам эшикдан бошқини суғиб:

— Энди, хафа бўлмайсизлар, меҳмонлар,— деди,— ҳалиги акамга рашидан худо берган экан.

Мен аёлнинг юзига қараганим ҳам йўқ эди.

— Нима, жуда чиройли эканми?

— Э, унақ ҳурлиқолардан эмас. Эрининг кўнгли ёмон эканда.

Ҳамроҳим қўлларини шимининг чўнтакларига солиб, деразадан ташқарига қараб турган эди, бирдан биз томонга ўғирилди. Унинг юзи қизариб кетган, кўзлари қақнар эди. У провондникка тикилиб:

— Сиз айтган одамнинг кўнгли ёмонликка ёмон, лекин хотин вақидан эмас,— деди.

— Ие, сиз уни билармидингиз?

— Ҳа, у ҳам мени таниди. Ҳе, бу Мамадали Болтабоев бир вақтлар бизда райком секретари эди. Уша пайтларда бу одам мени йўқ қилиб юбормоқчи бўлган. Бугун қарасани, мен ҳали борман...

Ҳамроҳимнинг сўзлари мени жуда қизинтириб қўйди. Еши энди ўттизларга борган бўлса ҳам, боши бироз тепалак бўлиб қолган, аммо юз-кўзида боаларча бир соддалик ва бегуборлик сезилиб турган бу йигитнинг оти Музаффар экан. Узи ҳозир район касалхонасида бош врач бўлиб ишларкан. Мен ундан болги галининг тарихини сўрадим.

Поезд силкиниб кўзголдую майин юриб кетди. Музаффар номаълум нуқтага тикилиб, хавл суриб қолди.

— Ҳисоблаб қарасам орадан беш йил ўтибди,— деб Музаффар ўзини бир кулимсираб, бошини хавл силкитиб қўйди.— Уша йили биз институтни битириб, узоқ районга врач бўлиб борган эдик. Уқишдан кейинги биринчи ойларда одам анча нозик бўлади. Бунинг устига мен уша пайтларда бошқа нозик хисларнинг гирдобига тушиб қолган эдим. Мен билан бирга битирган Малоҳат исмли қиз бор эди.

Малоҳатнинг ойиси — катта олима, йулини қилиб, қизини Тошкентда олиб қолса бўлар эди. Аммо она-бола айланма йул излашмади. Давлат тақсимоотига биноан Малоҳат ҳам бирон-дара районга бориши керак эди. Мен уни кўпдан бери ўзимнинг районга тақлиф қилиб юрар эдим. Охири Малоҳат районимизга мен билан бирга келди. Ушанда мен катта бир галаба нозонган одамдай қувониб юрар эдим.

Баъзида Малоҳатдан бу галабани қолгандай иймандар эдим. Унга муносиб бўлиш учун катта-катта ишларни дўндириб ташлашни орзу қилар эдим. Лекин, аксига олиб, майда-чуйда ишқалинларни ечиш ҳам қўлимдан келмай қолди. Биз, инқовимиз бир жойда ишлаймиз, деб келишиб қўйган эдик. Лекин Малоҳатни поликлиникага ишга юбориб қўйишипти. Мен уни ўзим ишга кирган касалхонага ўтказаман деб кўп уриндим, натижа чинмади. Уй-жой масаласида ҳам шунақа ишқалин чиқди. Мен ўзим асли ўша райондан эдим, лекин бизнинг қишлоғимиз касалхонадан йигирма беш чақирим нарида эди. Ҳар нуни катнаб бўлмайди. Бошқа тайёр жой йўқ. Ижара олдим.

Малоҳат аёллар ётоқхонасининг тўрт кишилик хонасига битта койна қўйиб олибди... Биз кузда тўй қилмоқчи эдик. Соғлиқни сақлаш бўлимида бир ҳамқишлоғим ишлар эди. Ушанга дардимни айтиб, инқовимизга битта квартира тўғрилаб беришларини сўрадим.

— «Буни яхши айтдинг,— деди ҳамқишлоғим.— Ҳозир обалтага ишга кўтарилган бир кишининг жойи бўшалапти. Лекин жазманлар кўп. Тезроқ ҳаракатингни қил, бўлмаса қуруқ қоласан».

— Унинг айтганини қилиб, аризаларни ёздиқ, керакли қоғозларни тўғрилаб, райкромўйма қилдим. Биздан олдин югуриб юрган кишилар бор экан. Булардан бири раёкомсо. молнинг иккинчи секретари экан. Яна бири моллия бўлимининг масъул ходими экан. Ҳалиги уй талаш бўладиган кўринди. Охири масала райкомга чиқди. «Энди буни ўртоқ Болтабоевнинг ўзлари ҳал қиладилар», дейишди. Малоҳат инкалмас унинг олдига арза кирмоқчи бўлиб бордик. Аммо киролмадик— кенгаш бўлаётган экан... Мана шунинг устига бир воқеа юз бердию уй ҳам эсимиздан чиқиб кетди.

Вагон бирдан гувуллаб кетгандай бўлди. Поезд пўлат паннарали улкан кўприкдан ўтувчи Музаффарнинг товуши эшитилмай қолди. Ниҳоят, кўприк ортада қолди, гузуллаш тинди. Купе деразасидан кўринаётган Сирдарё суви кечки кўшеда қизғиш тусга кириб, товналиб ўтди.

Музаффар сўзида давом этди:

— Саратон пайти эди. Ёзузга ҳашарот тушган, бунга қарши самолётлардан «дор» сепилган. У пайтларда бу ишлар ҳозиргидай тартибга солинмаган эди. Эҳтиёт чораларига ҳам унча яхши риоя қилинмас эди. Қондага биздан «дор» сепилгандан кейин уч-тўрт кун пайналга одам нирмаслиги керак. Биз санитар врачларга ёрдамга чиқиб, бунинг ҳамма расларга, ҳамма бригадирларга тушунтириб келган эдик. Лекин ғўзасини ўт босган бир қолхознинг расини ўртоқ Болтабоев буровга олиб, «даланга одам кўринмайди!» деб сиқиштирибди. Рас биргадирларни сиқиштирибди. Хуллас, Тошмат ана деган бир бригадир эртаси кўни азонлаб одамларини ўтқоча олиб чиқадди. Пайналдан кўнглини аянтадиган ҳид келадди. «Донторлар айтган эди», деб

бригада аъзоларининг бир қисми пайналга йўламайди. Аммо Тошмат ана «донторлар ваҳимачи бўлади, уларнинг гапига кирсан ғўзани ўт босиб, ҳосилдан айриламиз,— кирвиринглар, ҳеч нима қилмайди»,— дейди-ю, ўзи биринчи бўлиб кирди. Беш-олти киши унга эргашади. Бригадир пайналга кирди-ю, чиқадди, унга ҳеч нима қилмайди. Бошқалар энгашди, ғўза ўтади. Орадан икки-уч соат ўтар-ўтмас, бир қанчасининг кўзи тиниб, кўнгли йўлаб, ҳолдан нетиб қолишади. Мен нариги қолхоздан қайтиб келаётиб, худди шу ҳодисанинг устидан чиндим. Тошмат ана турибди: мўйлови осилган, кўзлари жовдирайди. «Мен бунчалки бўлишни билмабман» дейди. Мен ўзимни тутолмай, уни роса сўқдим. «Аблаҳ, ахир, одамларни йўламайсани!» дедим. Паёқалдагиларни четга олиб чиқиб, қўлимдан келган дори-дармонни қилдим. Бу нарсанинг таъсири ҳар нимга ҳар хил бўлади... Бир неча киши даладаёқ ўзига келди. Ахволи оғир-оғир уч кишини машинага солиб, касалхонага олиб бордим. Бор мединлар ҳаммаси оёққа туризгилди. Бир неча-ю, бир кундуз ўлим билан олишиб, икки кишини кутқариб қолдик. Учинчиси— ўн олти ёшли нозиккина бир йигитка эди. Оти ҳам эсимдан чиқмайди: Зиб, дулла.

Музаффарнинг овози бўғилди. Галстугини бўшатиб, кўйлагининг тугмасини ечди.

— Деразани сал очи қўйми?— дедим.

— Ҳозир, ўзим очаман...

Музаффар пастки девор қатига кириб кетадиган купе деразасини тўрт элликина очди, юзини совуқ шамолга тутди. Поезд шитоб билан бормоқда эди.

— Даволаётган одамни кутқариб қолломасини врачга нақадар оғир туюлишини мен ушанда биринчи марта сездим,— деди Музаффар.— Худди жангга кириб мағлуб бўлиб чиққандай, дунё кўзингизга қоронғи кўринаркан. Зиёдулланнинг сўнги соатлари ҳали-гача кўз ўнгимдан кетмайди. Беҳаловат бўлиб ўзини у ёқдан-бу ёқда отади. Нуҳул! «Обнетинг!» дейди. Назариди, бу ердан узоқроқка кетса, ўлимдан қутулиб қоладигандай...

— Бир вақт мени бош врачнинг хузурига чақирдишди. «Касаллини тарихини олиб кирармишсиз» дейишди. Бош врачимиз ўттиз беш йшларга борган мулойини табиати намтар йигит эди. Мен унинг кабинетига далда берадиган гап кутиб кирдим. Бироқ у ҳам бушашиб, руҳи тушиб ўтирган экан. Касаллини тарихини кўриб чиқиди-да:

— «Диагнозини ўзгартириш керак»,— деди.— «Heга! Мен нотўғри диагноз қўйибманми?»

— «Йўқ, сиз қўйган диагноз тўғри. Лекин бунақа диагноз дарҳол юқориларга хабар қилиниши керак. Партия, хукумат «бу масалада жуда эҳтиёт бўлинглар, техника раёкомсо. сизлигини бузганлар аёвсиз жазоланади» деб каттич топшириқ берган. Агар юқорилар биллиб қолса, районимиздан кўп одам жавобгар бўлади... Биз ҳам балага қоламиз... Шунинг учун, нариёғини ўртоқ Болтабоев билан раси босди-босди қилмоқчи. Йигитчининг ота-онасига қолхоздан битта қўй, бир қоп ун, юз кило гуруч, анча пул ёрдам беришибди. Беш-олтита мўйсафидлар орага тушибди, «энди давволь-ш. Тошмат бригадирини қаматганим билан ўғлинг тирилиб келмайди, тақдиринга бори шу экан, нон-насиби битган экан» дейишибди. У томони энди тинчиб кетади. Бу ёғини сиз... «ёмон овақат еб заҳарланган» деб диагноз қўй қолдинг. Мен тасдиқдан ўтказаман».

— «Агар ўшанда мен Мирвоҳид эканинг гапига кирсам, ўзимга ҳам, насбимга ҳам хиёнат қилган бўлар эдим, кўнгли синиқ, ички дунёси мажруҳ бир одам бўлиб қолар эдим. Мен шунини сездим-ю, исён кўтардим.— «Сиз мени жиноят йўлига бошлаяпсиз!»— дедим.

— «Ваҳима қилманг, жиноят эмас бу — маж, буряйт! Биз ҳам одамимиз, шароит билан ҳисоблашишга мажбуримиз».

— «Мен шароит деб одамларга хиёнат қилмайман! Партия Марказини бунақа ҳодисаларнинг олдини олишга шунчалик катта эҳтиёт бераётган бўлса, деман, мен ростиин айтишим керак! Агар мен бу ҳодисани ёшириб, ёлгон диагноз қўйсам, эртага бундан ёмонроқ бахтсизлик юз бермайди!» Шу билан мен бунақа бахтсиз ҳодисаларга йўл очиб берган бўлмайманми? Врач учун бундан ёмон жиноят борми дунёда?!

(Давоми 32-бетда).

Фильм кишини ишонтиради, тарихий вазиятлар билан таънаштиради, беомон кураш, бўронли йиллар воқеаларига олиб киради, ким чинакам инқилоб тарафиди турибди, ким инқилобни бўғиш учун макр тўрини тўқияпти, ким коммунист-большевикларга, Совет ҳукумати вакиллариغا панадан ўқ узаётми? Ана шу воқеалар гоҳ осойишта, гоҳ шиддатли денгиз тўфонидай кўз ўнгимиздан ўтиб туради. Унинг марказида даставвал инқилоб йўлидан борган, кейинчалик эса, шу йўлдан тоёиб кетган Асад Махсум фожиясини кўрамади.

Мана, Асад ана жасур бошлиқ, оташин курашчи. Қўрбоши галаларини тугатгани учун Бухоро Халқ Комиссари унга кумуш соат таъдим этади, у халқларини инқилобни ҳимоя қилишига, душманларга бешафқат бўлишга чақиради.

Шу билан бирга Асаднинг табиатида жуда катта нуқсон бор. У шон-шухратни, ҳукмронликни яхши кўради. У ҳатто ўзини инқилобдан юқори қўйиш даражасигача бориб этади. «Инқилоб — бу менман», дейди.

Унинг жиноят гирдобига тушишида бошқа ҳоллар ҳам мавжуд. Маълумки, уни Британия айдоқчиси, маккор Гаффор хўжа (Абдулхайр Қосимов) ўз тўрига ўраб олган. Инсонлар юрагини яхши биладиган бу хушфелъ сибсатдон Асад табиатидаги ҳамма қусурларини, бўш томонларини — шухратга мойиллик, юқори мансабларга интилиш, ўтакетган иззаттаб ва сиркаси сув кўтармаслигини вақтида пайқаб олган. Асаднинг жилови, нозик юрак торлари ана шу сотқин қўлида. У бу торларни зарур пайтларда усталик билан черта олади. Унинг хатти-ҳаракатларини зимдан, узоқни мўлжаллаб, жуда моҳирлик билан бошқаради.

Ана шу жиддий ҳолат бош ролни ижро этувчига мураккаб ва қарама-қарши табиатдаги сиймоси яратишда баъзи имкониятларни беради. У гоҳ ачинади, гоҳ газабланади, гоҳ раҳмидил, гоҳ эса бағритос. Шунга қарамай, Ҳабибулла Абдураззоқовнинг Асади бир нафасда гувуллаб ёнадиган ва асосан бир хиллигидега қолади-ган қаҳрамондир.

Инқилоб кўмитаси раиси Ҳайдаркул образи ҳақиқий большевик, онгли курашчи, матонатли ва инқилоб ишига охиригача содиқ кишининг тимсоли. У ҳаминча ҳақиқат ва адолат тарафиди, душманини аямайди, дўстга эса ҳаминча гам-хўр ва меҳрибон. Курашларда, тўқнашуларда коммунистик ғояларга садоқатини намоён қилади. У Каримнинг соф кў-

ган Асада нафрати чексиз. У ором нималигини билмай, ўлимни писанд қилмай курашади.

Биберажаб қисмати жуда оғир. Бошига кўлфат ёғилади: эри Сафарни отиб ташлашади, ҳар қадамда «эринг хонин» деган таъна маломатини эшитади. Бу жафолари намлик қилгандек, қизи Саодат (Зулфара Асанова)ни эрининг қотили Асада зўрлаб олиб беришади, ягона аёлни Карим эса, бир неча марта кўзининг олдиди ўлим сиртмоғига дуч келади. Ана шу фожиялар шўрлик аёл қаддини букиб қўйган. Нозикмо Шомансурова аччиқ қисматга йўлиққан ана шу инсонни яхши гавдалантириб, ўз маҳоратини янги қирраларини намоён қилади.

Изланиш, воқеалар моҳиятини чуқур аниқлаш, қаҳрамонлар

камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Гаффор хўжанинг муллатабиат хушфелълиги замирида маккорлик ва хонлик яшириганлигини томошабини дастлабки дамлардаёқ сезади, буни ҳатто Асаднинг ёшгина хотини Саодат ҳам пайқайди. Лекин ана шу чет эл айдоқчисининг хатти-ҳаракатлари Асадин бирор марта ҳам шубҳага солмаганлиги кишини унчалик ишонтирмайди.

Бундан ташқари, Гаффорнинг пичоқ отиш услуби туркларга хос. Лекин унинг чет элдан келган, у ерда катта жосуслик мактабидан ўтган хонин эканлигига ишонтирадиган лавҳа, етишмайдиганга ўхшаيد.

Маълумки, Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш тарихий фильмлар доир қўпгина бадий фильмлар яратилган. Шунга қарамай, сценарий муаллифлари Игорь Луковский, Жалол Икромий ва Тоҳир Собиров серкураш йигирманчи йиллар ҳақида янги саҳифа яратганлар, воқеаларга янги йўл очганлар, инсонлар тақдирини, тарихий вазиятларини янгича ва ўзига хос бўёқларда кўрсатиб берганлар.

Фильм йигирманчи йиллар воқеалари ҳақида ҳикоя қилса ҳам, ундан замонавийлик ҳиди аниқиб туради. Бутун Африка қитъаси ва Жануби Шарқий Осиё мамлакатларида миллий озодлик кураши давом этаётган ҳозирги пайтда Асад образи — инқилобга ҳибнат қилган, омма ҳаракатидан ўзининг шахсий мақсади йўлида фойдаланишга интилан кишилар табиий фожига йўлиқиши муқаррарлигига ишоради.

«Хибнат» бадий фильмининг «Тожиқфильм» кино маҳкамаси ходимларининг улуг айём йилидаги яхши ютуғи деса бўлади.

Қосим МАМАЖОНОВ.

## К И Н О

# „ХИБНАТ“

тиллигига ишонади ва изтиробларга тушунади. Шунинг учун ҳам уни паноҳига олади. Тажрибали артист Ҳожиқул Раҳматуллаев ҳақиқий инқилобчи сиймосини яратишга муваффақ бўлган.

Фильмда артист С. Эргашев ўтурок комсомол, ҳақиқатни излаш йўлида ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам отишдан қайтмайдиган Карим қиёфасини яратган. У отаси ҳақидаги ҳақиқатни билмиш учун жонини аямай курашади, ҳатто разил душман Ҳаббор қўрбоши қароргоҳигача боради. Унинг отасини ўлдир-


ўрни ва вазифасини тарихий ҳақиқатга мос кўрсата олиш, артистларнинг уйғун ҳаракатини таъминлаш — истеъдодли режиссёр Тоҳир Собировнинг янги икждий муваффақиятидан, унинг қобилияти катта имкониятларга қодир эканлигидан далолат беради.

Фильмнинг гоъвий ва бадий мукамал чиқишида аппаратчи Анвар Мансуров ва кино учун биринчи марта музика ёзган бастакор Фаттоҳ Одинаевларнинг алоҳида хизматлари бор.

Тўғри, фильмда баъзи жузъий



Душанбе шаҳрида ажойиб бир манзил бор. Унда неча юзлаб гулгунчалар истиқомат қилади. Боғча ёшида бу ошиёнга кирган болакай ўқиб, улғайиб таптайёр ўсинир бўлиб чиқади. Бу — Душанбедаги тажриба мактаб-интернатдир. Ундаги болаларнинг кайфияти қандайлигини билмиш учун ушбу суратга бир боқиш kifов.



Панжикентда тожик халқининг улур сиймоси устод Рўдакий ҳазратларига ёднома уй барпо қилинган. Бу жойдан унинг буюк истеъдоди мухлисларининг қадами асло аримайди.

М. ТҶИЧИЕВ фотоси.

## Унутилган тажриба



Бизнинг Ўзбекистонда об ҳаво ҳар йили ҳар хил келади. Бир йили қўнлам яхши келса, иккинчи йили ёмғир ва қорли келиб, деҳқончилик ишини анча кейинга суриб юборади. Намгарчилик кўп бўлган йиллари ер тезда етилмаганидек, бевақт ва ортиқча қор-ёмғирнинг таъсири билан намиқиб қолган ерда уруғлар ҳам ҳадеганда униб чиқмайди. Бу ҳолни айниқса пахта ерларимизда очиқ кўриб келаётимиз. Ёнгингарчилик кўп бўлган йиллари, заҳкаш ерларга энилган чигит, кўпинча чириб кетади. Бу ерларга иккинчи қайта энилган чигит униб чиққунча биринчи чопиқнинг вақти ўтиб кетади. Натижада шу ернинг ҳосили бошқа ерникига қараганда анча кам бўлади.

Пахта ерларининг намини қочирish учун, биз шу вақтгача ер ўрталаридан зовур қазиб, сизотни оқизish йўлларини қўлаб келамиз. Бу усул ернинг намини қочирishга анча ёрдам беради. Лекин тупроқ қизмагани учун чигит яна кечикиб чиқади ва чиққандан кейин ҳам тез кўтарилиб кетмайди. Шунинг учун чигитнинг нам ердан тез униб чиқish ва кўтарилиб кетish чорасини топиш аса жуда қийин масала бўлиб келар эди.

Бундай ерларда тупроқни қизитish йўли билан чигитни ўз вақтида ердан хатосиз чиқариб олишгина лозим бўлади. Бунинг учун чигит экандан кейин ерга қуёш нуруни ўзига тез қабул қиладиган қора рангли ўғитларни солиш кераклигини шу вақтгача ҳеч ким ўйлаб кўрмаган эди. Қора рангли ўғитнинг ўсимлигини жуда тез ўлғотishга ёрдам беришини биз тажрибада очиқ кўрдик.

Мен ўтган йил эрта баҳорда Тошкент тўда районларида тут дарахтига қорамой суртиб кўриш тажрибасини ўтказдим. Тут дарахтининг остки танасига бир метр баландликкача қорамой суртилди. Сўнгра дарахтнинг тагига тошқўмир кукунлари тўкилди. Натижада бошқа тутлардан анча кўн бурун бəг чиқарди. Бундан маълум бўладики, қорамой ва тошқўмир кўш нуруни ўзига тез қабул қилиб, дарахт остидаги тупроқларни эрта қизитар экан. Демак пахта ерларига қора рангли ўғитларни солиш керак, ҳатто тошқўмир кукунларидан ҳам фойдаланиш мумкин...

Деҳқонбой НУРМАТОВ,  
Ўзбекистон Ер ишлари халқ  
номиссарлигининг пахта тажрибанори  
(«Қизил Ўзбекистон», 1937 йил  
27 март сонидан).



Тожик адабиёти ва санъати ўн кўнлиги муносабати билан Гафур Ғулом номидаги Тошкент бадий адабиёт нашриётида тожик адабларининг кўплаб асарлари чоп этилмоқда. Сиз шулардан учтасининг муъовасини кўриб турибсиз.

Бундан бир неча йил илгари Қирққизда — Ҳамза номли ўрта мактаб яқинидаги тақирликда қазиш ишлари билан шуғулландик.

Олдинлари у ерда онла-сонда сопол идишларининг синиқлари ётарди, маҳаллий аҳоли бунда бир сир бўлса керак, деб ўзларича қазиб кўрганларида ердан хумлар чиққан. «Қадимги одамлар олтинни хумга солиб кўнганлар, кул — олтин. Шунинг учун уни сутга солиб кўрсак кулнинг сирини очилади. Кул олтин бўлса, ўз аслига қайтади» дейишиб, сирли кулни сутга солиб ҳам кўрганлар, ammo кул-куддигича қолаверган.

Биз ўша хумлардан бирининг ичинини очиб кўрдик. Хумнинг бир томони синиб, асрлар давомида қор, ёмғир, шамол натижасида ичига тупроқ тўлиб қолган эди. Хум ичинини авайлаб очётганимизда белкурак учи ғиштга теги. Квадрат шаклидаги бу пишиқ ғиштин кўтарганимизда одамлар таърифлаган «сирли кул» кўринди. Кулни текшира бошладик. У одам суякларининг кули эканлигига шубҳа қолмади. Чунки кул ичида одам тишларининг белгилари, қовурга, болдир суякларини қолдиқлари мавжуд эди. Бошқа бир неча хумини очиб кўрдик, ҳаммасида ҳам юқоридаги ҳолининг гувоҳи бўлди.

Ўтган йил июнда Тўрткўл қишлоқ хўжалик техникуми талабаларига «Диннинг келиб чиқishi» деган мавзунини тушунтиргач, уларни Бутунқалъага олиб бориб, қумдан холироқ, сопол парчалари сочилиб ётган жойини қазишга киришдик. Талабалар иккинчи хум синиқларини ичинини тупроқдан тозалашди. Ҳар икковидан ҳам суяклар чиқди. Биринчисидagi суяклар анча емирилган экан. Иккинчи хумдагидан одам танглайи ва қовурга суякларини осонгина аниқладик. Бу суяклар қадимги одамлар хоки эди. Шуниси характерлики, суяклар топишган хумлар жуфт хумлар эди. Бизнинг фикримизча, қадимги одамлар ўлиқни қушлар, ҳайвонлар ёрдамида ғиштдан тозалаб, аввало, кичик хумга, кичик хумни аса оғизга тош қўйиб, катта хумнинг тубига ўрнаштирадилар. Катта хумнинг оғзи пастга қаратиб кўмилган экан.

Биз бошқа хумлардаги жокларнинг кўмилиш ҳолатига ҳам раэм солдик, Улар бир-биридан фарқ қилмайди.

## Топилдиқлар

# ХУМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Тўра Қиличев,

Тўрткўл қишлоқ хўжалик  
техникумининг ўқитувчиси

# „МАРДНОМА“

«ГУЛИСТОН»:

Ваъдани адо эғиш пайти келди. «Марднома» китобининг биринчи саҳифасини очамиз. Унда запасдаги офицер, Тошкентдаги 41-ўрта мактаб ўқитувчиси, Халқ маорифи аълочиси Қудрат Раҳматуллаевнинг жанг эсдаликларидан парча ўқийсиз.

## Бир кеча саргузашти

...1942 йил январь ойининг бошлари. Генерал-майор Гаврилов командирлик қилаётган полкимиз Волхов дарёсининг ўнг қирғоғида, сокин ўрмон ичида турар эди. Ҳаво 30 даража совуқ. Дарёнинг нариги бетидаги кичик бир қишлоқчамизни немислар эгаллаб турарди. Улар миномётда бизни дамба-дам ўққа тутарди. Биз ҳам отиб турардик.

14 январь куни кечки пайт генерал полк офицерларини ўз ертўласига чақиртирди. Унинг ҳузурига тўлландик. Генерал бизни бошланажа ҳужум режаси билан таништирди. Қишлоқни фашистлардан тозалашимиз керак. Бироқ душмanning кучи ва техникаси қанчалиги аниқ маълум эмас эди. Буни аниқлашни мен билан қуролдошим лейтенант Уваровга топширишди.

Разведкага духта тайёрландик. Автомат ва гранаталар олдик, олти солдатни бошлаб йўлга тушдик. Тун. Соат учлар чамаси эди. Атроф жим-жит. Биз шошилардик, чунки эрталаб соат олтига ч генералга маълумот беришимиз лозим эди. Дарё қирғоғига эмаклаб келдик. Соҳилда миналар ўйиб ташлаган ҳандақларда душман навбатчилари яшириниб ётганини пайқаб қолдик.

Уларга чап бериб, қишлоқ олдидаги тепаликка чиқиб олдик. Эҳтиётлик билан атрофга назар ташладик. Яқинимизда бўм-бўш ертўла бор экан. Дарҳол ўша ерга яшириндик.

Лейтенант кичи солдат билан қишлоққа кириб кетди. Қолганларимиз улар қайтадиган йўлни қўриқлаб, қирғоқдаги немис пулемётчилари ҳаракатини зимдан кузатиб турардик. Вақт жуда секин ўтаётгандек туюлади. Ниҳоят, қуролдош дўстларимиз етиб келишди. Лейтенант Уваров «қишлоқда душман унча кўп эмас, фақат нари-берида миномётлар турибди», деб пичирлади. Яна бирин-кетин дарёга қайта бошладик.

Вақт алламаҳал бўлгани учунми, ёки немислар совуқдан ўзларини панага олганлари учунми пулемётларнинг овози ўчган эди. Бу ғаниматдан фойдаланиб, биронта «тил» тутиб кетишга



қасдландик. Омадимиз келиб немис пулемётчиларидан тўрттасини асир олдик. Бизнинг тўсатдан пайдо бўлганимиздан саросимада қолган немислар гинг демай олдимизга тушиб келаверди. Эсон-омон дарёдан ўтиб, сокин ўрмонимизга кириб олдик.

Полкимиз ҳужумга тайёр турарди. Эрта тонгда кучли отишмалар бошланди. Соат тўққизларга бориб қишлоқни озод қилдик. Шу куни кеңкурун генерал бизни ҳузурига чақиртирди. Лейтенант Уваров билан мени Қизил Юлдуз орденига тақдим қилиб, ҳаммамизга ташанкур айтди...

Шундан сўнг полкимиз Ладога қўли ва канали бўйидаги шиддатли жангларда қатнашди. Мен шу йил кузида ярадор бўлдим. Соғайиб чиққач II дивизия қoшидаги ўнчи полкда хизматни давом эттирдим. 2-зарбдор армия фронтига қарашли дивизиямиз Ленинград қамалининг сўнги кунига Ладога қўли атрофида мудофаада турди.

Қудрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Бу қабрлар юқорида тилга олинган Ҳамза номли мактаб яқинидаги тақрирда учраган қабрлардаги ўлик кўмишдан тубдан фарқ қилади.

Вутунқалъа яқинида ўлик ётдан тозаланиб, куйдирилмай кўмилган. Бизнинг фикримизча, куйдирилмай кўмилган мурдалар эрамининг бошларида, зардуштийлик дини асосидаги урф-одатларга биноан кўмилган бўлиши керак. Бу диннинг асосини моддий дунё билан фаришталар оламининг ажралиши — яхшилик худоси Ахурамазда ва ёмонлик худоси Ангромайину ўртасидаги кураш ташкил этади. Маълумки, эраимиздан аввалги VIII—VI асрларда Хоразмда ибтидоий жамият ўрнида кучли қуддорлик давлати вужудга келган эди. Вир гуруҳ қуддорларга кўпчилик қулла тобе эдилар. Ҳатто эркин деҳқон ҳам қарз бадалига оиласи билан қул бўлиши ҳеч гап эмас эди. Уша қулла ва қуддорлар орасидаги синфий кураш зардуштийлик динига мансуб яхшилик ва ёмонлик худосининг курашида акс этди. Бу динда ибтидоий одамларнинг табиат олдидаги ожизликлари туфайли муқаддаслаштирилган моддий жисملарга сингиниш одати ҳам сақланиб қолган эди.

Биз топган ўлик суягининг икки қават хумга солиниб кўмилиши ҳам ўликнинг, ҳам хумнинг муқаддаслаштирилганлигини, бу эса тотемистик диний одатларнинг зардуштийлик динида ҳам сақланганлигини кўрсатади. Чунки, ўлик суяги солинган хумлар ҳаммаси бир хил чизиқчали гуллар билан безатилгани, хумнинг бежирямлиги юқоридаги хулосага келишимизга имконият туғдиради. Ҳамза номли мактаб яқинида топилган хумлардаги куйдириб кўмилган ўлик эса эраимининг II—VII асрларига тўғри келади, десан ҳақиқатдан узоқлашмаймиз, Чунки эраимининг I асри ўрталарида Кушон империяси Хоразм шoҳлиги территориясини ҳам эгаллаган. Ўрта Осиёда вужудга келган бу йирик давлат чегарасини император Канишка (78-129) Ҳиндистонгача кенгайтиради. Бу даврда Ўрта Осиёда феодаллашши жараёни давом этаётган эди.

Император Канишка ўз давлати ихтиёрига кирган барча жойлар учун ягона дин—буддизмни жорий қилди. Бу диндаги худодлар образи подшоҳлар образининг инъикосидир. Буддизм марказлашган Кушон империясининг мафсуравий қуроли бўлишдек муҳим вазифани ўтади. Маълумотларга қараганда, Канишка ҳатто будда динининг ватани бўлган Ҳиндистонда ҳам буддизмнинг кенг тарқалишига муҳим ҳисса қўшади. Бу вақтда Кушон территориясига қарашли Хоразмда ҳам будда дини кенг ёйилади.

Хоразм тарихининг йирик тадқиқотчиси С. П. Толстов ўзининг «Хоразм маданиятини излаб» номли асариде ёзишича: «Кушонлар даврида ҳам, ундан кейин (то араблар истилосига қалар) ҳам буддизм Ўрта Осиёда кенг расм бўлган». Будда урф-одатига биноан ўлик жасади оловда куйдирилиб, кули кўмилади ёки сувга ташланади.

Биз текшираётган даврдаги буддизм ҳозирги Ҳиндистондаги буддизмдан анча-мунча фарқ қилади. Уша даврдаги буддада император Канишканинг слоҳи билан зардушт динидаги Митра (кўёш худоси), Маҳ (ой) ва Артоаспани (сув худоси), араб, яхудий ва сурияликларнинг ҳосидорлик худоси Нанайян ва бошқалар мавжуд бўлса, ҳозирги буддада мингдан ортиқ худодлар мавжуддир. Ҳатто унда ўтган тарихий шахслар ҳам худодлар қаторига қўйилган. Хоразм III аср бошларида Кушон империясидан мустақил бўлса ҳам будда динига эътиқод сақланиб қолмаган. Араблар Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин ислом динини араб феодал давлатларнинг идеологияси сифатида Ўрта Осиёга мавжуран киритадилар.

712 йилда Қутайба раҳбарлигида араб кўшинлари Хоразм шoҳлигининг асосий қисмини эгаллаб, Қирғиз массивидаги Вургут қалъа яқинида халқнинг қаттиқ қаршилигига дуч келади. Буддан қаҳрланган Қутайба маҳаллий аҳолининг «натдан» кичигини қириб ташлади. Бу ерда ҳаёт тез издан чиқади.

Ислом динида мурдани кўмининг ўз қонда-қонуни бор. Археологин текширишлар Қирғиз массивида ислом дини урф-одати бўйича кўмилган бундай қабрситонлар бўлмаганлигини кўрсатади. Ваҳолакин, ҳозир руҳонийлар баъзи содда кишиларни ўз тузоқларига илтифоти мақсадида Қирғиз массивидаги тарихий маданият ёдгорликларини «сароматли жой», «аълиё» кишиларнинг жасади ётган муқаддас манзил, дейдилар. Улар Ҳамза мактаби ёнидаги асрлар оша бизнинг давримизгача етиб келган тупроқ уюмининг «ислом макти» деб атаб, унга ҳар жума куни бориб ис чиқариш кераклигини, касал бўлганлар етти ҳафтагача чироқ ёниши зарурилигини айтиб, баъзи кишиларни лақиллатишга муваффақ бўлганлар. Ваҳолакин, будда дини урф-одатларига биноан кўмилган кишилар хони бу тупроқ уюмига анча яқин бўлган жойдан топилган эди.

Кишиларни диний сарқитлардан тамомила қўтарқиш учун уларни юксак коммунистик гонимийлик руҳида тарбиялашда рад қилиб бўлмайдиган маҳаллий тарихий материаллар, шубҳасиз ўз самарасини кўрсатади.

— «Мен ҳам нима қилай!»— деб, Мирвоҳид ака столни бир уриб, ўрнидан туриб кетди.— Кўр-кўрона итоат йўлга ўтганин учун ўзимдан нафратланаман! Аблахлар, қиладиганларини қилиб, энди бизни ҳам ўз айбларига шерик қилишляпти!

— Мирвоҳид ака бу воқеага сабаб бўлган бригадирни, раисни роса сўнди, менга дардини айтиб, ичини бўшатди-ю, яна ҳовуридан тушди:

— Илож қанча!— деди.— Мен ҳам қарам одамман. Агар ўртоқ Болтабоевнинг айтганини қилмасам, бутун айбни ўзимга тўнайдим.— Сен бош врачсан, одамларнинг соғлигини сақлаш, ни сенга топширган эдик, энди жавобини ҳам ўзинг берсан!» дейди-ю, ер билан экансиз қилади. Қандай қилай? Жон ширин экан... Итоат қилишга мазжурман...»

— Шу пайтда Мирвоҳид аканинг ерга қараб, бўйинини қисиб ўтирганини кўрсангиз раҳмингиз келар эди. Мен бир лаҳза инкиладим. Унинг мушкулени осон қилсаммикин? «Емон оёқат еб заҳарланган». Бу диагнозни исботлаш учун насаллик тарихини бутунлай бошқатдан кўчириб, қанча ёлгонларни ичидан тўкиб чиқаришим керак. Шу пайт Малохат эсимга тушди. Негадир мен уни—дундаги энг севилим кишимин,— жон бергисиз келмай «Обнетинг мени!» дейётган Зиёдулланинг ўрнида тасаввур қилдим-у, кўриб кетдим... Мирвоҳид аканинг латталғи энди газабимни келтирди. Узининг ҳақлигини билга туриб, курашмасдан таслим бўладиган, ўзидан зур одамга бўйсуниб ўрганган, итоаткор, кўрқоқ шахс! Мен унинг столдан насаллик тарихини шартта олдиму кетмоқчи бўлиб эшини очдим.

— «Сизнинг жонингизга ҳеч ким қасд қилгани йўқ»— дедим.— Жувонмарг бўлиб кетган Зиёдулла «жон ширин» деса булар эди. Сизга амаал ширин, бош врачлик крелосия ширин!»

— Мирвоҳид ака мендан бундай гап чиқаргани кутмаган экан, бир сакраб тушди. Мен чиқиб кетаётган эдим,— «тўхта»,— деб сен-сенлаб бақирди.— Карточкани топшириб кет!»

— «Карточкани мен сизга топширолмайман»,— дедим.— Сиз бунини йўқ қилиб, диагнозини ўзгартиршдан тоймайдиган одам экансиз. Мен сизга ишонмайман!»

Мирвоҳид ака жиги-бйорини чиқиб, мени сўкнанича қолди. Нариги хонага чиқсам, кенса бир врачимиз ўтирган экан. Нима гап бўлганини унга айтиб бердим.

— «Мушкул вазифани бўйинингизга олибсиз»,— деди кенса ҳаммасиб.— «Энди маҳкам бўлинг. Чекинсангиз баттар бўлади. Сўзингиздан қайтманг! Бош врач талаб қилса, насаллик тарихини беришга мажбурсиз... Шунинг учун битта нусха кўчириб қўйинг!»

Мен унинг айтганини қилиб, касаллик тарихини бир нусха кўчирдим-у, асил нусхасини портфелимга солиб, кулфлаб қўйдим. Ҳадемай мени яна бош врачнинг хузурига чақиртиришди. Мен касаллик тарихининг кўчирилган нусхасини олиб бердим.

— «Мана, олинг»,— деб столнинг устига қўйдим,— лекин билиб қўйинг: бир нусхаси менда яшириглиқ турибди!»

— «Сиз ҳозир мен билан бирга райкомга борасиз»,— деди Мирвоҳид ака карточкани папкасига солиб.— «Ботирлигингизни ўртоқ Болтабоевга ҳам бир кўрсатиб қўйинг...»

\* \*

Музаффарнинг ҳиқоясига қизишиб, поездда кетаётганимиз ҳам эсимдан чиққан экан. Бир вақт провондник купе эшигидан бош суқиб:

— Чойга қалайсизлар, меҳмонлар!— деб қолди.

Унинг катта патнисиде маъдан дастали станларга солинган қора чой бўлгани турар эди. Бир станкандан чой, ҳар бўлаги алоҳида қозоғга ўроғлиқ қанд олди. Менда лимон бор эди, биттасини олиб кесдим. Чой ичиб бўлганимиздан кейин ҳамроҳимнинг ҳиқоясини эсимга солдим:

— Демак, Мирвоҳид аканинг сизни қалдон қилиб, Болтабоевнинг қиличига тутмоқчи эканми?

— Ҳа, шунақа қилиб, у одам мени Болтабоевнинг хузурига бошлаб келди. Эсимда бор: қабулхонада секретарь қиз бизга: «Мамадали Болтаевич бандлар!» деди. Биз анча вақт ку-

тиб қолдик. Кейин кирсақ, кабинетдан зира солинган паловининг ҳиди келади. Секретарь қиз ўроғлиқ дастурхонни секин олиб чиқиб кетди. Сезишимча, ўртоқ Болтабоевга аллақердан ош келган экан, у киши шуни еб бўлиб, энди кўк чойга ўтган экан. Бизни кўрди-ю, қовоғидан қор ёғиб, саломимизга алин ҳам олмади. Тикка турғизиб қўйиб:

— «Сенларга врачлик дипломи ҳайф»,— деб дўқни бошлади. Мен юзига қараб-қараб қўлман. Лаблари хозиргина еган паловидан йилтирайди. Бетлари бугун нурутдан келгандай тарағ. Лекин кўз қарашлари тиканли, гаплари одамга ўндай тегади.— «Сенлар инсон соғлигининг посбонларисан. Агар посбон хазинани ўғрига олдирса, бундай посбонга шараф қилинмайди. Бизнинг энг зўр хазинамиз— одамларимиз. Сенлар бугун бир аюқиб йиғитни бой бериб ўтирибсанлар. Бунинг учун сенларни партиядан ўчириб, қаматиб юбориш ҳам оз...»

Мирвоҳид ака ерга қараб жим турибди. Бунақа пайтда ким биринчи бўлиб гап қайтарса таёқ ушанинг бошида синишини яхши билади. Мен ҳам бунини сездим, лекин ҳақиқий айбдорлар қолиб, Болтабоев бутун айбни бизга тўнаётганига чидай олмадик.

— «Мамадали Болтаевич»,— дедим.— Сизга қандай ахборот беришганини билмайман. Лекин мен бутун воқеани ўз кўзим билан кўрганман, ҳамма тафсилотларини...»

— Тафсилотингиз керак эмас менга!— деб Болтабоев қайтариб ташлади.— Улган одам учун жавоб беришингиз керак.

— Тўғри, Зиёдулланинг ўлимига сабаб бўлганларни албатта жавобгарликка тортиш керак,— дедим мен. Болтабоев мени ёб беряпти деб ўйлаб, энди сал қўлоқ солди. Мен атайлаб гапни узоқдан олиб келдим.— Мен врачлик практикисини катта бир заводда ўтназганман»,— дедим.— «Ҳаёт бор жойда ўлим ҳам бўлар экан... Заводада битта-яримта бахтсиз ҳодиса юз берса, бунинг ҳеч ким ширмас эди, ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, ҳодисанинг сабабларини аниқлар эди, техника хавфсизлигини бузганлар тегишли жазосини олар эди. Бу ҳамма учун зўр бир ибрат бўлар эди, инкинчи марта тақдорланмайдиган аччиқ сабоққа айланар эди. Менимча, бахтсиз ҳодисаларнинг олдинки олишдаги энг тўғри йўл мана шу. Биз бундай қилиш ўрнига...»

— «Бас!»— Болтабоев мени яна гапиртирмай қўйди. Мирвоҳидга қараб:— «Бу болани менга ақл ўргатиш учун бошлаб келганмидингиз?»— деди.— «Бунинг сен ишга олганмисан? Кўзинг қардер эди?»

Болтабоевнинг гап оҳанги жаҳлидан сал тушганини кўрсатар эди. Мирвоҳид ака бунини сезиб, энди оғиз очига журъат қилди:

— «Мамадали Болтаевич, мендан ўтган бўлса нечирасиз. Музаффар асли ёмон бола эмас. Лекин ҳали таърибиса йўқ. Яқинда институтни битириб келган. Узингиз айтар эдингиз, ёшларга ёрдам бериш керак, дер эдингиз... Бунга бир квартира сўраб мурунаат қилган эдик. Музаффар ўзи уй-жойсиз юриб, асаби ҳам анча бузилган. Шунга ҳали ҳам бўлса шартин яратсан Мамадали Болтаевич, бўшаётган уйни Музаффарга берсангиз. Бунинг қаллиги ҳам врач. Тўйини ўтназар эдик».

— Кутилмаганда гапнинг бу ёққа бурилиб кетгани мени жуذا таъжублантирди. Болтабоев ҳам Мирвоҳид аканинг сўзини бўлмай, охиригача эшитган, ниҳоят бизга: «Утиринлар!»— деб жой кўрсатгани янада галати туюлди. Биз кўк мовут ёпилган узун столнинг икки четига ўтирганимиздан кейин, бир лаҳза сукут чўқди. Арқидан, Болтабоев менинг ҳам уй тўғрисида илтимос қилишимни кутар эди. Мирвоҳид ака болғи аччиқ гапларни унутиб, менга «гапирсанг-чи» дегандай ўми қилди.

— «Очгинини айтсан»,— дедим мен Болтабоевга,— «шу ҳодиса тўғрисида квартира ҳам ёрдам кўтарилибди. Бўлмаса қаллигим билан бирга сизга ариза кўтариб кирмоқчи эдик.»

— «Узингиз-ку, ичингизга сизгамай юрган экансиз»— деди Болтабоев менга.— «Яна думин, гизга бунақа галвир болгангизни нимасиз?»

— «Ешлигини ҳисобга олиб энди бир марта кечиринг, Мамадали Болтаевич»,— деб Мирвоҳид ака ялғиншга тушди.— «Шу ишни босдиб қилиб қўя қолайлик. Диагнозини ўзгартирамиз.»

— Мен Болтабоевнинг юзига қарадим-у, унинг ҳам асил мансади мана шу эканлигини сездим. Зиёдулланинг ўлимига мен гуноҳ-

кор эмаслигини у албатта билар эди. Аслида мен Болтабоевнинг измига юрмаётганим сабабли айбланмоқда эдим. Аммо бунинг менга очиб айтилганча, нукул Тошмат бригадирнинг айбни менга тўнашмоқда эди.

— «Биз қачонгача сенларнинг айбларингни яширамиз»,— деб Болтабоев яна бир нўлис қилди. Мирвоҳид ака яна нечирим сўраб ялинди. Шундан кейин Болтабоев:— «Аммо бу ишлар инкинчи такорр бўлмасин»— деди.— «Агар такоррланса мендан яхшилик кутмайсанлар.»

— Раҳмат, Мамадали Болтаевич, раҳмат!»— Мирвоҳид ака кўлини кўрсига қўйиб ўрнидан турди. Болтабоев менга қараб:

— «Боринг»,— деди.— «Нартира масаласида қаллигингиз билан алоҳида келасиз, тўғрилаймиз.»

— Аммо мен бўшашиб ўрнимдан туролмай қолдим. Нима бўлпти ўзи? Нега Мирвоҳид ака мен қилмаган гуноҳ учун Болтабоевдан нечирим сўрайди? Нега мен индамай ўтирибман? Сунут—розилни аломати эди-ку. Мен энди диагнозини ўзгартиршга рози бўлганим учун нартира оламанми? Ҳа, ҳозир бориб, ҳаммасини «босди-босди» қиламан-у, кейин мен Малохатни эргаштириб келиб, Болтабоевдан нартира оламан. «Тўғрилаймиз»— деди-ку... Кейин мен виждонимни сотиб олган нартирамда тўй қиламан, Малоҳат билан яшайман... Кейин мен шу уйда ахтимоқ фарзанд кўрарман... Ҳали туғилмаган ўша фарзандим билан кўзимга Зиёдулла бўлиб кўринди, ўлим олдан талваса қилиб «Обнетинг мени» дейтгандай.

— «Шошманг!»— дедим мен Болтабоевга.— «Агар Зиёдулланинг диагнозини ўзгартириб, ўлимнинг сабабини яширсам, умрбод юзи қора бўлиб қоламан! Чунини шу билан бунақа ҳодисанинг яна такоррланшига мен ҳам врач бўла туриб, йўл очиб бераман!»

— «Сиз яна бошдан тушингиз-ку»— деди Болтабоев.— «Бу ҳодисадан тегишли хулоса чиқариб, одамларга сабоқ берадиган— сиз эмас, мана биз! Агар сиз гапни кўпайтираверсангиз, бутун айб бўйинингизга тушиб қолайлик!»

— «Айбдор қимлигини билиб туриб нега бундай дейсиз?»

— «Айбдор сизсиз!»— деди Болтабоев.— «Сиз яхши врач бўлганингизда у йиғитни албатта кўтариб қолар эдингиз!»

— «Мен яхши врач тугул, худо бўлганимда ҳам кўтариб қололмас эдим. Лозин бўлса бунинг барча ҳужжатлар, барча анализлар билан исбот қилиб бераман!»


— «Мунча чирмананг! Кавлаштирача хато ҳаммадан ҳам топиладик.»

— «Мен хато қилмайдиган одамман, дедим. Лекин хизматга тўхмат бўлаётгани мени ҳайрон қолдириляпти, ўртоқ Болтаевич! Мақтангандай бўлсам ҳам, сизга айтишга мажбурман: агар мен ўша бригаданинг даласига бориб қолганимда, дарҳол дори-дармон қилиб, аҳволи оғирларни касалхонага етказиб келганимда, бундан шебшарт бахтсизликлар бўлиши мумкин эди. Инсоф юзасидан айтганда, мен кўтариш мумкин бўлган бириданча ишнинг ҳаётини кўтариб қолдим, бунинг бутун коллектив билади! Бу бахтсиз ҳодисанинг бош сабабчиси— ўша Тошмат бригадир билан унга нотўғри буйруқ берган раис! Нега улар қолиб, мени айбдор қўлласизлар?»

— «Улар ҳам тегишли жазосини олади»,— деди Болтабоев.— «Аммо улар пахта деб жонбозлик кўрсатляпти. Инсоннинг соғлигини сақлаш сизларга топширилган. Ҳар ким ўз соҳасига жавобгар! Ҳозир бизнинг далаларимизда фюри ҳосил учун жанг кетляпти. Биз пахта фронтининг жангчиларимиз! Фронт эса кўрбонсиз бўлмайди! Сиз мана шуни қўлдоғингизга қўйиб олинг!»

— «Пахта—умумҳалқ иши, мен бунини биларман, бироқ сиз ҳамма нарсани чалнаштириб юборляпсиз, ўртоқ Болтаевич!»— дедим.— «Аваллабор, ҳеч қайси командир урушда кўрган ўринсиз талафотини врачларга тўнамайдим. Энг муҳими, даладаги тинч меҳнатни урушга қиёс қилиб бўладим! Бутун одамдод урушдан безиб, эртаю неч «тинчлик бўлисин!» деппти, бизнинг давлатимиз наҳондаги ҳамма тинчликсеварларнинг байрондори бўлиб борляпти. Шундай пайтда сиз далада ҳам гўё фронт очиб, кўрбон берсангиз-у, «жанг кўрбонсиз бўлмайди» деб яна айбдорларни оқласангиз!»

— Болтабоев чинанам аччиқланса сўз топпай қолар эди. Унинг индамаётгани бурон ол-



Расми Т. Муҳаммадов чизган.

дидан бўладиган хатарли сунунат эканлигини Мирвоҳид ана билар экан, даммини ичига олиб, менга:

« — Бас қил! — деб шивирлади.

— Аммо мен ҳам анди ўзимни босолмас эдим. Болтабоевга қараб:

— «Агар, — дедим, — Зиёдулла жангда курбон бўлган бўлса, мен нега унинг диагнозини ўзгартиришим керак! Нега сиз унинг жангда наҳрамонларча ҳалок бўлганини лширмоқчисиз? Чунки унинг ҳалокати учун сиз ҳам жавобгарсиз! Сиз жавобгарликдан кўриб шундай қилаясиз!»

— Болтабоев ўрнидан туриб, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан сўкинди.ю, шартта телефон трубкасини олди, тергов идорасидаги ўзига энг яқин одамни чақиртириб топшириқ берди: — «Аҳмоқ бир врач ўн олти яшар йигитни нотўғри даволаб, ўлимга сабаб бўлди, шу ҳақда бизга сигнал бор, дарҳол тергов бошланг!»— деди. Кейин бу гапни соғлиқни сақлаш бўлимидаги ўзига яхши итоат этадиган бир одамга ҳам айтди. Мирвоҳид ана ялрондай титраб, унинг қарбисисда кўл қовуштириб турган эди. Болтабоев унга: «Эшитдингизми? — деди. — Терговчини сиз ҳамма керакли материаллар билан таъминлашингиз керак! Бунақа врач, — Болтабоев нафратга тўлиб мени кўрсатди, — бунақа тухматчи шахс районимиздан йўқ бўлиб кетиши шарт!»

Музаффар ҳиқоясини шу ерда тўхтатиб ўрнидан турди. Эти учгандай бўлиб қўнишиб, деразанинг олдига борди. Қоронғи туша бошлаган, деразанинг оқиқ жойидан кираётган кечки изгирини купени совутиб юборган эди. Музаффар купе деразасини ёпди. Включатель мен томонда экан, чирогни ёқдим. Поезд Мирзачўл далаларини оралаб борар, вагон деразаларидан тушган ёруғлик, гоҳо шўрдан оқарган ерларни сийқалаб ўтар эди.

— Уша дақиқалаб эсимга тушса, ҳозир ҳам этим жунжикиб кетади, — деди Музаффар жойига қайтиб ўтираркан. — Чунки Болтабоев айтган ишини қиладиган тоифадан эди, у танк бўлиб, мени ялчиб ўтмоқчи эди. Менинг суяйдиган кимим бор? Танқирим шундай одамларнинг қўлига топширилдини, булар Болтабоев буюрган ишни бажаради. Докторин ҳам мушкул насб. Мен яқиндагина мустанқил иш бош-

лаган одамман. Эҳтимол мендан ҳам бирор хато ўтгандир? Буни балки ўзим ҳам сезмагандирман? Болтабоев «Кавлаштира ҳаммадан ҳам хато топилади» деб бекизи айтмагандир... Булар энди роса навлаштиради. Виронта илмоқ топиб олишса бас... Кейин Зиёдулланинг ўлими учун мени айбдор қилишади... Жиноятчи бўлиб қамалишни кўз олдимга келтирдим-у, аъзои-баданимга бир титроқ кирди — ҳеч босолмайман. Уша пайтда менга ҳам жон ширин туюлган бўлса керак, ваҳимага тушиб, узокроқ бир жойга нетгим келди. Касалхонага боришдан юрагим беизиллайди. Малоҳат ишлайдиган жойга йўл олдим. Аммо Малоҳат воқеанинг бир четини эшитиб, мени қидриб кетган экан. Қўриқ-пуса касалхонага қараб юрдим. Дарвозанинг олдида мунтазир бўлиб турган Малоҳатни узоқдан танидим-у, юрагим яна «шув!» эйтиб кетди. Энди мен ундан ҳам янраб қолишим мумкин эди. Яқин борганимда Малоҳат менинг аҳволимни кўриб кайфи учиб кетди. Инковимиз четроқча чиққанда мен ҳаммасини унга айтиб бердим.

« — Эҳтимол, мен кучим етмайдиган юнни елкамга олгандирман? — дедим. — Эҳтимол бу юк мени майиб қилар? Биз кватиралик бўлишимиз мумкин эди, Малоҳат! Бунинг ўрнига мен, мана, қотилликда айбланялман...»

« — Сиз еллангизга оғир юк олган бўлсангиз, буни бир ўзингиз кўтармасиз, — деди Малоҳат. — Бу юкни елмасини тутадиган одамлар топилади. Мен ҳам... Ахир мен ҳам сизни орқа қилиб келганман-ку, бу ерда! Агар ҳалигача билмасангиз, энди билиб қўйинг: мен сизнинг ҳар қандай мушкулнингизга тенг шерикман!»

— Қиз бола шундай деб тургандан кейин сиз писиб ўтирсангиз бўлмас экан. Умуман, шундай пайтда мушкулнингизга шерик бўлган одам умрбод эсингиздан чиқмас экан... Мана, орадан анча йил ўтди, биз Малоҳат билан бир ўғил, бир қиз кўрдик. Ҳозир инковимиз ҳам ишлаймиз. Рўзгор тирикчилигининг ҳар хил аччиқ-чучуқлари бўлар экан... Аммо Малоҳатнинг ўшандаги яхшилиги эсимга тушади-ю, уни ҳамма нафимда олиб юргим келади-да!.. Шундай қилиб, ўша кунни Малоҳатнинг далдаси билан курашни давом эттирмоқчи бўлдим. Касалхонага кириб, энг яқин ҳаммасларимга воқеани айтдим. Улар «бу ердаги ишларни биз еплаштириб турамыз, сен тўғри обкомпартияга бор, дейишди. Ташқарида Малоҳат мени кутиб турган эди. — «Авалл оймига бир теле-

фон қилайлик, — деди. — Ойим йўл-йўригини яхши билади». Телефон станциясига бориб, Тошкентни занас қилдик. Малоҳатнинг ойиси Малика Нишонова масъул ишда ишлар эди, Олий Советнинг депутати эди. Бир ирм соат уриниб, телефонда уни уйдан ҳам, ишхонасидан ҳам тополмадим.

— Бўлмасэ, сиз ойнгиз билан кечкурун гаплашарсиз, — дедим Малоҳатга. — Мен керакли нгозларни олиб обкомга кетавераман.

Шундай деб кўчага чиққан эдим, Болтабоев телефон қилган терговчи дуч келиб қолди. «Бу ёқча юринг!» деб мени идорасига бошлаб борди-да, тергов тугагунча ҳеч қаёққа кетмаслик тўғрисида тилхат олди. Ахвол нудда жиндийлашиб кетди. Малоҳат ишхонасидан бир кунга жавоб олиб, автобусга минди. Область марказига бориб самолётга чиқипти.ю, уша кунни кечкурун Тошкентга етиб борибди. Бу ёнда мен тергов бериб ётимаан, Мирвоҳид акамиз, Болтабоев ўл деса ўлиб, тирил деса тирилади-ган одам, тирноғимнинг тағидан кир қидиради, «палон дорининг дозасини натта буюрган, палон уколни вақтида қилмаган» — деб, терговчини ёлгон-яшиқ фактлар билан таъминлайди. Тошкентда Малоҳат Малика Нишоновога бор гапни айтиб беради... Уша кунларда Марказий Комитетнинг масъул бир ходими бизнинг областимизга командировнага келган экан. Малика Нишоновна у одамни яхши билар эканлар, телефонда қидриб топиб, воқеани маълум қилдилар. Инковлари маслаҳатлашиб, Респуб. лика санитария инспекциясидан яхши бир мутахассис чақиршибди, Орадан кейин кун ўтгандан кейин, Марказий Комитетнинг масъул ходими уша мутахассисни эргаштириб районимизга келди... Ҳақиқатни биладиган одамлар кўп эди, ўшалар билан гаплашишди, хужнатларни кўриб чиқишди. Хуллас, Болтабоевнинг сирини фох бўлди... Унинг бошқа кирдиюрлари ҳам очилиб, районимизда ҳавони тозалайдиган бир момақалдроқ бўлиб ўтди. Мени йўқ қилмоқчи бўлган Болтабоев ўзи муфтани ростав қолди... Ҳозир қайси бир совхозда бригадир деб эшитдим. Бугунги кўринишига қараганда, шу гап ростга ўхшайди. Бида ишлаганда доим «Волга»да юрар эди, хотини ҳам шаҳарча нофталаб, пошниси баланд туфлилар кирди эди. Ҳозир Болтабоев ўзи ҳам галифе кийиб, хотинига ҳам маҳси кийдирадиган бўлиб қолдиби... Ичи бўш шишага қимиз солсангиз оқ сув солсангиз кун кўринади. Шунга ўхшаб, Болтабоевнинг кийиниши ҳам, юриш-туриши ҳам, маъвиега қараб нудда тез ўзгаради... Энг муҳими, шу одам нетгандан кейин, бизнинг жойларда ҳалиги бахтсиз ҳодиса инкинчи такрорланмади, чунки кўрилан чоралар гафлатда ётганларнинг ҳам кўзини очган эди...

Музаффар ҳиқоясини тугатгандан, поезд Ховосда тўхтаб турар эди. Ташқарида шамол чийиллар, залварли ҳаво тўлқинлари вагонга қаттиқ бир нарседай урилар, темир томининг аллақаери «қирс-қирс» этиб кўярди.

Купе эшигидан яна хушмуомала провондиги. миз кўринди:

— Зеримқандирингизми, меҳмонлар? Мен сизларга энди қочмайдиган ҳамроҳлар топиб келялман!

Йўлақда чамадон кўтарган бир йигит билан кўзойнак таққан нампир турар эди.

— Марҳамат, жоғлашингизлар, — деб, биз Музаффар билан купедан чиқдим.

Мен тор, узун йўлакка, қатор кетган купе эшикларига кўз югуртирдим. Ҳозир шу эшикларнинг биридан Болтабоев чиқиб қолшиши мумкин... Музаффарнинг ҳиқоясидан кейин мен унга яхшироқ разм солмоқчи эдим. Аммо Болтабоев бошқа вагонга ўтиб кетган экан.

— Балки тушиб қолгандир? — дедим провондинка.

— Э, тушиб қаёққа тушади? Билети охиригача эди..

Демак, у ҳам шу поездада кетяпти.



ТОЖИК

“Хорпуштак”

ҳажв  
журнали  
меҳмонимиз

— Хайрият, ҳушингиз жойида экан... — Зурма-зурани жилмайиб, кўл бериб сурашган бўлдим. — Дунёни сув босиб кетса, тупигингизга чиқмайди. Бир соатдан бери турибман ёнингизда.

— Ҳа-а, қулогимга чалингандек бўлувди-я; Холматми, Холиқми, нимингдир мазаси йўқ деб. Уша сизмидингиз?

— Ҳа. Холамининг тоблари йўқ экан...

— Холамини дейсизми? Менинг онамин-я? Қандай қилиб?

— Билмадим. Бизиниға бера юбортиришган экан, шошиб келсам...

— Тавба, кеча тузун эдиларку?

Ҳожи Содиқ

СИХ — КУЙСА — ҲАМ

...Қабоб ҳам куймасин, сих ҳам. Бу мақолни ҳолаваҷчам Ҳабибжон ҳам яхши билади. Биланди-ю, лекин...

Мана, уни излаб нелганимга бир соат бўлай деб қоляпти. Лекин у парвойи-палак. Енида турганлигимни сираям сезмайди. Шахмат тахтаси устига бошини куйиб солганича, тарашадан қотиб ўтирибди. Фикру зикри ҳарифининг ҳужумидан қутулиб олишда.

Ҳабибжон, холамининг мазалари бир оз қочиб қопти, — «қаттироқ» сўзини «бир оз»га алмаштириб, учинчи марта такрорлайман унга.

— Маза, маза, маза-за-а... — Менга қиё ҳам боқмай ўз-ўзича мингиллайди. Пиёдалардан бирини олдига суради. — Шах!.. Пастой, пастой, пастой! Бунақаси кетмайди. Дурустроқ ўйлаб кўриш керак... — У вазминли билан қаддини ростлаб, қўлидаги ўти ўчиб қолган сигаретини қайта ёндираркан, менга нўзи тушиб, ҳайратланади: — ие, Ҳакимжон, қаердан пайдо бўлдингиз?

— Кеча ҳаволам очиқ эди, бугун...

Ҳариф шу пайт Ҳабибжоннинг битта пиедаси учун филини қурбон қилди. Шундан кейин отлар майдонга чиқиб, руҳлар бир-бирларининг изидан тушишди ва фарзинлар олиша кетди. Оқибатда, Ҳабибжоннинг шоҳи боши берк кўчага кириб қолди.

— Шоҳ-у гарди! — деди ҳариф кўнрақ кериб.

— Нима-нима?! — Кутилмаган ҳужумдан Ҳабибжон яна ўзини йўқотиб, шахмат тахтаси устига эгилганча ҳамма нарсани унутди.

— Ҳабибжон, холамининг аҳволлари оғир эди, — ростини айтишга мажбур бўлдим.

— Аҳвол... Аҳвол... — бошини чайқаб ўз-ўзича ғудурланди у. — Ҳа, аҳвол оғир. Битта отнинг бахридан ўтмасам, қутулмайдиганга ўхшайман!..

Бу ерда Ҳабибжон ўзига нелгунча, уёқда бечора холам ўзи. дан кетиб бўлди.

Ишқибозлар.



— Манавиларини қариндошларига бериб қўй.



Ишда жуда ҳоригандим, отпуссага чиқиб, дам олаётиман.




Ҳориждан келган сайёҳ: — Эҳ-ҳа ракеталари бу ерда эканда.



● МҮЙЧИНАК ●  
● МҮЙЧИНАК ●  
● МҮЙЧИНАК ●  
● МҮЙЧИНАК ●  
● МҮЙЧИНАК ●

— Эртага хабар олсангиз, мен жуда бандман.

— Уйга етиб олиш усули.



Саккиз ҳарфдан иборат бўлган ҳар қайси сўз, тегишли рақам атрофи-га стрелкали хонадан бошлаб, соат иили айланаси бўйича ёзиб чиқилади.

1. Радишчевнинг машҳур одаси; 2. Шевченко поэмаси; 3. Комил Янин драмаси; 4. «Қонсиз фоғиз» поэмасининг муаллифи; 5. Одил Ғубонининг повести; 6. С. Анорбоевнинг «Меҳр» повестидаги бош қаҳрамон; 7. Ш. Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романидаги персонаж; 8. «Россия», «Икки қоя» достонларининг муаллифи; 9. Ўзбекистонда ижод этаётган татар шоири; 10. «Асия», «Илк севи» ва «Баҳор сувлари» қиссаларининг муаллифи; 11. «Вури изидан» романининг муаллифи; 12. Драматург В. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» пьесасидаги персонаж; 13. Уйғун драмаси; 14. Машҳур рус сатириги; 15. «Оқсой» романининг муаллифи; 16. Ойбекнинг «Кўёш қораймас» романидаги асосий образ; 17. «Иван Иванович» романининг муаллифи; 18. «Мирзо Улугбек» трагедиясининг муаллифи; 19. Улуғ рус адабиётида Пушкингача ўтган шоирлардан энг буюғи; 20. Саид Аҳмадининг «Уфқ» романидаги асосий образлардан бири; 21. Муъинийнинг «Танобчилар» асаридagi персонаж; 22. С. Айниевнинг «Қўллар» романидаги асосий образлардан бири; 23. Иброҳим Раҳимнинг «Ихлос» романидаги бош қаҳрамон; 24. Абдулла Қаҳҳор повести; 25. Таниқли қозоқ совет ёзувчиси; 26. М. Лермонтовнинг 1812 йили Ватан уруши ҳақидаги шеъри; 27. Машҳур ҳинд ёзувчиси Р. Тагорнинг «Нур ва соялар» китобидаги ҳикоялардан бири; 28. И. Раҳимнинг «Чин муҳаббат» романидаги бош қаҳрамоннинг фамилияси; 29. «Чапаев» романининг муаллифи; 30. Ақсад Мухторнинг «Тугилиш» романидаги бош қаҳрамонлардан бири; 31. А. Толстойнинг дастлабки асарларидан бири; 32. А. Қаҳҳорнинг «Кўшчивор чирқолари» романидаги бош қаҳрамон; 33. М. Муҳамедовнинг «Ичкит горнизон» повестидаги комиксар фамилияси; 34. А. Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда асаридagi бош қаҳрамон; 35. «Мардлар қиссаси» трагедиясининг муаллифи; 36. «Оқ қайин» романининг муаллифи.

Ҳақим менинг энг яқин дўстим. Икковимиз бир ҳовлида турамиз, бир корхонада ишлаймиз. Ишга бораётганда, тушда овқатланаётганда, ишдан қайтишда ҳам биргамиз. Бир кун эрталаб уйдан бир оз кеч чиқдим.

— Автобусни кутсан, ишга кечинамиз, Қани энди такси топила қолса, — деди Ҳақим.

Автобус тўхтайдиган жойга етиб келишимиз биланоқ ҳаворанг «Волга» ёнгинамизга келиб тўхтади. Такси!

— Шошилаётганга ухшайсизлар. Марҳамат, — деди шофёр табассум билан.

Хурсанд бўлиб, машинага ўтирдик. Зум ўтмай манзилга етдик. Сўтчида «78» рақами пайдо бўлди. Биз шофёрга раҳмат айтиб, бир сўм узатдик ва корхонамиз эшиги томон ошдик.

Қайтимини олинглар! — қичқирди шофёр.

— Э, нўлверинг, розимиз, — деди Ҳақим.

Шофёр машинадан чиқиб, изма-из югурди.

— Нега пулларингизнинг қайтимини олмайсизлар? Ма-на! — У қўлидаги тангаларни менга узатди.

— Розимиз дедик-ку, нўлверинг-да, — деди кулиб Ҳақим.

— Шундайми?! Фамилиян-гизни айтинглар, — деди шофёр чўнтагидан дастлар билан қалам олиб.— Мен устларинг-дан арз қиламан.

Ававалига шофёр ҳазиллаша-ётгандир деб, кўлдик.

— Нега илжаласизлар? Мен бу ерда маймун ўйнәтатман-ми?!— деса бўладими жиги-бийрони қичиб.

Фамилиямизни айтишга маж-бур бўлдик...

Ишдан сўнг, эрталабни ха-фачиликни сал тарқатиш мақ-садида ресторанга бордик.

— Хўш қандай овиятдан келтирди — деди официант хотин тавозе билан.

— Жўза шурва бор экан. Менга шундан. Сенга-чи? — деди Ҳақим.

— Менга ҳам.

— Иккинчисига нулчатой етқолайлик, — дедим.

Ҳақим рози бўлди.

## Яхшиликка ҳайфсан

Исо Абдураҳмонов

— Учинчига-чи? — сўради официант баяғдай мулойим овоз билан.

— Уч юлдузликдан юз эл-ликтадан келтира қолинг, — деди Ҳақим.

— Справаларингиз борми?

— Қанақа справка?!

— Спиртли ичимлик ичиш мумкинлиги ҳақида.

Ҳайрон бўлиб бир-биримиз-га тикилдик.

— Кечадан бери бизда врач-дан справаси бўлмаган ки-шиларга спиртли ичимлик берилмайдиган бўлди.

— Ҳазилингни қўлинг-е, — де-дим кулиб.

— Ҳазиллашадиган одам то-полмай ўтирган эдим-да, — деди официант хотин кичол билан.

Ҳақим менга «эҳтиёт бўл, эр-талабидек бўлмасин тагин» деган маънода тикилди.

— Майли овқат келтира қолинг. Ичмасан ичмабмиз-да, — дедим...

Ресторандан чиқиб, гастро-номга кирдик. Ичимликлар сотиладиган жойда ароқ, вино деган нарса кўринмади.

Фачат ҳар хил лимонадлар, сув-лар... Ҳатто пиво ҳам йўқ.

Ароқдан бирон шиша топи-ладими? — паст овоз билан сў-радим сотувчидан.

— Хужжатингиз борми?

— Қанақа хужжат?!

— Қанақа бўларди. Ҳақи-натан тўй-маърака қилаётган-лигингиз ҳақида.

— Биз... тўй қилмоқчи эмас-миз, Икковимиз отамлашмоқчи эдик.

— Бўлмас ресторанга бо-ринглар. Бизда спиртли ичим-лик маҳалла комитетидан оли-ни, милиция бўлимида тасди-қланган хужжат асосида соти-лади. Хужжатда тўй ёки маъ-ракага неча ичадиган одам йиғилмаши ва уларга нарча ичимлик кераклиги кўрсати-лади.

— Бир иложини қилинг эн.

ди. Мана шунга яримта берсан-гиз бўлади, — деб беш сўмлик-ни узатди Ҳақим.

— Шунга яримта бўлса бўладими? — деди сотувчи пул-ни олиб.

— Ҳа, жуда хурсанд бўла-миз.

— Жуда-я?

— Жуда!

— Бўпти. Фамилиян-гиз? Иш жойингиз?

— Иш жойимиз?! — деб юбор-дим бирдан эрталабчи шофёр-нинг сўзини эслаб.— Яғи, Кетдик.

— Шошилманг, мен иш жой-ларингизни барибир билиб ола-ман. Кейин ўзларингизга қийин бўлади.

Ҳақимнинг кўзлари олайиб кетди. Айтишга мажбур бўлди.

— Пулингизни олинг. Ор-тинча пул бермоқчи бўлганла-рингизни имзоларингиз билан тасдиқланг, — деб иккаламиз-нинг ҳам фамилиямиз ва иш жойимиз ёзилган катта дастлар-ни узатди сотувчи.

— Бунинг учун жавоб берасизлар.

Бир-биримизга таажкуб бил-ан қараб олдик-да, ноилож сотувчи кўрсатган ерга имзо чекдик.

— Хўш, энди нима қила-миз? — деди Ҳақим гастроном-дан чиққаннимиздан сўнг.

— Бўлар иш бўлди. Ҳозир тўғри поликлиникага бориб, справка оламиз. Кейин «Зараф-шонга кирамиз».

Поликлиника томон жўн-дик. У ерда унчато одам навабт кутиб ўтирибди. Биз анча кут-дик. Навбатимиз келганда ик-каламиз бирданига кирдик.

— Битта-битта кириг, — деди врач.

— Мен чиндим. Тезда Ҳа-қим ҳам чинди.

— Хўш, беришдимини?

— Юрагим намузуват экан.

Ароқ ичгунча даволанинг, де-йишди. Сал чўчқандек бўлдим.

Сўнг нафасимни ростлаб, ича-ри кирдик.

— Хўш, эшитаман?  
— Мен ҳам справкага келу-вдим, — дедим эшитилар-эши-тилмас.

Врач қон босимини ўлчашга киришди. Ҳақимнинг ошди. Узимни босишга ҳаракат қил-дим.

— Қон босимингиз сал ба-ланд. Ҳозирча справка берол-маймиз. Дори ёзиб бераман.

Тарвузим кўлтигимдан туш-ди. «Сиз бугун менинг ўрнимда бўлганингизда, ҳозир қон бо-симингиз меникидан ҳам ортиб кетарди» демоқчи бўлдим. Аммо айтолмасдан кабинетдан чиқдим...

Бир неча кундан кейин шо-фёрга ортинча пул берганимиз учун корхонамиз маъмурияти томонидан ўрнимизда биринчи марта ҳайфсан олдик. Шу не-ча-кундузда жуда ҳафамиз. Чунки магазиндаги ҳангомалар учун ҳам жавоб беришимиз керак. Ҳа, ана шундай воқеа-лар ҳам бўларкан.

Бош муҳаррир: ИБРОХИМ РАҲИМ, Таҳрир ҳайъати: ИКРОМ АҚБАРОВ, ЯЗДШО ШАМШАРОВ, МИРТЕМИР, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, РАҲИМ АҲМЕДОВ, РУСТАМ РАҲМОН (масъул котиб), САҲЕР, СИРОЖИДДИН КАМОЛИДДИНОВ, СУЛТОН АҚБАРИЙ, ҲАМИД НУРИЙ (бош муҳаррир ўринбосари).

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, 47, КАРЛ МАРКС КУЧАСИ, 30-УЙ.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳар-рир — В-33520. Бош муҳаррир ўринбоса-ри — В-33590. Масъул котиб — В-33659. Ий-тимой-сиёсий бўлим — В-33602. Адабий-бадний бўлим — В-33519. Қабулхона — В-33519.

Теришга топширилди 15/III-68 й. Босишга икзолат берилди 16/IV-68 й. Қоғози 70×108/16. Ҳажми 5,5 босма тобоқ. Буюртма 6034. P 06056. Нусхаси 160.000. Баҳоси 30 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Ко-митети Бирлашган нашриётнинг босмахо-наси.

Муъиник  
Муъиник  
Муъиник



